Захриддинбобир ҲАЙДАРОВ





# НАМАНГАН ВИЛОЯТИ: ЎТМИШ ВА БУГУН





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Захриддинбобир ҲАЙДАРОВ

# НАМАНГАН ВИЛОЯТИ: ЎТМИШ ВА БУГУН

**(1917-2013 *йиллар*)**

«Наманган» нашриёти
2014 *йил*

УЎК: 821.512.133-9
КБК: 84 (5 Ўзб) 7
Ҳ- 47

***Масъул муҳаррир:***
тарих фанлари доктори, профессор
**Султонмурод Солиевич Солиев**

***Тақризчилар:***

**тарих фанлари доктори, профессор Абдулла Нуритдинович Расулов**
**тарих фанлари номзоди, доцент Бахтиёр Робиддинович Исоқов**
**тарих фанлари номзоди Тоҳиржон Қодиралиевич Қозоқов**

Ушбу монографияда Наманган вилоятининг совет мустамлакачилиги ва мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти, унинг ўзига хос жиҳатлари қиёсий таҳлил асосида ўрганилган.

Монографияда Наманган уездида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши қуролли ҳаракатнинг келиб чиқиш сабаблари, мустабид совет ҳокимияти томонидан Туркистон ўлкасида, жумладан, Наманган вилоятида жорий этилган бошқарув тизимининг «ислоҳот»чилик тамойили ва унинг оғир оқибатлари масаласи янгича ёндашув асосида тадқиқ этилган.

Шунингдек, монография Наманган вилояти аҳолисининг барча ўзбекистонликлар қатори Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларидаги жасоратлари ҳақида маълумот бериб, урушдан кейинги йилларда вилоятдаги иқтисодий ва ижтимоий ҳолат, «турғунлик йиллари»да миллий қадриятларнинг ҳукмрон мафкура манфаатларига бўйсундирилишининг салбий оқибатлари ва «советча» таълим тизимидаги муаммоларнинг юзага келиш сабабларини таҳлил этади.

Монографияда мустақиллик йилларида Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва маданий ҳаётидаги ўзгаришлар жараёни чуқур таҳлил этилган бўлиб, вилоятда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижалари аввало Истиқлол шарофати эканлиги аниқ кўрсатиб берилган.

Монография Ўзбекистон тарихининг совет мустамлакачилиги ва мустақиллик даври тарихи билан шуғулланувчи тадқиқотчилар ҳамда Ватан тарихи билан қизиқувчи кенг китобхон оммасига мўлжалланган.

ISBN - 978-9943-977-02-0

$$\text{Ҳ}\frac{1263 - 4216{,}5 - 1659170}{1264 - (8{,}0) - (11)} 2014$$

[stamp: ...ngan davlat universiteti] 22637/1

© **Захриддинбобир ҲАЙДАРОВ**
© **«Наманган» нашриёти, 2014 йил.**

# МУҚАДДИМА

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиб, уни мустаҳкамлаш ва ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш йўлига ўтди. Мустақиллик туфайли республика ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида туб ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистонда тарихий жиҳатдан қисқа давр мобайнида миллий давлатчиликни барпо этиш, бозор иқтисодиётига ўтиш, халқаро муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш бобида улкан ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг тарих фани соҳасида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Истиқлол туфайли ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихини тиклаш, холисона тадқиқ этиш ва уни халққа етказиш борасида қатор ижобий натижалар қўлга киритилди. Мамлакат ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётидаги сифат ўзгаришларига ҳамоҳанг тарзда тарихшуносликда ҳам янгича руҳ ва мазмундаги илмий тадқиқотлар учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг бир қатор асарларида ҳам ўзликни англаш, инсон дунёқараши ва жамият мафкурасининг шаклланишида ижтимоий фанлар, хусусан, тарих фанининг ўрни беқиёслиги алоҳида кўрсатиб ўтилди. Жумладан, Президент И.А.Каримов миллий мафкура шаклланиши жараёнида тарих фанининг ўрнига юксак баҳо бериб: «Миллий мафкурани шакллантиришдаги энг катта манба - бу ҳаққоний ёритилган тарихдир», - деб таъкидлаган эди[1].

Бугунги кунда юртнинг тарихи, қадимий маданияти тикланмоқда ва у мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиётида юксак аҳамият касб этмоқда. Бу жараёнда ўз тарихини чуқур билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмаслигига алоҳида эътибор қаратган Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов

[1] *Каримов И.А.* Миллий истиқлол мафкураси - халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. - Т.: Ўзбекистон, 2000.- Б. 34.

тарихчи олимларни ҳаққоний тарихни тиклаш, халқни ва миллатни ана шу тарих билан қуроллантиришга даъват этди[2]. Ушбу даъватга жавобан, тарихчи олимларнинг изланишлари натижасида қатор туман ва вилоятлар тарихига бағишланган тадқиқотлар юзага келди[3].

Дарҳақиқат, Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғилиб вояга етган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди...»[4]. Республика тарихини айрим ҳудудлар, шаҳарлар, вилоятлар, жумладан, Наманган вилояти мисолида ўрганиш, шубҳасиз, ўтмишни янада чуқур, тўлақонли ва мукаммал ёритилиши учун имконият яратади.

Наманган вилояти ўзининг тутган ўрни, салоҳиятига кўра, Республикада етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов эътироф этганидек: «...Наманган халқи ўзига хос хусусиятларини, ўз тарихи, анъана ва урф-одатларини... асрлар мобайнида сақлаб келмоқда... Наманган вилояти мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятида, маънавий ва маданий ривожида кўп жиҳатдан етакчи ўринни эгаллайди»[5].

Халқнинг босиб ўтган қарийб бир асрлик тарихига фақат салбий воқеалар даври деб қарамаслик, балки бу яқин ўтмишга холисона баҳо бериш бугуннинг вазифасидир. Умуман, тарихни, аждодлар қолдирган бой меросни рўйи-рост, холисона ўрганиб, адолат билан

---

[2] *Каримов И.А.* Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: Шарқ, 1998. - Б.24-25.

[3] *Солиев А.* Избоскан тарихи (1917-1991 йиллар). - Т.: Ўзбекистон, 1993.; *Алиева Ф.С.* Социально-экономическое развитие села Зарафшанской долины в 60-70-е годы, Узловые проблемы и особенности: Автореф. дис. ... канд. ист. наук.- Самарканд, 1994. - 27с.; *Турсунов Ж.Н.* История экономического и социального развития городов Узбекистана (на примере городов Байсун, Шаргун и Шурчи) Автореф. дис. - канд. ист. наук. - Самарканд, 1995. - 26с.; *Ҳотамов А., Халилов Ш.* Йиллар садоси: Кармана тарихидан лавҳалар. - Т.: Адолат, 1995.; *Ҳайдаров Ҳ.* Жиззах вилояти тарихи. - Т.: Меҳнат, 1996.

[4] *Каримов И.А.* Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Т.: Шарқ, 1998. - Б.3.

[5] *Каримов И.А.* Шу муқаддас юртга ёруғ кунлар келтириш - ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир //Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Асарлар.- Тошкент: Ўзбекистон, 2000.Т.8. - Б.181.

тадқиқ ва талқин қилиш бош мезон бўлмоғи керак. Тарихни чуқур идрок этиш кишиларда йўл қўйилган хатоларни такрорламаслик, ундан сабоқ чиқариб, бугунги кун ва келажак учун фидокорлик ҳиссини тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Шу боис тадқиқотчилар тарихни тўла-тўкис, ҳеч қандай ғоявий либосларга буркамасдан, яъни унинг ўзи қандай бўлса, худди шундайлигича халқ мулкига айланишига ўз ҳиссаларини қўшмоқлари керак.

Шу ўринда Наманган вилояти тарихи ҳозирга қадар чуқур, атрофлича ўрганилмаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Вилоятлар, хусусан, Наманган вилоятининг совет тузуми ва мустақиллик йилларидаги тарихини қиёсий таҳлил қилган ҳолда ўрганишнинг ўз афзалликлари ва аҳамиятли жиҳатлари бор. Бу орқали биринчидан, ўзбек халқи Истиқлолни тинч йўл билан қўлга киритган бўлса-да, мустақиллик учун олиб борилган саъй-ҳаракатлар илдизи узоқ тарихга бориб тақалганлигини, юрт ватанпарварлари озодлик йўлида яширин ва ошкора, зарур бўлган ҳолда эса қурол кучи билан кураш олиб борганликларини, мустақиллик шарофати билангина бу курашлар тарихини холисона ўрганишга имконият яратилганлигини кенг жамоатчиликка асослаб бериш имконияти пайдо бўлади. Иккинчидан, бугунги кунда ўтмиш мероси ва жаҳон халқлари тарихий тажрибасига асосланган ҳолда мулкчиликнинг турли шаклларини ривожлантиришга кенг йўл берилаётганлиги, иқтисодий ислоҳотлар мазмунини, тадбиркорлик ва хусусий мулкчиликнинг ривожи учун кўрсатилаётган ғамхўрлик моҳиятини, бундан кўзланган мақсад фақат битта - халқ фаровонлиги эканлигини чуқурроқ англаб етмоқ учун яқин ўтмишдаги «жамоалаштириш», «қулоқлаштириш» ҳамда оммавий қатағон жараёнларининг фожиали оқибатларини айрим ҳудудлар мисолида таҳлил этиб, ундан хулоса чиқариш айни муддаодир. Учинчидан, Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизм устидан қозонилган улкан ғалабада бу-

тун ўзбекистонликларнинг, хусусан, Наманган вилояти аҳлининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини, ўзбек халқининг фронт ортидаги фидокорона меҳнати ва жанг майдонларидаги қаҳрамонликларини холисона ўрганиб, оммага етказиш ҳамда шу орқали ёш авлодни ватанпарварлик, фидойилик, сабр-бардошлилик, аждодлар ёдига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига ўз ҳиссаларини қўшиш тарихчилар олдидаги муҳим вазифалардан биридир. Тўртинчидан, мустақиллик йилларида мамлакат, хусусан, вилоят маориф тизимида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқдаки, у ўз ўрнида Республика раҳбариятининг халқ таълимини ривожлантириш йўлидаги саъйи-ҳаракатларининг амалдаги натижаси эканлигини, ушбу имкониятларга фақат Истиқлол шарофати билангина эришилганлигини, таълим тизими борасидаги ислоҳотлар мазмун моҳияти билан Ватанига, халқига садоқатли баркамол авлодни тарбиялашга қаратилганлигини англаб етиш учун маорифнинг мустамлакачилик даври тарихига назар ташлаган ҳолда уни қиёсий таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Шу сабабли Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихини қиёсий таҳлил қилган ҳолда ўрганиш тарих фанининг долзарб вазифаларидан биридир.

Монографияда белгиланган асосий мақсад - Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихини қиёсий таҳлил қилган ҳолда ўрганиш орқали совет тузумининг асл моҳиятини очиб бериш, мустақиллик йилларидаги ўзгаришларни умумлаштириш ва совет даври билан қиёсий таҳлил этиш ва ўрганишдан иборат. Мазкур мақсадни амалга оширишдан келиб чиққан ҳолатда қуйидаги вазифалар қамраб олинган:

*биринчидан,* монографияда совет ҳокимиятининг Наманганда зўрлик билан ўрнатилиши ва унга қарши олиб борилган кураш тарихини ёритиш;

*иккинчидан,* XX асрнинг 20-30-йилларида совет давлати томонидан амалга оширилган сиёсат ва унинг асл моҳиятини очиб бериш;

*учинчидан,* вилоят аҳлининг Иккинчи жаҳон урушидаги иштирокини янги маълумотлар асосида ёритиш;

*тўртинчидан,* Наманган вилоятининг тургунлик йиллари ва «қайта қуриш» давридаги аҳволини таҳлил этиш;

*бешинчидан,* мустақиллик йилларида Наманган вилоятида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ва дастлабки натижалар ҳақидаги маълумотларни тадқиқ қилиш;

*олтинчидан,* миллий-маданий қадриятларнинг тикланиши ва маданий тараққиётнинг айрим жиҳатларини Наманган вилояти мисолида кўрсатиб беришдан иборат.

Монографияда Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йилларидаги ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаёти илк бор комплекс тарзда тарихий адабиётлар, архив манбалари ҳамда тарихий жараёнларни бевосита гувоҳи бўлган шахслар билан ўтказилган мулоқотлар асосида чуқур тадқиқ этилган. Монографияда Наманган вилоятида совет ҳокимиятининг зўрлик билан ўрнатилиши ва унга қарши қуролли ҳаракат тарихи, большевикча бошқарув тизимининг қарор топиши илк бор холис тарзда ёритилганлиги, вилоят бўйича «қулоқлаштириш» ва қатағон жараёнлари, уларнинг фожиали натижалари Ўзбекистон Республикаси марказий давлат архиви фондларининг ҳужжатлари, шунингдек, вилоят ҳамда туманларнинг архив фондларида сақланаётган, ҳали ўрганилмаган ҳужжатлар воситасида илк бор илмий асосда тадқиқ этилганлиги, наманганликларнинг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси, Наманган вилоятида урушдан кейинги йилларда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги муаммолар, миллий ва диний қадрият, урф-одатларнинг тайзиққа учрашининг сабаблари, тегишли даврдаги

Республика иқтисодиётидаги қўпол бошқарув тизимининг вилоят хўжалик тараққиётига салбий таъсири, унинг ортидан келиб чиққан чуқур ижтимоий муаммоларнинг таҳлили, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида собиқ Иттифоқдан мерос бўлиб қолган ижтимоий муаммолар, уларни ҳал қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлар, амалга оширилган кенг кўламли ишлар, эришилган ютуқлар, Истиқлол йилларида амалга оширилган ислоҳотларнинг аҳоли турмуш даражасига ижобий таъсири, маданият ва спорт соҳасидаги муваффақиятлар чуқур таҳлил этилган.

Монографияда Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёти илк бор алоҳида мавзу сифатида холисона, умумлаштирилган ҳолда қиёсий таҳлил этилди. Шунингдек, илмий ишда муаллиф томонидан тарихнинг жонли гувоҳлари - алоҳида шахслар билан олиб борилган мулоқотлар жараёнида тўпланган асосли маълумотлар ҳам дала материаллари сифатида тадқиқотга киритилди.

Монографиядан вилоятнинг совет мустамлакачилиги даври ва мустақиллик йиллари тарихига бағишланган махсус нашрлар, ўқув қўлланмалари, дарсликлар чоп этишда ҳамда тадқиқотда келтирилган маълумотлардан олий ўқув юртлари, малака ошириш курсларида Ўзбекистон тарихининг мазкур даврига оид махсус курс ва семинарларни Наманган вилояти мисолида ташкил этишда, ундаги материаллардан Ўзбекистон тарихининг айрим қирраларини ёритишда фойдаланиш мумкин.

Муаллиф мазкур монографиянинг яратилишида ўзларининг яқин ёрдамлари, маслаҳат ва тавсияларини берган инсонларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

# МАВЗУ ТАРИХШУНОСЛИГИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ

1917 йил совет ҳокимиятининг ўрнатилишидан Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва ҳозирги кунларгача бўлган давридаги Наманган вилояти тарихи бугунга қадар мустақил тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

Наманган вилоятининг ташкил топгунигача бўлган даври тарихи Фарғона водийси тарихига оид айрим манбаларда у ёки бу ҳолда ёритилган. Вилоятнинг ташкил топишидан бугунги кунгача бўлган даври тарихига оид баъзи маълумотлар илмий адабиётларда қисман келтирилган бўлиб, улар ҳам мафкуравий таъсирлардан холи эмас.

Шу боис тадқиқот натижаларига кўра, мавзу тарихшунослигини икки даврга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

Биринчи - совет даврида яратилган адабиётлар, вилоят тарихи хусусида олиб борилган тадқиқотлар ва даврий матбуотда эълон қилинган мақолалар;

Иккинчи - мустақиллик даврида яратилган адабиётлар, илмий изланиш ва тадқиқотлар.

Туркистон ўлкасида «октябрь воқеалари»га қадар ва ундан сўнг чоп этилган даврий матбуот нашрларида Наманганда юз берган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар қисман ўз аксини топган бўлиб, уларда бир бирига қарама-қарши бўлган руҳият ўз ифодасини топган. Ушбу даврга оид миллий матбуот нашрларида тарихий шароит ва миллий руҳ ҳаққоний тарзда ўз ифодасини топган бўлса[6] , совет ҳукуматининг даврий нашрларида ўлкадаги, хусусан, Намангандаги большевиклар ҳокимиятини турли йўллар билан мустаҳкамлашга бўлган уринишлар ҳақида маълумотлар берилган[7] .

---

[6] Наманган // Улуғ Туркистон.-1917.-13 декабрь.

[7] Автономия Туркестана и Ю.В. союз // Свободный Туркестан. - 1918. - 15(2) февраль; Борьба с голодом //Красная Фергана.-1921.-17 июнь.; шунингдек: Професиональная жизнь.; Не ослабляйте помощь Фергане //Туркестанская правда.-1923.-9 февраль.; Известия.-1919.-27 июнь.; Рабочий путь.-1920.-14 апрель.

XX асрнинг 20-40-йилларида вилоят тарихига оид фундаментал илмий асарлар яратилмаган. Бу ҳолатни Наманган вилоятининг расман 1941 йилда ташкил топганлиги билан изоҳлаш мумкин.

XX аср 50-60-йилларига келиб, вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётига багишланган кичик ҳажмдаги баъзи адабиётлар нашр этила бошлади. Уларда табиийки, коммунистик мафкура тайзиқи ва таъсири яққол кўзга ташланади. Бу даврда чоп этилган адабиётлардан З.Акрамовнинг «Наманган области» тарихий-географик мавзудаги рисоласини келтириш мумкин[8] . Ушбу рисола ғеография фани мутахассислари учун мўлжалланган бўлиб, асосан, вилоят географияси, хўжалиги, аҳолиси ҳақида маълумотлар беради. Бироқ, рисолада муаллиф Наманган ҳудудидаги айрим қишлоқлар совет ҳокимияти ўрнатилганидан кейингина тараққий эта бошлаганлигини, октябрь «инқилоби»гача бу ердаги аҳоли оммавий саводсиз бўлганлиги хусусида ёзган. Муаллиф совет давридаги иқтисодий ютуқлар ҳақида, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ривожи тўғрисида маълумотлар келтирган. Шуни қайд этиш жоизки, рисолада ҳукмрон мафкура манфаатлари ўз ифодасини топган бўлсада, ундаги совет даврига оид фактик материаллар қиёсий таҳлил учун аҳамиятлидир.

XX аср 60-йилларида вилоят тарихига бағишланган баъзи мақолалар чоп этилган[9] . Уларда вилоят ҳудудидаги дам олиш масканлари, уларнинг ўтмиши, мазкур даврдаги ҳолати, тарихий ёдгорликлар ва уларни ўрганилиш даражаси ёритилган.

XX асрнинг 70-йилларида ҳам Наманган вилоятига оид айрим илмий адабиётлар чоп этилди. Г.Р.Асановнинг «Сельское расселение Наманганской области» монографияси[10] шундай асарлар сирасига киради.

---

[8] *Акрамов З.М.* Наманганская область (историко-географический очерк).- Т.: Из-во АН Уз ССР, 1955.-176 с.

[9] *Раҳмонов А.* Чортоқ // Фан ва Турмуш. - 1962. - №10. - Б.26-27.; *Ғуломов Я., Аҳроров И.* Ахсикент обидалари изидан // Фан ва Турмуш. - 1964. - №8. - Б.17-19.

[10] *Асанов Г.Р.* Сельское расселение Наманганской области.- Т.: Фан, 1975.

Муаллиф унда асосан вилоятнинг қишлоқ хўжалиги, қишлоқ аҳолиси, ижтимоий аҳволи, турмуш тарзи ҳақида маълумотларни келтирган. Асар коммунистик мафкура манфаатлари доирасида ёзилган бўлишига қарамай, мавзу тарихшунослигида муҳим ўрин тутади. Шунингдек, Т.Рўзибоев ва М.Хожимирзаевлар томонидан эълон қилинган маълумотномада Наманган вилоятининг тарихий ўтмиши, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаёти бирмунча мукаммалроқ ҳолда ўз аксини топган бўлса-да, у ҳам давр мафкуравий қолипларидан четга чиқа олмаган[11] .

XX аср 80-йиллари иккинчи ярмидан эътиборан, собиқ совет жамиятида бошланган «қайта қуриш» оқибатида халқ ўтмишига баҳо беришда маълум ижобий ўзгаришлар рўй берди. Бу аввало совет жамиятидаги ижтимоий-иқтисодий тангликнинг ечимини топишга бағишланган рисола, тадқиқот ва мақолаларда ўз аксини топди[12] .

Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мавзу тарихшунослигининг иккинчи давридагина, яъни Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейингина вилоят тарихини холисона ўрганиш имконияти пайдо бўлди.

Истиқлол йилларида Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йилларидаги тарихига оид алоҳида тадқиқот эълон қилинмаган бўлса-да, вилоятнинг айрим туманлари тарихини ўрганиш борасида бир қатор ишлар юзага келди[13] . Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, туманлар тарихига багишланган

---

[11] *Рўзибоев Т., Хожимирзаев М.* Наманган области: Справочник. - Т.: Ўзбекистон, 1981.

[12] Қаранг: Хроника военных лет. Документы, цифры и факты. - Наманган, 1985.; *Рашидова Н.* Усмон Носирни излаб // Шарқ юлдузи. - 1987.- №12. - Б.168-169.; *Мамажонов Н.* Акс садо // Шарқ юлдузи.-1989. - №9. - Б.165.; *Муродов М.* Қўшиб ёзишнинг илдизлари // Шарқ юлдузи.-1989.- №9. - Б.163-165.

[13] *Санақулов Х.* Чуст. - Т., 1991.; *Нажмиддин Файзиддин ўғли, Муҳаммад Ҳаким, Жўрахон Муҳаммад ҳофиз ўғли.* Чуст тарихи. - Чуст: Наманган вилоятиноширлик бўлими, 1995.; Чортоқ тумани тарихи. -Т: Университет, 1995.; *Раҳимова М.В.* Косонсой тарихидан лавҳалар. - Наманган: Наманган вилоятноширлик бўлими, 1996.; *Инамов Ш.* Попим-саховатли юртим. - Наманган: Наманган вилояти ноширлик бўлими, 1996.; *Қирғизов Ю., Акрамов Т.* Бир ўлкаки... - Наманган: Наманган вилояти ноширлик бўлими, 1996.

адабиётларнинг барчасида ҳам мавзуга оид муаммолар махсус ўрганилиб, илмий асосда тўла ёритилмаган. Кўп ўринларда муаммога бир томонлама ёндашувлар, эркин илмий мушоҳаданинг етишмаслиги кўзга ташланади. Бу ўринда мазкур китоблар мутахассис тарихчилар томонидан ёзилмасдан, балки элшунос, адабиётшунос, журналист ва бошқа соҳа вакилларининг изланишлари натижаси сифатида яратилганлигини инобатга олиш лозим бўлади. Ушбу адабиётларда туманларнинг совет давридаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини тўлиқ ёритиб бериш мақсад қилиб қўйилмаган бўлса-да, улар тарихий маълумотларга бойлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда Ўзбекистон тарихшунослигида ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар ва совет ҳокимиятининг ўрнатилишига қарши кўтарилган қуролли қаршилик ҳаракати тарихи муаммоларига бағишланган бир қатор тадқиқотлар юзага келди, асарлар чоп этилди. Жумладан, Й.Қосимовнинг китобларида[14] айнан шу масалалар ёритилган бўлиб, уларда совет ҳокимиятининг зўрлик билан ўрнатилиши, қуролли қаршилик ҳаракати гуруҳларининг Наманган уездида[15] (ҳозирги Наманган вилояти ҳудудида - З.Ҳ.) олиб борган фаолиятлари, жанговар ҳаракатлар ва бошқа муаммолар қисман ёритилган. Ушбу асарларда муаллиф вилоятдаги ўша давр учун хос бўлган ижтимоий-сиёсий муаммоларни кенг кўламда ёритиб бермаган бўлса-да, улар мавзу тарихшунослиги учун аҳамиятли адабиётлардан ҳисобланади.

Вилоят ҳудудида совет тузумининг ўрнатилишига қарши қуролли мухолифат тарихини ёритишда Қ.Ражабовнинг тадқиқотлари аҳамиятлидир. Чунки, Қ.Ражабов ўз тадқиқотларида Наманган вилояти ҳуду-

---

[14] *Қосимов Й.* Наманган тарихидан лавҳалар. - Т.: - Фан, 1990.; Ўша муаллиф: Қора кўзойнак билан ёзилган тарих. - Наманган: Наманган вилояти матбуот бошқармасиноширлик бўлими.-1993.; *Қосимов Й., Ҳакимов Т.* Ўзбекистонда миллий-демократик ҳаракат ва жадидизм (1917 йил). - Наманган: 1993.

[15] Изоҳ: Уезд - Россия империясининг мустамлакачилиги даврида Фарғона вилояти 5 та уезддан ташкил топган эди: 1.Скобелев, 2.Андижон, 3.Ўш, 4.Қўқон, 5.Наманган.

дидаги қуролли қаршилик ҳаракати тарихига ҳам қисман тўхталиб ўтган[16] .

Наманган вилоятининг совет даври тарихига оид айрим маълумотлар мустақиллик йилларида чоп этилган тўпламларда ҳам ўз аксини топган. Шулар жумласига Республика етакчи олий ўқув юртларида[17] ва Наманган Давлат университетида ўтказилган илмий анжуманлар материаллари асосида чоп этилган тўпламларни, хусусан, Наманган Давлат университетида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган («Жамият тараққиёти ва ижтимоий фанлар» мавзуида) анжуман материаллари тўпламини кўрсатиб ўтиш мумкин. Анжуман материаллари тўпламидан жой олган айрим мақолалар вилоят тарихи бўйича сўнгги илмий янгилик сифатида эътироф этилди. Масалан, Ф.Ғаффоровнинг «Наманган меҳнаткашлари Иккинчи жаҳон уруши йилларида»[18] мақоласида илм аҳли учун номаълум бўлган тарихий факт ва мисоллар келтирилган. Ушбу тўпламда берилган маълумотлар вилоят меҳнаткашларининг уруш йилларидаги жасоратлари ҳақида янада кўпроқ маълумотлар олиш имконини беради. 2000 йил 23-24 ноябрь кунлари Наманган Давлат университетида «Тарих ва тақдир: Фарғона водийси тарихини тадқиқ этиш муаммолари»[19] мавзусида Республика илмий-амалий анжумани

---

[16] *Ражабов К.* Жадидлар истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари // Ўзбекистон тарихи. Янги нигоҳ: жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. - Т.: Эльдинур, 1998.; Ўша муаллиф. Мусгақил Туркистон фикри учун мужодалалар. - Т.: Ўзбекистон, 2000.; Ўша муаллиф: Истиқлолчилик ҳаракати в Ферганской долине: сущность и основные этапы развития (1918-1922 гг.): Автореф. дис. ...канд. ист. наук. - Т., 1995. - 32 с. Ўша муаллиф: Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918-1924 гг.): Автореф. дис. ... док. ист. наук. - Т., 2005. - 66 с.

[17] Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари . - Т.: ЎзМУ, 2007.

[18] *Ғаффоров Ф.* Наманган меҳнаткашлари Иккинчи жаҳон уруши йилларида // Жамият тараққиёти ва ижтимоий фанлар: Наманган Давлат университетида 1995 йил 27-28 апрелда бўлиб ўтган илмий конференция материаллари. - Наманган: 1996. - Б.142-150.

[19] Тарих ва тақдир: Фарғона водийси тарихини тадқиқ этиш муаммолари // Республика илмий-амалий анжумани материаллари. - Наманган: 2000.-120 б.

бўлиб ўтди. Анжуманда вилоятнинг энг қадимги даврлардан ҳозирги кунларгача бўлган тарихига оид кўплаб маърузалар тингланди. Анжуман материаллари асосида чоп этилган тўпламда вилоятнинг совет даври ва мустақиллик йиллари тарихига оид айрим янги маълумотлар келтирилди. Наманганлик ватанпарварларнинг совет давридаги яширин ташкилотлардаги иштироки, вилоятда қуролли қаршилик ҳаракатининг бориши, «Шўрои Ислом» Наманган филиалининг фаолияти, жамоалаштириш ва қатагонлик сиёсати, мустақиллик йилларидаги «Наманган воқеалари» ҳамда бошқа масалалар талқин этилган мақолаларни шулар жумласига киритиш мумкин.

Мавзу тарихшунослигининг иккинчи даврида вилоятнинг аҳолиси, демографик жараёнлари, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, мамлакат меҳнат тақсимотида тутган ўрни, хўжалик соҳаларининг бугунги кундаги аҳволи, хорижий фирмалар билан ҳамкорликда ташкил этилаётган қўшма корхоналар ҳақида маълумотлар берувчи адабиётлар дунё юзини кўрди[20] . Ушбу китобларда совет даври ва мустақиллик йилларида Фарғона водийсидаги, жумладан, Намангандаги ижтимоий-иқтисодий жараёнлар атрофлича ёритиб берилган.

Мустақиллик йилларида яратилган айрим адабиётларда вилоятдаги маданий ҳаёт тарихи ва Иккинчи жаҳон уруши тафсилотларига бағишланган маълумотларни ҳам учратиш мумкин[21] . Ушбу китобларда вилоятда совет ҳокимияти дастлабки ўрнатилган кезлардаги чоп этилган газета ва журналлар, ушбу нашрларнинг муҳаррирлари ҳамда наманганлик уруш қатнашчилари ҳақида маълумотлар берилган.

---

[20] *Абдуллаев О.* Наманган вилояти (табиати, аҳолиси, хўжалиги). - Наманган: Наманган вилояти ҳокимияти ноширлик бўлими, 1995.; Ўша муаллиф: Фарғона водийси: ижтимоий-иқтисодий ривожланиши жараёнлари. - Наманган, 2000.

[21] *Мирзалиев Э.Ю., Бозорова М.Т.* Наманганнинг XIX аср охири XX аср бошидаги социал-иқтисодий ва маданий ривожланиши. - Наманган: 1998.; *Мирзалиев Э.Ю., Бахриддинов О.* Тарих - маънавият кўзгуси. - Наманган. - 2006.

Шунингдек, Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йиллари тарихини ўрганишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва Жамият қурилиши Академияси қошидаги Ўзбекистоннинг янги тарихи маркази томонидан нашр этилган «Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида»[22] деб номланувчи иккинчи китоби ва «Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи»[23] деб номланувчи учинчи китобининг таҳлилий маълумотлари ғоят қимматлидир. Ушбу китобларда муаллифлар совет жамиятидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-мафкуравий жараёнларни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилганлар. Айрим ўринларда Наманган вилоятига бевосита алоқадор жиҳатлар ҳам ёритилган. Мустақиллик йилларида Наманган вилоятида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, маданий соҳаларда қўлга киритилган айрим ютуқлар ҳақида келтирилган баъзи маълумотлар диққатга сазовордир. Мазкур китобларда келтирилган вилоятдаги ижтимоий аҳволни ўзида акс эттирувчи рақам ва фактлар ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Истиқлол йилларида коллективлаштириш, «қулоқлаштириш» ва қатағон сиёсатига бағишланган кўплаб илмий асарлар пайдо бўлди[24] . Бу ўринда Р.Шамсутдинов қаламига мансуб тадқиқотлар эътиборга лойиқдир. Бу асарларда XX асрнинг 30-йилларида ўзбек қишлоқларида амалга оширилган фожиали жараёнлар ёритиб

---

[22] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Иккинчи китоб. - Т.: Шарқ, 2000.

[23] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Мустақил Ўзбекистон тарихи. Учинчи китоб.- Т.: Шарқ, 2000.

[24] *Шамсутдинов Р.* Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. - Т.: Шарқ, 2001.; Ўша муаллиф: қишлоқ фожеаси: Жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида). - Т.: Шарқ, 2003.; Ўша муаллиф. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар.- Т.:Шарқ, 2001.; *Шамсутдинов Р., Каримов Ш.* Ўзбекистон тарихидан материаллар. III китоб. - Андижон: Andijon nashriyot matbaa, 2004.: *Шамсутдинов Р., Мамажонов А.* Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати. - Т.:Шарқ, 2005.; Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка, 1929-1955 гг: Документы и материалы. Т.I-III./ Сост: Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов; Под.ред. Д.А.Алимовой.- Т.: Шарқ, 2006.

берилган. Улар деҳқон хўжаликларини зўрлик билан колхозга киритиш, уларнинг бир қисмини «қулоқ»қа тортиш, қатағон қилиш ва сургун этиш каби жараёнларни аниқ тасаввур этишда катта аҳамиятга эга. Р.Шамсутдинов ушбу тадқиқот асарларини дала материаллари, жонли мулоқотлар, шахсий кузатувлар, «Мерос» экспедициясининг тўплаган маълумотларига таянган ҳолда яратган. Асарларнинг тарихшунослик нуқтаи назаридан аҳамиятлилиги шундаки, уларда мазкур жараёнларнинг халқ учун фожиали жиҳатлари очиб берилган ҳамда китоблардаги маълумотлар Украина, Россия ва қўшни республикалар давлат архивларидаги ҳужжатлар асосида баён этилган.

XX аср 30-йилларида бутун мамлакатда бўлганидек, Наманган ҳудуди ҳам советларнинг қатагон гирдобига тортилди. Сўнгги йилларда тарихнинг бу даврлари ҳам маълум даражада очиб берилди[25] .

Кейинги йилларда яратилган илмий асарлар қаторидан А.Расуловнинг монографияси ҳам ўрин олди. Муаллиф ўз асарида 1917-1924 йиллар оралиғидаги воқеалар жараёнини ёритиб беришни мақсад қилиб қўйган. Мазкур асарда ўлкада совет ҳокимиятининг ўрнатилиш жараёнлари, иқтисодий ва маданий жабҳалардаги «Марказ» ва Туркистон муносабатлари масаласи таҳлил этилган[26] . Шу ўринда монографиянинг «Волгабўйи, Уралолди ҳудудларининг  Туркистон маданий ҳаётида тутган ўрни» деб номланувчи параграфида татар маърифатпарварларининг Туркистон маданий ҳаётидаги ўрнига тўхталиб ўтилган. А.Расулов ўз китобида татар зиёлиларидан айримларининг Намангандаги матбаачилик ва педагогик фаолиятига ҳам эътибор қаратган.

Шунингдек, мавзу тарихшунослигига оид айрим маълумотлар Т.Файзуллаев, Ҳ.Зиёев, К.Воҳидова, О.Олим-

---

[25] *Усмонов И.* Қатағон қурбонлари. - Т.: Ўқитувчи, 1992; *Каримов Н.* Усмон Носир. - Т.:-1993.; *Қиличев Ф.* Зулматдан садолар. - Т.: Адолат,1994.; Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. (Н.Каримов таҳрири остида ). - Т.: Шарқ, 2006.

[26] *Расулов А.* Туркистон ва  Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар. - Т.: Университет, 2005.

жонов, А.У.Баҳромов, О.Ота-Мирзаев, В.Гентшке, Р.Ҳ.Муртазаева, С.Аъзамхўжаев, Д.Ҳ.Зиёева, Ш.М.Раҳматуллаев, Л.Левитин, Қ.Усмонов, М.Содиқов, А.Салиев, М.Ҳайдаров, Х.Юнусова, Х.Мирзаҳмедов, Ш.Ҳайитов, С.Бадриддинов тадқиқотларида ҳам учрайди[27] .

Ушбу мавзуга оид асарлар таҳлили кам ўрганилган ва умуман ҳалигача ўз ечимини топмаган муаммоларни аниқлаб, уларни ёритишга янгича ёндашув лозимлигини кўрсатади. Бу ёндашув Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш жараёнини ҳар томонлама мукаммал қиёсий таҳлил қилган ҳолда ёритилиши билан белгиланади.

Монография мавзусини ёритишда фойдаланилган манбаларни шартли равишда уч гуруҳга ажратилди.

---

[27] *Файзуллаев Т.* Ўзбекистон янги йўлда. - Т.: Ўзбекистон, 1993.; *Зиёев Ҳ.* Ўзбекистон мустақиллиги учун курашларнинг тарихи: (милоддан олдинги асрлардан то 1991 йил 31 августгача). - Т.: Шарқ, 2001.; *Воҳидова К.А.* Исҳоқхон Ибрат //Фан ва турмуш.-Тошкент, 1995.- № 4.- Б. 26-27.; Ўша муаллиф. Исхакхан Жунайдуллаходжа Ибрат и его научно-историческое наследие. Автореф. дис. ... канд.ист.наук.-Т., 2002.-28 с.; Ўзбекистон ҳудудлари мустақиллик йилларида /Тузувчилар: Олимжонов О.О., Бахромов А.У. ва б.-Т.: Шарқ, 1996.; *Ата-Мирзаев О.,Гентшке В., Муртазаева Р.Ҳ.* Узбекистан многонациональный историко-демографический аспект. - Т.:-1998.; *Аъзамхўжаев С.* Туркистон Мухторияти: Борьба за свабоду и независимость (1917-1918г.г.): Автореф. дис. ... док. ист. наук. - Т., 1996.-62с.; Ўша муаллиф: Из истории борьбы за автономию Туркестана /Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. - Тошкент: Фан, 1996.; Ўша муаллиф: Туркистон Мухторияти-жадидлар миллий демократик давлатчилик ғояларининг амалдаги ифодаси /Жадидчилик:ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Даврий тўплам № 1.- Т.:Университет, 1999.- Б.158-159.; Ўша муаллиф. Туркистон Мухторияти.- Т.: Маънавият, 2000.; Ўша муаллиф. История Туркестанской Автономии.- Т.: Тошкент Ислом университети, 2006.; *Зиёева Д.* Туркистон миллий озодлик ҳаракати. - Т.: Адабиёт ва санъат, 2000.; *Рахматуллаев Ш.М.* Социально-экономические преобразования в городах Ферганской долины в условиях независимости (1991-1996 гг.): Автореф. дис. ... канд. ист. наук.-Т., 2000.-34 с.; *Левитин Л.* Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. - Т.: Ўзбекистон, 2001.; *Усмонов Қ., Содиқов М.* Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). - Т.: Шарқ, 2002.; Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана / Составители: Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р.Ҳ.,Салиев А. - Т.: Университет, 2002.; *Ҳайдаров М.* Туркистон иқтисодиётида «ҳарбий коммунизм» сиёсати // Ўзбекистон тарихи. - Тошкент, 2003. - № 3.- Б. 31-33.; *Юнусова Х.* Совет қатағон сиёсатининг сўнгги босқичи тарихидан // Ўзбекистон тарихи. - Тошкент, 2003. - №3. - Б.43; *Мирзаахмедов Х.* Саноатда қўшма корхоналарни ҳудудий ташкил этиш ва ривожлантириш хусусиятлари (Наманган вилояти мисолида). Геог. фан. ном. дис. - автореферати. -Т., 2003.- 26 б.; *Ҳайитов Ш., Бадриддинов С.* Ватан дея ватансиз қолганлар қисмати.- Бухоро, 2005.



Namangan davlat universiteti inv 296377/1

1. Архив ҳужжатлари;
2. Даврий матбуот материаллари;
3. Эълон қилинган ҳужжатлар, расмий статистик маълумотлар ва хотиралар.

Манбаларнинг биринчи гуруҳига архив ҳужжатлари киритилган бўлиб, тадқиқотда Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви (ЎзР МДА)нинг қуйидаги фондларидан фойдаланилди:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги фонди (М-7 фонд), ТАССР ишчи, деҳқон ва аскар депутатларининг Марказий Ижроия Комитети фонди (Р-17 фонд), ТАССР Халқ Комиссарлари Совети фонди (Р-25 фонд), ТАССР Маориф Халқ Комиссарлиги фонди (Р-34 фонд), ТАССР Соғлиқни сақлаш Халқ Комиссарлиги фонди (Р-40 фонд), ЎзССР ишчи, деҳқон ва қизил аскар депутатларининг Марказий Ижроия Комитети фонди (Р-86 фонд), Ўзбекистон ССР Ер Ишлари Халқ Комиссарлиги фонди (Р-90 фонд), Ўзбекистон ССР Маориф Халқ Комиссарлиги фонди (Р-94 фонд), Ўзбекистон ССР ишчи-деҳқон инспекцияси Халқ Комиссарлиги фонди (Р-95 фонд), ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети фонди (Р-837 фонд), Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги фонди (Р-2487 фонд).

Юқорида қайд этилган архив фондларида муаллиф томонидан Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йилларидаги ривожланиш ҳолатини, большевиклар режимининг ўлкада зўрлик билан ўрнатилиши, мустамлакачилик сиёсатининг олиб борилиши, иқтисодий ривожланиш борасида Марказ манфаатларининг устуворлигини, давлат мустақиллигининг эълон қилиниши ва вилоятдаги туб ижтимоий ўзгаришлар, миллий-маданий қадриятларнинг тикланиши ва умуман мазкур давр тарихини ҳар томонлама ёритиб берувчи кўплаб маълумотлар тўпланди.

Шунингдек, монография мавзусини ёритишда Наманган вилоят давлат архиви (НВДА)нинг қуйидаги фондлари ҳужжатларидан фойдаланилди:

Наманган шаҳар ижроия қўмитаси фонди (13-фонд), Наманган туман пахтачилик қўмитаси фонди (62-фонд), Низомбоев Иномжон шахсий фонди (265-фонд), Шомирбоев Мирсаиднинг шахсий фонди (267-фонд), Наманган вилоят ижроия қўмитаси фонди (275-фонд), Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг тарихи бўйича маълумотлар жамланмаси (796- фонд). Шу билан бирга, Наманган вилоят давлат архивининг Чуст туман филиали (ЧДА)нинг 222-, 333-, 339-фондлари материалларидан, Фарғона вилоят давлат архиви (ФВДА)-нинг Фарғона область Ижроия Комитети фонди (121-фонд), Фарғона область Инқилобий қўмитаси фонди (435-фонд) маълумотларидан фойдаланилди.

Манбаларнинг иккинчи гуруҳи ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, даврий матбуот материалларидан хусусан, «Улуғ Туркистон», «Свободный Туркестан», «Красная Фергана», «Туркестанская правда», «Известия», «Рабочий путь», «Совет Ўзбекистони», «Наманган ҳақиқати», «Чуст ҳақиқати» каби газеталардан тадқиқотда кенг кўламда фойдаланилди[28].

Учинчи гуруҳ манбаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари[29], вилоят статистика бошқармаси маълумотлари[30] ва хотиралар ташкил этади. Бу манбалар тадқиқот жараёнида муҳим аҳамиятга эга бўлди.

---

[28] Даврий матбуот материаллари рўйхати тадқиқот сўнггида келтирилган.

[29] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори //Ўзбекистон овози.-1998.-28 июль.

[30] Наманган вилояти статистика бошқармасининг 1991-2007 йиллар ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари; Наманган вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармасининг 1991-2007 йиллар учун маълумотлар тўплами. Изоҳ: Мазкур маълумотлар қўлёзма (компьютерда терилган нусха) шаклида олинган бўлиб (муҳр ва имзо билан тасдиқланган ҳолда), тадқиқотчининг шахсий архивида сақланмоқда.

# НАМАНГАНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ

## *Наманган уездида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши қуролли ҳаракат*

Наманган вилояти Фарғона водийсининг шимоли-ғарбий қисмида жойлашган. Қўқон хонлиги тугатилиб, унинг ўрнида Фарғона области ташкил этилгач, Наманганнинг ҳозирги ҳудудида Наманган ва Чуст уездлари ташкил этилди ва 1897 йили иккала уезд ягона Наманган уезди қилиб бирлаштирилди. Ўзбекистон ССР ташкил этилгач, Наманган уезди маъмурий тузилиши қуйидагича этиб белгиланди: 1925 йил Наманган уездида волост ва туманлар 19 та, шаҳарлар 2 та, маҳаллий қишлоқлар сони эса 254 тани ташкил этди[31] .

1941 йилнинг 6 мартида Наманган вилояти ташкил этилди. Вилоятнинг умумий майдони 7,44 минг кв. км., аҳолиси 2014 йил 1 январь ҳолатига 2504,0 минг кишини ташкил этиб, аҳоли зичлиги 1 км$^2$га 336,6 кишидан тўғри келади. Вилоят маркази Наманган шаҳри бўлиб, аҳолиси 475,7 минг кишини ташкил этади[32] .

1917 йилнинг февралида Росссияда инқилоб юз бергач, Туркистонда ҳам сиёсий уйғониш янги поғонага кўтарилди. Февраль инқилоби туфайли вужудга келган сиёсий эркинликлар натижасида ўлкадаги маҳаллий илғор зиёлилар ҳам зудлик билан миллий жамият ва нашрлар учун ҳаракат бошладилар. 1917 йил март ойининг бошларида ўлка мусулмон зиёлиларининг «Шўройи Исломия» жамияти тузилди. Ўз навбатида Наманганда 1917 йил апрель ойида маҳаллий жадидлар-

[31] ЎзР МДА, Р-837-фонд, 1-рўйхат, 31-иш, 11-варақ.

[32] Наманган вилоятининг 2013 йил январь-декабрь ойлари ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари (Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари).

нинг ташаббуси билан бу жамиятнинг бўлими очилди[33]. 1917 йилнинг 12 июнида Наманганда мусулмон депутатлари Кенгаши вужудга келди. Уни тузиш ва шакллантиришда У.Абдураҳмонов, Ш.Шомансуров, Ғ.Қосимов, Н.Қориев, И.Низомбоев ва бошқа мусулмон вакиллари яқиндан ёрдам бердилар[34].

1917 йил давомида Наманган уездида кўплаб жамиятлар ҳам ташкил топди, газета ва журналлар чоп этила бошлади. Жумладан, Чуст шаҳрида 1917 йилнинг бошларида ёшлар ташаббуси билан «Жумҳурият» жамияти очилди[35]. Татар муаллими Ҳусайн Макаевнинг ноширлиги ва муҳаррирлигида, ишни миллий тилларда китоб нашр этишдан бошлаган Намангандаги «Матбааи Исҳоқия» босмахонасида 1917 йил бошларида «Фарғона саҳифаси» газетасининг 40 та сони чиқди. Газета ўзини ўзи таъмин эта олмагани учун тўхтатилди. Шу йили август ойидан бошлаб эса «Фарғона нидоси» номли газета нашр этила бошлади[36].

Муваққат ҳукуматнинг 1917 йил 5 майдаги «Бегона халқлардан ...мажбурий суратда олинган кишиларни ўз ватанига қайтариб юбориш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, 1916 йилда фронт орқасидаги ишларга (мардикорликка) сафарбар қилинган кишилар 1917 йилнинг ёзида Россиядан қайтиб келдилар ва ўлка сиёсий ҳаётида фаол иштирок эта бошладилар. Масалан, Косонсойда мардикорлик ишларидан қайтиб келганлар томонидан «Ишчи ва деҳқонлар иттифоқи» ташкил этилиб, Абдураззоқ Ҳакимбоев унга раис этиб сайланди[37].

1917 йил 8 майда Наманган шаҳридаги ёғ заводида ишчи ва хизматчиларнинг йиғилиши бўлиб, унда ишчиларнинг завод қўмитасини тузиш ва унинг аъзолари-

---

[33] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. - Т.: Шарқ, 2000. - Б. 24-26.

[34] НВДА, 62-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 12-15 варақлар.

[35] *Қосимов Й.* Қора кўзойнак билан ёзилган тарих. - Наманган, 1993. - Б.7.

[36] *Мирзалиев Э.Ю., Бозорова М.Т.* Наманганнинг XIX аср охири XX аср бошидаги социал-иқтисодий ва маданий ривожланиши. - Наманган: 1998. - Б.45.

[37] *Раҳимова М.В.* Косонсой тарихидан лавҳалар.-Косонсой, 1996. - Б.23.

ни сайлаш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди[38]. Мажлис қарорига биноан 7 кишидан иборат завод қўмитаси тузилди. Бу қўмита Наманган ишчи депутатлари советининг ядросини ташкил этди. Ушбу советни тузишда И.Г.Хохлов, С.М.Дадасъянц ва бошқалар фаоллик кўрсатдилар[39]. 1917 йил июнь ойида Наманганда шаҳар Думаси ҳам ташкил топди. Унинг раислигига Покровский сайланди. Шаҳар бошлиғи лавозимига Обоницкий, гарнизон командирлигига эса Орбелов тайинланди. Шунингдек, 1917 йилда Чустда шаҳар Думаси тузилган бўлиб, унда 34 киши фаолият кўрсатган[40]. Шаҳар Думаси ва советлар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлиб, советлар томонидан чиқарилган қарорлар Дума томонидан рад этилар эди[41].

1917 йил октябрь-ноябрь ойига келганда ўлкадаги ижтимоий-сиёсий вазият кескин ўзгарди. Петроградда ҳокимият большевиклар томонидан зўрлик билан қўлга олинди. 1917 йилнинг 15-22 ноябрь кунлари Тошкентда ишчи, солдат ва крестьян депутатлари Советларининг III ўлка съезди бўлиб ўтди. Съезд Туркистон Халқ Комиссарлари Совети тузилганлигини эълон қилди. Ҳукумат таркибига маҳаллий аҳолидан биронта ҳам вакил киритилмади. Шу боис, «Шўрои Исломия» ва бошқа маҳаллий ташкилотларнинг ташаббуси билан ўлкадаги миллий давлатчиликни тиклаш ғояси асосида 1917 йилнинг 26-29 ноябр кунлари Қўқон шаҳрида ўлка мусулмонларининг IV фавқулодда съезди бўлиб ўтди. 27 ноябр куни съезд Туркистон Мухторияти тузилганлигини эълон қилди. Туркистон Мухторияти ҳукумати таркибида наманганлик зиёлилар ҳам масъул лавозимларда ишладилар. Мухторият ҳукуматининг маориф

---

[38] НВДА, 62-фонд, 1-рўйхат, 25-иш, 11 варақ.

[39] *Қосимов Й., Ҳакимов Т.* Ўзбекистонда миллий-демократик ҳаракат ва жадидизм (1917 йил). - Наманган: 1993.

[40] *Нажмиддин Файзиддин ўғли, Муҳаммад Ҳаким, Жўрахон Муҳаммад ҳофиз ўғли.* Чуст тарихи.-Чуст: Наманган вилоятиаширлик бўлими, 1995. - Б.79.

[41] НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 3-4 варақлар.

нозири лавозимига Фарғона «Шўрои Исломия»сининг фаолларидан косонсойлик Саййид Носирхонтўра тайинланди[42].

Туркистон Мухториятини бутун ўлкада бўлгани каби, Наманганда ҳам маҳаллий аҳоли томонидан қўллаб-қувватланганлиги тўғрисида архив ҳужжатлари ва миллий матбуот саҳифаларида кўплаб маълумотлар берилган. Жумладан, 1 декабрда Наманган уездида қарийб 100 минг киши иштирок этган намойиш бўлиб ўтди. Намойишчиларнинг байроқларига «Яшасун мухториятли Туркистон ва унинг ҳукумати!» сўзлари ёзилган бўлиб, йиғилганлар Туркистон Мухторияти ва унинг Муваққат Ҳукуматига содиқ эканликларини Қуръон билан онт ичиш орқали изҳор этдилар[43].

Наманганда 1918 йилнинг 15 январь куни маҳаллий миллат вакиллари совет ҳокимиятининг ўрнатилишига қарши митинг уюштирдилар. Бироқ, мазкур митинг большевиклар томонидан зўрлик билан тарқатилди. 1918 йилнинг 16 январида эса қуролланган ишчилар ва солдатлар шаҳар Думаси, банк ва телеграф биноларини қўлга олдилар. Дума раисини, шаҳар бошлиғи ва гарнизон командирини қамоққа олдилар. Шу тариқа Наманганда ҳам совет ҳокимияти ўрнатилди[44].

Туркистон Мухториятининг ташкил топиши ва унинг инсонпарварлик сиёсати янги коммунистик тузум ташкилотчилари бўлган большевиклар томонидан салбий тарзда кутиб олинди. Натижада Қўқонда тузилган Мухтор ҳукумат 1918 йилнинг февраль ойида қонга ботирилди[45].

Мухторият тор-мор этилгач, большевиклар ва арман дашноқлари ўлкада кўплаб қиргинбаротликлар уюштирдилар. Жумладан, арман дашноқлари Наманганда ҳам 1500 дан ортиқ кишини ўлдирганлар[46].

---

[42] *Агзамходжаев С.С.* Туркистон Мухторияти: Борьба за свободу и независимость (1917-1918 гг.): Автореф. дис. - док. ист. Наук. Ташкент, 1996. - С.45.

[43] Наманганда //Улуғ Туркистон.-1917.-13 декабрь.

[44] НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 16-варақ.

[45] *Норқулов Н.* Мухториятнинг тугатилиши //Фан ва Турмуш.-1990.- №8.- Б.9.

[46] *Қосимов Й.* Қора кўзойнак ...Б.79.

Туркистон Мухторияти ҳукуматининг тор-мор этилиши ва маҳаллий аҳолига қарши жазо кампаниясининг авж олиши, Ватан фарзандларини озодлик учун қўлларига қурол олишига ва водийда қуролли қаршилик ҳаракатининг келиб чиқишига туртки берди.

Мазкур даврда Наманган уездидаги қаршилик ҳаракатида ҳам аҳолининг турли табақалари иштирок этди. Ҳаракат сафларида оддий қишлоқ миробидан тортиб, мадраса талабасигача, ҳунарманд-косибдан то Мухторият ҳукумати таркибида вазирлик лавозимида ишлаган шахсларгача иштирок этдилар.

Совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракатни бостириш йўлида большевиклар барча усул ва воситалардан фойдаландилар. Қуролли мухолифатни қўллаб-қувватлаган маҳаллий аҳолидан шафқатсизларча ўч олинди. Жумладан, 1918 йилнинг кузида Турк АССР ХКС раиси В.Д.Фигельский ва ҳарбий комиссар К.П.Осипов бошлиқ Қизил Армия қўшини Чуст шаҳрига ҳужум қилиб, 1500 кишини қириб ташлаган[47] .

1918 йилнинг охирларида «Уламо» ва «Шўрои Ислом» ташкилотларининг ташаббуси билан Намангандаги Жомъе масжидида катта йиғилиш бўлиб ўтди. Унинг ташкилотчилари Қодир ҳожи, Ортиқ ҳожи, Қорахон тўра, Ботирхон тўра, Исҳоқ шайх ва бошқалар эди. Йиғилишда мусулмонлар манфаати, кураши ва советлар ҳукмронлигига қарши кураш масалалари муҳокама қилинди. Йиғилиш қарорига кўра, орадан беш-олти кун ўтгач, Наманганга қуролли мухолифат раҳбарлари таклиф этилди. Йиғилишда, шунингдек, қизил Армия қисмлари ва арман дашноқларининг ўта бебошликлари қораланиб, уларга зарба бериш ва уларнинг талончиликларини тийиб қўйиш учун қуролли қаршилик ҳаракати кучларига ёрдам сўраб мурожаат қилинди. Қуролли мухолифатни бутунлай тугатиш учун инқилобий қўмиталар, Қизил Армия қисмларидан ташқари маҳаллий

---

[47] *Ражабов К.* Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918-1924 гг.).: Автореф. дис... док. ист. наук.-Ташкент, 2005. - С.41.

кишилардан иборат кўнгилли отрядлар ҳам тузилди. Улар Қизил Армиячиларга ёрдам бердилар ва совет ҳокимиятини ҳимоя қилдилар. Масалан, Чустда ўзбеклардан иборат Йўлдош Бойматов бошчилигида 126 кишилик миллий отряд большевик Иванов раҳбарлигида Чуст ва Наманганни «босмачи»лардан ҳимоя қилди ва бир неча бор жанглар қилиб, Қизил Армияга яқиндан кўмаклашди[48] .

1919 йил апрелда Наманганни озод этиш учун Мадаминбек бошлиқ қуролли қаршилик ҳаракати гуруҳлари келди. 1919 йил 2 апрелда шаҳарда 300 нафар пиёда ва 40 кишилик отлиқлардан иборат большевиклар қўшини мавжуд эди. 2-3 апрел кунлари бўлиб ўтган жангларда большевиклар Қўқон ва Самарқанд отрядларига таянган ҳолда шаҳарни ўз қўлларида сақлаб қолдилар. Қуролли қаршилик ҳаракати гуруҳлари эса чекинишга мажбур бўлдилар[49] . Шундан сўнг Наманган шаҳрида маҳаллий аҳоли устидан сиёсий назорат ишлари кучайтирилди. Шаҳардаги большевистик қўшинлар қўмондонлиги 1919 йилнинг 26 июнида ҳукумат сиёсатига нисбатан салбий фикр тарқатган кишиларни қаттиқ жазолаш, ҳатто отиб ташлаш ҳақида буйруқ чиқарган[50] .

1919 йилда Наманган уездида қуролли кураш майдонига Омонполвон бошлиқ гуруҳ кириб келди. У ўз отрядига кичик-кичик тарқоқ гуруҳларни бирлаштирган эди. Омонполвон аскарлари совет ҳокимияти ва Қизил Армия учун энг хавфли душман бўлиб қолди[51] . Шу даврда Наманган уездида Қобул, Сотиболди қози ва Раҳмонқул қўрбошилар ҳам фаолият юритмоқда эдилар. Бугунги Наманган вилоятига қарашли деярли барча шаҳар ва қишлоқларда ҳам қуролли қаршилик гуруҳлари фаолият юритдилар. Масалан, Чуст тума-

---

[48] *Қосимов Й.* Қора кўзойнак ...Б.79-80.

[49] ФВДА, 121-фонд, 1-рўйхат, 275-иш, Б.2-5.

[50] Приказ // Известия Наманганского совета рабочих-солдатских, крестянских и дехканских депутатов.-1919.-27 июнь.

[51] *Қосимов Й.* Қора кўзойнак ...Б.80.

нида ҳам бой-бадавлат, ўзига тўқ хонадонлардан Аҳмаджон мингбоши, Жалил миршаб, Исматулла ва бошқалар гуруҳларга бирлашиб, совет ҳукуматига қарши кураш олиб борганлар. Варзик, Боймоқ, Шоён, Қизил Тепа ҳудудларида Карим қўрбоши Тўраев ҳаракат қилган. Орзимат қўрбоши эса Каркидон, Қорақўрғон, Чотқол ҳудудида фаолият юритди. Шу даврда Ғова, Олмос, Машҳад, Тошқўрғон, Карнон, Оғасарой қишлоқларида Абдумалик, Раҳмонқулларнинг отрядлари ҳаракат қилганлар[52] .

Қуролли мухолифат қўшинини бутунлай тугатиш мақсадида Наманганга 1920 йилнинг апрель ойида М.В.Фрунзе ва Турккомиссия раиси Ш.З.Элиава келдилар[53] . 1920 йилнинг баҳорида ўтказилган ҳарбий операциялар натижасида Наманган уездидаги қуролли қаршилик ҳаракати аъзоларининг кўплари таслим бўлишга мажбур бўлдилар[54] . Раҳмонқул қўрбоши ва Омонполвон қўл остидаги гуруҳлар эса қаршиликни давом эттирдилар.

Қуролли мухолифатни тор-мор этишда жойларда тузилган инқилобий қўмиталар катта роль ўйнади. Большевиклар томонидан Наманган шаҳрида ва жойларда тузилган инқилобий қўмиталарнинг асосий мақсади, қандай қилиб бўлмасин, қуролли қаршилик ҳаракатини тор-мор этишдан иборат эди. 1920 йилнинг 20 июнида Наманган шаҳар инқилобий қўмитасининг 2758-сонли буйруғи билан Чуст ва Олмосда ҳам инқилобий қўмита тузилган. Чустдаги қўмитага Отабой Искандаров, Олмосдагисига эса Деҳқонбой Абдураззоқовлар бошчилик қилганлар.

1920 йилнинг ноябр ойида Омонполвон кучларига қарши кураш баҳонасида ҳозирги Янгиқўрғон тумани-

---

[52] *Нажмиддин Файзиддин ўғли, Муҳаммад Ҳаким.* Чуст...Б.72.

[53] *Рўзибоев Т., Ҳожимирзаев М.* Наманган области: Справочник. - Т.: Ўзбекистон, 1981. - Б.26.

[54] *Раджабов К. К.* Истиклолчилик харакати в Ферганской долине: Сущность и основные этапы развития (1918-1924 г.г.).: Автореф. дис. ... канд. ист. наук.- Ташкент, 1995. - С.22.

даги Бекобод ва Калишоҳ аҳолиси устига қирғинбарот ҳужум уюштирилди. Большевиклар қўшини Бекобод қишлогини замбараклардан ўққа тутдилар ва Қизил аскарлар кўринганларни отиб ташладилар. Наманган гарнизонининг замбарак билан қуролланган отлиқ отряди Омонполвоннинг қароргоҳи бўлган Пешқўрғон қишлоғига ҳам ҳужум қилдилар. Уларнинг олдига қуролли қаршилик ҳаракатига моддий мадад бериб турган Пешқўрғон аҳолисини икки соат давомида қириб ташлаш вазифаси қўйилган эди. Омонполвон кучлар тенг эмаслигини пайқаб, бир гуруҳ йигитлари билан Калишоҳ қишлоги орқали Пешқўрғондан чиқиб, адирларга яширинди. Қизил аскарлар эса қуролсиз, ҳимоясиз кекса-ю ёшлар, аёлларни бешафқат қиришда давом этдилар. Ўлганлар ичида ўз уйида боласини эмизиш, чарх йигириш, чок тикиш ёки хамир қориш каби юмушлар билан машғул бўлган аёллар ҳам бор эди. Шу тарзда Калишоҳда 70 киши шафқатсиз ўлдирилди.

Бекобод ва Калишоҳ қиргинидан кейин маҳаллий аҳолининг большевикларга нисбатан ишончи йўқолиб, эркакларнинг кўпчилиги шу атрофларда ҳаракат қилаётган Омонполвон, Мадумар, Яхшибек каби қўрбошиларга қўшилиб кетди ёки кўпгина оилалар киндик қони тўкилган жойларни тарк этиб, бегона юртларга қочиб жон сақлади[55] .

Туркистон 5-ўқчи бригада қисмларининг маҳаллий милиция отрядлари билан биргаликда олиб борган ҳаракатлари туфайли, 1922 йилнинг охири 1923 йилнинг ўрталарига келиб уезддаги қуролли қаршилик ҳаракати кучларининг аксарияти тор-мор этилди[56] . Жумладан, Варзик, Қорақўрғон, Ғова ҳудудларида ҳаракат қилаётган қўрбошилар Қизил Армиянинг 13, - 21-полклари томонидан 1923 йилда тугатилди[57] .

---

[55] *Қиргизов.Ю., Акрамов Т.* Бир ўлкаки (Янгиқўрғон тумани тарихидан лавҳалар) Наманган-1996. - Б.36-38.

[56] *Рўзибоев Т., Ҳожимирзаев М.* Наманган области...Б.26.

[57] НВДА Чуст тумани филиали 222-фонд, 1-рўйхат, 18-иш, 428-432 варақлар.

Наманган шаҳар инқилобий қўмитасининг 1923 йил 5 июндаги йиғилишида «босмачилик» ҳаракати ва уни уезд миқёсида бартараф этиш масалалари кўрилди. Ушбу йиғилишда Наманган уездининг район ва волостлардаги инқилобий қўмиталарининг раислари мазкур масала юзасидан ўз ҳисоботларини бердилар. Йиғилиш раиси Қосимов ҳукумат «босмачи»лик ҳаракатини тугатишга қатъий қарор қилганлигини баён этиб: «...Кураш ҳал қилувчи паллада, раҳбарлар авф этилмайди.- ..Ҳозирча аҳоли орасида босмачиларнинг тарафдорлари ва айғоқчилари мавжуд экан, биз босмачиликни тугата олмаймиз»[58] ,-деб таъкидлаган эди. Ушбу йиғилишда сўзга чиққан инқилобий қўмита вакиллари «босмачиликка» қарши милиция қисмларини кучайтириш, уларнинг таъминоти ҳақида ҳам керакли чораларни кўришни таклиф этдилар. Ушбу қўшимча сарф-харажатлар ҳам барча молиявий таъминотлар сингари маҳаллий аҳоли ҳисобидан қопланар эди. Масалан, 1917-1918 йилларда большевиклар ҳукумати қуролли қаршилик ҳаракати гуруҳларига қарши курашда фойдаланиш учун 15 мингдан 40 минг нафаргача бўлган қизил Армия қисмларини сақлаб турган. Ушбу қўшин таъминоти маҳаллий деҳқонлар ҳисобидан қопланган.

1923 йил давомида ҳам Наманган уездида қаршилик ҳаракати давом этди. Совет қўмондонлигининг 1923 йил сентябридаги махсус бўлим томонидан тайёрланган ҳужжатда кўрсатилишича, шу даврда Фарғона водийсида 181 та қўрбоши ўз йигитлари билан фаолият юритган бўлиб, шундан 46 таси Наманган уездида эди[59] .

Фарғона водийсидаги қуролли қаршилик ҳаракатини узил-кесил тугатиш учун 1923 йил бошларидан қатъий кураш бошланди. 1 январдан 5 ноябргача бўлган ҳарбий операциялар жараёнида 236 қўрбоши ўлдирилди ёки

[58] ФВДА. 435-фонд, 3-рўйхат, 14-иш, 61-варақ.

[59] *Раджабов К. К.* Истиклолчилик харакати в Ферганской долине: Сущность и основные этапы развития (1918- 1924 г.г.).: Автореф. дис. ... канд. ист. наук.- Ташкент, 1995. - С.20.

асир олинди. Қуролли қаршилик ҳаракати йигитларидан 761 нафари ўлдирилди ёки асир олинди, 1181 киши эса таслим бўлди. Кўплаб қурол-яроғ, ўқ-дори қўлга туширилди[60]. Тирик қолган ва қўлга тушмаган айрим «босмачи»лар яшириндилар, айримлари кечирим сўраб, советлар томонига ўтдилар.

Қўрбошилар ўртасидаги ўзаро кураш, ҳаракатни бошқариш борасидаги тортишувлар охир-оқибатда қуролли қаршилик ҳаракатининг мағлуб бўлишига олиб келди. Масалан, Омонполвонни Чуст тумани Мусулмон қишлоғидан чиққан қўрбоши Ёқуббек ҳийла билан қўлга олиб, уни большевикларга топширган ҳолда ўзини асраб қолмоқчи бўлди. Бироқ, большевиклар шошилинч ҳарбий операция ўтказиб, Омонполвон ва Ёқуббекни ҳибсга олдилар. Ҳар икки қўрбоши ва унинг шериклари 1923 йил июль ойида ҳарбий трибунал ҳукми билан отиб ташланди.

1923 йилнинг октябрь ойида бутун Фарғона водийсида, шу жумладан, Наманган уездида ҳам «босмачи» отрядлари деярли тугатилди. Шу билан бирга айтиш керакки, 1930 йилларгача Косонсойда Носирхонтўра, Хадикентда Отақўзи, Пешқўрғонда Мадумар, Нанайда Мирфайз каби қўрбошиларнинг кичик-кичик гуруҳлари фаолият юритган[61].

Совет ҳокимияти ўрнатилиб, мустабидлашуви билан илғор зиёлилар унга нисбатан ўз кураш тактикасини ўзгартирдилар. Миллат манфаатига хизмат қилиш учун ҳукумат таркиби ва компирқа сафига кириб фаолият кўрсата бошладилар. Бундан ташқари, жадидлар яширин ташкилотлар тузиб, мавжуд тузумга қарши тинмай кураш олиб бордилар. 1925 йили «Иттиҳоди миллий», («Миллий иттиҳод») номи билан машҳур бўлган ташкилот қайта «Миллий истиқлол» номи билан тикланди. «Миллий истиқлол»нинг Наманган бўлими Зайнуддин қори Насриддинов раҳбарлигида иш олиб бор-

---

[60] ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1391-иш, 90-варақ.

[61] *Қирғизов.Ю., Акрамов Т.* Бир ўлкаки... Б.40-42.

ди. Бу бўлим фаоллари Акрам Исматуллаев ва Ризаев орқали Тошкент, шахсан Мунаввар қори билан доимо алоқада бўлиб, Марказ кўрсатмаларини бажариб турди. Наманган бўлимида қуролли мухолифат аъзолари билан У.Акрамий, М.Г.Дадамуҳамедов, Ф.Исматуллаев, Х.Б.Ризаев, И.К.Отабоев, Ж.Саъдиев, Н.Маҳмудов, Ф.Усманов, А.Мусабаев, А.Х.Ғофуров, А.Зайнутдиновлар иш олиб бордилар. Чунончи, «Миллий истиқлол» қарори билан Раҳмонқул кўрбоши қароргоҳига борган Усмонҳожи Тўхтахўжаев Тошкентдаги Коммунистик партия қурултойига ультиматум ёзиб, унда Фарғонага мухторият берилишини талаб этган. 1931 йил 25 апрелда СССР Министрлар Совети қошидаги махсус давлат сиёсий бошқармаси (ОГПУ) нинг судлов коллегияси ўзбекистонлик 87 истиқлолчининг «Жиноий иши тўғрисида» чиқарган қарорида «...1921-1923 йилларда ушбу ташкилотнинг кўпгина аъзолари жойлардаги босмачилар тўдаси орасида ёки босмачилар бошлиқлари билан жиноятќорона алоқада бўлиб, совет ҳокимиятига қарши қуролли курашни ташкил этишда бевосита қатнашди», - деб қайд қилинди. Ана шу айблов ҳужжатида «Миллий истиқлол»нинг Наманган бўлими ҳақида шундай фикрлар билдирилган: - «Бундан ташқари бу ташкилот босмачиликка нисбатан ижобий муносабатда бўлди. Унинг баъзи бўлимлари, масалан Наманган бўлими 1928-1929 йиллардаги босмачилар тўдасининг совет ҳукуматига қарши қуролли чиқишларида қатнашди»[62] .

Фарғона водийсида совет ҳокимиятининг ўрнатилишига қарши курашларда кўплаб наманганлик уламолар, илғор фикрли зиёлилар иштирок этдилар. Қуролли қаршилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари одатда жадидлар ва уламоларнинг билимдон ва уддабурон вакилларидан иборат бўлиб, қўрбошилар уларни ўзларининг пирлари деб атаганлар. Наманганда ана шундай

[62] *Солиев Р., Расулов А.* Шўролар даврида Фарғона водийсидаги жадидчилик ҳаракати вакилларининг кураш услубларидаги ўзгаришлар //Тарих ва тақдир: Фарғона водийси тарихини тадқиқ этиш муаммолари. Республика илмий-амалий анжумани материаллари.-1-китоб. - Наманган-2000. - Б.75.

раҳнамолардан бири косонсойлик Носирхонтўра Саййид Камолхонтўра ўғли (1871-1938) бўлиб, у Туркистон Мухторияти ҳукумати таркибига киритилган эди. У 1871 йил Косонсойда зиёли оилада таваллуд топди. Туркистондаги 1917 йил февраль инқилобидан кейинги демократик жараёнларда унинг ҳам алоҳида ўрни бор. У 1917 йил 10 апрелда бўлиб ўтган Туркистон ўлкаси ижроия комитетлари делегатларининг съездида иштирок этиб, аҳолининг барча табақаларини, барча миллатларни қўлга киритилган озодликни асраб қолишга, ҳуррият берган имкониятлардан унумли фойдаланишга даъват этди[63] . Носирхонтўра Туркистон Мухториятининг асосий ташкилотчиларидан бири эди. Ашурали Зоҳирий унинг бу борадаги ўрнига юксак баҳо берган эди. Жумладан, Туркистон мусулмонларининг IV фавқулодда қурултойининг чақирилиши ҳам бевосита унинг номи билан боғлиқ эди[64] . У Туркистон Мухторияти Миллий Мажлиси аъзоси ва ҳукумат маориф нозири лавозимларида фаолият юритди[65] . Лекин, унинг бу фаолияти узоққа чўзилмади. Мухторият қонга белангач, у бир йил давомида яширин ҳаёт кечирди. Сўнгра Фарғонадаги қуролли қаршилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамоларидан бири бўлиб, улар ўртасида танилди. Намангандаги «Шўрои Ислом» ташкилотининг раҳбари бўлди[66] . Махфий равишда Омонполвон, Муҳиддинбек, Жонибек қози ва Раҳмонқул қўрбошиларнинг фаолия-тларини марказлаштириш ҳаракатида бўлди. Носирхонтўра «Миллий Иттиҳод» ташкилотининг Наманган филиалига аъзо бўлиб, Косонсой шаҳрида бу ташкилотнинг ячейкасини ташкил қилди. Шермуҳаммадбек Носирхонтўрани ўзига пир деб эълон қилган ва «Миллий Иттиҳод»нинг Косонсой бўлимидан Фарғонадаги

[63] *Козаков Т.К.* Общественно-политическое положение в Ферганской долине и джадидское движение в начале XX века. Автореф. дис. ... канд. ист. наук.-Т., 2001.-28с.

[64] *Эрктурк М.Х.* Саййид Носирхонтўра //Турон тарихи.-1994. - №3. - Б.21.

[65] *Агзамходжаев С.С.* Из истории борьбы за автономию Туркестана. Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан. - Т.: Фан, 1996. - Б.32.

[66] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб...Б.202.

совет қўшинларининг аҳволи тўғрисида доимо маълумотлар олиб турган. 1919 йил большевиклар уни Туркистон Мухториятининг Маориф Нозири бўлганлиги учун қамоққа олдилар. 1924 йил қамоқдан қайтиб келгач, кўп ўтмай уни советларга қарши фаолияти учун яна қамоққа оладилар ва Оренбургга 5 йилга сургун қилдилар[67]. 1938 йиль июль ойининг бошларида уни советларга қарши фаолияти учун яна ҳибсга оладилар. Шу йилнинг 3 сентябрида маорифчи, диний олим, тарихчи, сиёсатчи, миллатпарвар сиймо Саййид Носирхонтўра Андижон турмасида вафот этди[68].

Фарғона водийсида Қизил Армиянинг қуролли қаршилик ҳаракати гуруҳларига қарши олиб борган ҳарбий операциялари натижасида хўжалик бошқаруви издан чиқди. Иқтисодий аҳвол эса ғоят даражада оғирлашиб кетди. Масалан, 1917 йилдан 1920 йилгача чорва моллар сони тенг ярмига қисқариб кетди. Фарғона водийсида 1917 йил 157538 от, 526686 қорамол, 14283 туя, 561197 қўй ва 5525 бош эчки бор эди. Лекин 3 йил ичида Фарғонада юк ташувчи отлар 5 марта ва қўшга қўшилувчи ҳўкизлар 4 марта камайди[69]. Масалан, иш ҳайвонларининг сони 1917 йилга нисбатан олиб қараганда 1923 йилнинг бошларига келиб, кескин қисқариб кетди, яъни, отлар 10,5% га, ҳўкизлар 7,5% га, туялар 30% га, қўй ва эчкилар 20% га тушиб қолди[70]. Айни даврда иқтисодий соҳадаги нотўғри бошқарув тадбирлари оқибатида Россиянинг марказий ҳудудларида очарчилик юз берди. 1921-1922 йилларда Волгабўйи ҳудудларидаги очарчилик туфайли Тошкентга 500 та бола келтирилди. Шулардан 100 таси Наманганга юборилди[71].

[67] *Ражабов Қ.* Жадидлар-истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари //Ўзбекистон тарихи: янги нигоҳ. Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар. - Т.: Элдинур, 1998. - Б.13-14.

[68] *Эрктурк М.Х.* Саййид Носирхонтўра...Б.22.

[69] *Ҳайдаров М.* Туркистон иқтисодиётида «Ҳарбий коммунизм» сиёсати //Ўзбекистон тарихи. - 2003. - №3. - Б.31,32,33.

[70] ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-руйхат, 1391-иш, 100-104-варақлар.

[71] ЎзР МДА, Р-17-фонд, 1-руйхат, 927-иш, 36-варақ.

Туркистонда ғалла экин майдонларини қисқартириш ҳисобидан пахта экин майдонларининг кенгайтирилиши, фуқаролар уруши йилларида ўзининг салбий натижаларини яққол кўрсатди. 1917-1918 йилларда бутун Туркистон ҳудудидаги сиёсий курашлар, совет ҳокимиятининг уқувсиз иқтисодий сиёсати оқибатда Фарғонада очарчилик келиб чиқди[72].

Иш ҳайвонлари ва уруғликнинг йўқлиги сабабли деҳқонлар 1921 йил охири ва 1922 йил бошларида энг сўнгги иш қуроллари ва уй-рўзғор буюмларини бир бурда нонга алмаштириш учун шаҳарларга йўл ола бошладилар. 1921-1923 йилларда Фарғонада рўй берган очарчилик даҳшатли тус олди. Кишилар асосан кўкат ва майсалар билан овқатланишга мажбур бўлдилар. Бунинг натижасида касалланиш ва ўлим сони ортиб кетди. Кўплаб болалар қирилиб кетди. Очларнинг кўплари шаҳарларнинг «эски шаҳар» деб аталган қисмларига келиб, масжид, қабристон ва кўчаларга жойлашар эдилар. Очлик ҳукм сураётган қишлоқ ва туман кўчаларида ҳар куни очликдан ўлаётган ўнлаб кишиларнинг жасадларини учратиш мумкин эди. Баъзи шаҳарлар ва озиқ-овқат таъминоти пунктларида очлик шу қадар даҳшатли эдики, айрим кунлари бир неча юз ўликларни кўмишга тўғри келар, ҳатто уларни кўмиб улгуриб бўлмас эди. Аксари қабристонлар 1922 йилнинг дастлабки уч ойи давомидаёқ тўлиб бўлган эди. 1922 йилнинг сентябрь-октябрь ойларига келиб, бутун водийда 64336 киши очликдан ўлди. Жумладан, Наманган уездида истиқомат қилувчи жами аҳолидан очлар 53309 киши, очлик хавф солаётганлар 23930 киши, очарчилик туфайли кўчиб кетганлар 3211 киши, очликдан ўлганлар 4757 кишини ташкил этди. 1923 йилнинг бошларида Фарғона вилоятидаги 74 волостнинг ўзида 387018 киши очлик ҳолатида яшаётган эди. Аслида эса улар сонини яна 25 % га (яъни 483772 киши-З.Ҳ.)

---

[72] ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1391-иш, 98-варақ.

кўпайтириш мумкинлиги архив манбаларида қайд этилган. Фарғона вилоятида 1922 йилнинг ноябрида 1,4%, 1923 йилнинг январь ойида 2%, май ойида 5,5%, сентябрь ойида эса 4% гина очларга ёрдам кўрсатишга эришилган холос.[73].

Қуролли мухолифатга қарши Қизил Армиянинг олиб борган қонли жанглари аҳоли сонининг кескин камайиб кетишига олиб келган. Расмий маълумотларга кўра, олти йиллик кураш давомида Фарғона водийсида 800 минг киши ҳалок бўлган[74]. Жумладан, Наманган вилояти ҳудудида 1911 йилда жами аҳоли 473,4 минг кишини ташкил этган бўлса, 1926 йилда 397,8 минг кишига тушиб қолди[75].

Шундай қилиб, XX аср 20-йилларининг ўрталарига келиб, Наманган ҳудудида қуролли қаршилик ҳаракатининг асосий кучлари тор-мор этилди. Совет ҳокимияти ҳар жиҳатдан мустаҳкамлана бошлади.

## *Советлар томонидан жорий этилган бошқарув тизими: «ислоҳот» ва оқибатлар*

Бутун Туркистонда бўлгани каби, Наманган вилояти ҳудудида ҳам совет ҳокимияти зўрлик билан ўрнатилди ва янги давлат асосларини барпо этиш ва уни мустаҳкамлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, дастлаб коммунистик партия ва коммунистик ёшлар иттифоқи (комсомол) нинг давлат ва жамият ҳаётидаги бошқарувчилик ролини оширишга асосий эътибор қаратилди. Шу мақсад йўлида 1917 йилнинг 19 ноябрида бўлиб ўтган Наманган уезд-шаҳар солдат ва ишчи депутатлари советидаги ишчи депутатлари гуруҳининг умумий йиғилишида коммунистик фракция ташкил этилди. Ушбу фракция таркибида

---

[73] ЎзР МДА, Р-25-фонд, 1-рўйхат, 1391-иш, 100-103-варақлар.

[74] *Қосимов Й.* Қора кўзойнак ...Б.83.

[75] *Акрамов З.М.* Наманганская область (историко-географический очерк). - Т.: Из-во АН Уз ССР, 1955. - С.49.

биронта ҳам маҳаллий миллат вакиллари йўқ эди. Кейинчалик унинг негизида коммунистик партиянинг Наманган вилояти қўмитаси шакллантирилди. Большевиклар ўз мафкуравий ғояларини аҳоли, хусусан, ёшлар орасида кенг ёйиш учун жойларда коммунистик ёшлар иттифоқи ташкилотларини тузишга эътибор қаратдилар. Натижада, 1919 йилнинг ёзида Наманганда ҳам коммунистик ёшлар иттифоқи ташкил топди[76].

Туркистон совет автономияси - мухториятини расмий ташкил қилиш масаласи 1918 йил ўлка советларининг V съездида кўриб чиқилди. ТАССРнинг олий қонун чиқарувчи органи сифатида ишчи, аскар, деҳқон ва мусулмон деҳқонлар советлари съезди, доимий фаолият юритувчи олий қонун чиқарувчи органи қилиб эса, Марказий Ижроия қўмита белгиланди. Жойлардаги маҳаллий советлар ва уларнинг ижроия қўмиталари ҳокимият функцияларини бажаришлари кераклиги таъкидланди[77]. 1918 йил октябридан 1919 йил августигача Наманганда совет ҳокимиятининг органи сифатида шаҳар-уезд солдат ва ишчи депутатлари совети Ижроия қўмитаси, 1919-1921 йиллар оралиғида эса Наманган уезд-шаҳар инқилобий қўмиталари фаолият юритди[78]. 1920 йилгача уездда эски маъмурий бошқарув тизими сақланиб қолган бўлиб, волостларда волост бошқарувчилари, қишлоқларда қишлоқ оқсоқоллари, маҳаллаларда оқсоқоллар фаолият юритдилар.

1920 йилнинг ёзида ТуркМИК, Турккомиссия ва ўлка компартиясининг қарорига мувофиқ волост ва қишлоқ советларига сайловлар борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Ушбу масала юзасидан 1920 йил 14 июнда Наманганда ҳам уезд-шаҳар инқилобий қўмитаси ва партия комитетининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унинг қарорига кўра, волост бошқарув-

---

[76] НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 5,37 варақлар.

[77] *Усмонов Қ., Содиқов М.* Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар).- Т.: Шарқ, 2002. - Б.29.

[78] НВДА, 13-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 3-4 варақлар.

чилари, шаҳар ва овул оқсоқоллари ҳамда элликбошилик лавозимлари бекор қилинди. Зудлик билан шаҳарларда даҳа қўмиталари ва волост советларини тузишга киришилди. Амалдаги волост бошқарувчилари советлар ва Инқилобий қўмиталар таркибига киритилмади. Наманган шаҳрида ҳам оқсоқол ва мингбошилик лавозимлари ўрнида даҳа қўмиталари ташкил этилиб, уларнинг раислигига партия аъзолари - коммунистлар тайинланди[79].

Туркистон ҲКС совет ҳокимиятининг иқтисодий соҳадаги сиёсати асосларини яратиш мақсадида 1917 йилнинг декабрида фабрика-завод қўмиталари тузиш лойиҳасини ишлаб чиқди. Кейинчалик совет ҳокимиятининг ишчи назорати ҳақидаги декрети эълон қилинди. Унга мувофиқ саноат ишлаб чиқаришини деярли тўлиқ назорат қилиш ваколати юқоридаги фабрика-завод қўмиталарига берилди. Бундан кўзланган мақсад, ўз ўрнида саноатни национализация қилиниши учун замин тайёрлаш эди. Орадан кўп вақт ўтмасдан ўлкада ишлаб чиқаришни национализация қилиш тадбирлари бошлаб юборилди. Жумладан, 1918 йилнинг март ойи ўрталарига келиб, Наманган уездидаги пахта тозалаш ва ёғ ишлаб чиқариш заводлари ҳамда банклар национализация қилинди[80].

Совет ҳокимияти ўзининг дастлабки тадбирларидан яна бири сифатида ишни омма орасида ўз ғояларини тарғиб қилувчи миллий нашрлар ташкил этишдан бошлади. Шу даврдан эътиборан «Ишчилар қалқони», «Эркинлик», «Қизил тикон»[81] , «Уйғониш»[82] номли газета-журналлар нашр этила бошлади.

Татар маърифатпарвари Ҳусайн Макаев «Ишчилар қалқони» газетасининг ташкилотчиларидан бири бўлди

---

[79] НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 20-21 варақлар.; Приказы Наманганского-уездно-городского ревкома // Рабочий путь.-1920.-14 апрель.

[80] НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 33-34-варақлар.

[81] НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 51-иш, 48-варақ.

[82] *Мирзалиев Э.Ю., Бозорова М.Т.* Наманганнинг ...Б. 56.

ва 1921 йилдан 1928 йилгача Наманганидаги давлат босмахонасини бошқарди. У 1937 йил қатағон қурбони бўлгунга қадар педагогик фаолият билан шуғулланди. Ҳ.Макаевнинг педагогик,ноширлик фаолиятида унинг хотини Ф.Макаева ҳам жуда катта ёрдам берган[83].

Совет ҳокимияти ўрнатилгач, миллий театр санъати ўзига хос мафкуравий восита сифатида шакллантирилди. Театр санъатидан миллий маданият равнақи ниятида эмас, балки ғоявий мақсадлар йўлида фойдаланилди. Масалан, 1918 йилда И.Низомбоев ва Ҳ.Йўлдошқориев (Ўғизхон) томонидан ташкил қилинган «Шарқ» театр труппасида инқилобий қўмита илтимосига кўра, Ҳ.Йўлдошқориев «Омонполвон» деб аталган асар ёзиб, саҳналаштирди. Омонполвон гуруҳининг суди «Шарқ» клубида ўтказилди ва улар ҳузурида спектакл намойиш этилиб, кейин ҳукм эълон қилинди. Эртасига ҳукм ижро этилди, яъни Омонполвон отиб ташланди[84].

1919 йилнинг сентябр ойида Фарғона музофоти маориф ишлари нозири Ҳ.Ҳ.Ниёзий театр тузиш мақсадида Наманганга келди ва «Кўк кўйлак» труппаси ташкил этилди. 1931 йилга келиб, «Кўк кўйлак», «Шарқ» труппалари негизида Наманган театри ташкил топди. Шу йилларда театрга Раззоқ Ҳамроев раҳбарлик қилди. Ўша йили К.Яшиннинг «Интилиш» ва «Ҳужум» асарлари саҳналаштирилди. Наманганда К.Яшиннинг «Арслон» драмаси андижонликлар билан ҳамкорликда саҳнага қўйилди[85].

XX асрнинг 20-йилларида таълим тизимида ўзига хос муаммолар мавжуд эди. 1920 йил Наманган уездида асосан европаликларнинг болалари учун ташкил этилган 2 тагина болалар боғчаси бор эди. Шунингдек, 14 та маҳаллий мактаб бўлиб, унда 1327 та ўқувчи таълим олган[86].

---

[83] *Расулов А.* Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар.(1917-1924 йиллар).-Тошкент: Университет, 2005. - Б.179-180.

[84] *Қориев С.* Қалдирғоч драматург. Болалар оталар ҳақида //Наманган ҳақиқати.-1991.-7 ноябрь.

[85] *Жуманазаров О.* Умрнинг уч лаҳзаси //Наманган ҳақиқати.-1991.-6 март.

[86] ЎзР МДА, Р-34 фонд, 1-рўйхат, 699-иш, 12-13 варақ.

Совет ҳукуматининг дастлабки пайтларида Наманган уездида аҳолининг ижтимоий турмуши, тиббий хизмат кўрсатиш анча паст даражада эди. Наманганда 1921 йилда 1 та амбулатория, 3 та врач бўлган[87]. 1936 йилда вилоятда медицина билим юрти ташкил этилгачгина, ўрта малакали ҳамширалар етказиб бера бошланди[88].

Совет ҳокимиятининг дастлабки кезлариданоқ, марказий ҳудудларда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар Туркистонга ҳам ўзининг таъсирини кўрсата бошлади. Масалан, 1921-1922 йилларда совет ҳокимиятининг қўпол иқтисодий сиёсати туфайли, Россиянинг Марказий ҳудудларида даҳшатли очарчилик юз берди. Бутун туркистонликлар қатори, наманганликлар ҳам очларга ёрдам кўрсатиш ишларида фаол қатнашдилар. 1921 йилнинг август ойи бошларида Наманган уездида ҳам очларга ёрдам комиссияси ўз фаолиятини бошлади. 1921 йилнинг октябрида ўтказилган ҳафталик тадбирлари натижасида очларга ёрдам тариқасида Наманган шаҳридаги аҳолидан 18 млн. рубль пул, бошқа моддий нарсалар тўпланди. Бундан ташқари, очларга ёрдам бериш мақсадида уюштирилган шанбаликдан 4 млн. 698 минг рубль йиғилди. 1921 йил август ойи биринчи ярмидан Туркистонга Волгабўйи ва Ураролди ҳудудларидан очлар келтирила бошланди. Наманган уездида очлар учун 1921 йилнинг 5 августидан 11 августигача озиқ-овқат маҳсулотларидан ташқари 3 млн. рубль хайрия маблағи тўпланди[89].

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида Фарғона вилоятининг шимолий ҳудудлари (яъни, ҳозирги Наманган вилояти-З.Ҳ.) ҳам оғир иқтисодий қийинчиликлар ва ижтимоий муаммоларни бошдан кечирди. Масалан, бу муаммолар Ўзбекистон ССР советлари МИК Президиумининг «Чуст шаҳар советининг фаолияти ҳақи-

[87] УзР МДА, Р-40-фонд, 1-рўйхат, 190-иш, 1416-варақнинг орқа томони.

[88] *Мадатов А.* Халқи соғ-омон юртнинг заволи йўқ //Наманган ҳақиқати.-1991.-27 март.

[89] *Расулов А.* Туркистон ва Волгабўйи...Б. 95,96,118.

да»ги қарорида ҳам қайд этилди. Октябрь тўнтаришига қадар Чуст шаҳрида 27000 аҳоли истиқомат қилган бўлиб, улар асосан ҳунарманд ва ишчилардан иборат бўлган. Совет ҳукуматининг зўрлик билан ўрнатилиши жараёнида эса, аҳолининг кўп қисми бошқа ерларга кўчиб кетишга мажбур бўлди. Чустда 1917 йил октябригача саноат ишлаб чиқаришининг бир неча тури; ёғ-мой, пахта тозалаш, кончилик ва бошқалар мавжуд бўлган бўлса, 20-йилларда Чуст шаҳрида озиқ-овқат етишмовчилиги яққол сезилмоқда эди. Масалан, ҳунарманд-ишчиларнинг фақат 60% игина ошхоналарда нон билан таъминланган эдилар холос. Мактаб, касалхона ва шу каби ижтимоий-маиший муассасалар учун бинолар қуриш ишлари деярли тўхтаб қолган эди[90]. Совет ҳокимиятининг дастлабки пайтларидаёқ Марказдан ўлкамизга кадрлар юбориш сиёсати амалга оширила бошлади. Масалан, Лениннинг сафдошларидан А.А.Воскресенский 1924 йилда Наманганга юборилди. Унинг раҳбарлигида шу йили Марказий Фарғона чўлларида (ҳозирги Мингбулоқ тумани-З.Ҳ.) «Гулбоғ» номли биринчи совхоз тузилди. Қишлоқ хўжалиги борасидаги асосий эътибор пахта экин майдонларини кенгайтиришга қаратилди[91].

1921-1925 йиллардаги аграр ислоҳот, 1925-1929 йиллардаги ер-сув ислоҳоти совет ҳокимиятини қониқтирмади. XX аср 20-йилларининг охирларидан қишлоқда ёппасига жамоалаштириш сари йўл тутилиб, жамоа хўжаликларини тузиш бошланди. Мазкур сиёсатга қарши бўлганлар эса ўша давр таъбири бўйича «қулоқ» деб аталадиган бўлди[92].

Деҳқонларга қарши кураш олиб боришда «фавқулодда чоралар» 1927-1928 йиллардаёқ қўлланилди. «Қулоқ» хўжаликларини чеклаб қўйиш, галла тайёр-

---

[90] ЎзР МДА, Р-86-фонд, 1-рўйхат, 6383-иш, 2-3 варақлар.

[91] *Рўзибоев Т., Ҳожимирзаев М.* Наманган области...Б.66.

[92] *Изоҳ:* «қулоқ» атамаси русча «кулак»-мушт сўзидан олинган бўлиб, социалистик тузумга қарши кўтарилган мушт сифатида талқин этилган.

лаш кампаниясини жорий этиш, деҳқон хўжаликларини тинтув қилиш, ортиқча маҳсулотларни, ҳатто уруғлик донни зўравонлик билан тортиб олиш, меҳнат қуроллари, иш ҳайвонлари ва бошқа мол-мулкни мусодара қилиш, деҳқонларнинг ўзларини эса қамоққа олиш кенг тус олди.

Айни вақтда «қулоқ»ларни сиёсий жиҳатдан ҳам чеклаш, яъни уларни сайланиш ва сайлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш сиёсати олиб борилди. Бундай чеклашлар «қулоқ» деҳқонлар билан бир қаторда ўртаҳол ва камбағал деҳқонларга ҳам татбиқ этилди[93].

Ёппасига коллективлаштиришда қўпол хатоликларга йўл қўйилди. Айрим қишлоқларда колхозлаштиришга қарши исёнлар кўтарилди. Масалан, 1929 йили 200 дан ортиқ каркидонлик деҳқонлар колхозлаштиришга қарши исён кўтардилар[94]. Бу каби ҳаракатлар зўрлик билан бостирилди.

Ўзбекистонда жамоалаштириш собиқ Иттифоқнинг бошқа ҳудудлари билан солиштирганда, марказ талаблари асосида жадаллик билан олиб борилди. 1930 йилнинг бошларида республикадаги айрим районлар ёппасига жамоалаштириш районлари деб эълон қилинди. Ҳозирги Наманган вилояти ҳудудига кирувчи Норин, Чуст-Поп районлари ҳам ушбу рўйхатдан ўрин олди. «Жадаллаштириш» туфайли агар, Норин районида жамоалаштириш даражаси 1929 йилнинг 1 октябригача 10,2 % ни, Чуст-Поп районида 3 % ни ташкил этган бўлса, 1930 йилнинг 25 февралига келиб, бу кўрсаткич биргина Норин районида 95,6% ни ташкил этди. 30-йиллар бошларида уездда жамоалаштиришга қарши деҳқонларнинг кўплаб оммавий норозилик чиқишлари бўлиб ўтди. Масалан, 1930 йил 20 февралда Чуст-Поп районидаги Мозорқишлоқ советида 3300 киши жамоалаштиришга қарши намойиш билан чиқди[95]. Жамоа-

---

[93] *Шамсутдинов Р.* Қишлоқ фожеаси: Жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида).-Тошкент: Шарқ, 2003. - Б.28.

[94] *Нажмиддин Файзиддин ўғли, Муҳаммад Ҳаким.* Чуст...Б.89.

[95] *Шамсутдинов Р.* Қишлоқ фожеаси...Б.144-145.

лаштиришга қарши норозилик кучли бўлган жойларга бевосита ҳукумат раҳбарларининг ўзлари етиб келишга мажбур бўлдилар. Масалан, 1930 йил 21 февралда ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети раиси Файзулла Хўжаев, ЎзКП (б) Марказкоми котиби Лепа ва Ўзбекистон ГПУси раиси Перконлар Самарқанддан Қўқонга йўлга чиқиб, 22 февралда Чуст-Поп туманига етиб келдилар. Бу вақтда Чуст-Попдаги аҳвол очиқ-ошкора қўзғолонга ўсиб чиқиш хавфини туғдираётган эди[96]. Унинг олдини олиш мақсадида ҳукумат вакиллари баъзи жойларда қуролли кучлар ёрдамида ғалаён ташаббускорларини қўлга олиш йўли билан кишиларни тарқатган ҳолатлар ҳам бўлди. Жамоалаштириш ишларига қарши кайфиятда бўлган кишиларни жазолаш учун тезкор «учлик» гуруҳлари ташкил этилди. Улар жойларда норозилик чиқишларининг ташаббускорлари бўлган кишиларни қамаш ва отиш ишларини бошлаб юбордилар.

Айрим туманларда жамоа хўжаликлари ташкил этиш қийинчиликлар билан амалга оширилди. Масалан, 1931 йил республикада коллективлаштириш кўрсаткичлари 68,1% ни, Фарғона водийсида 72,2% ни ташкил этгани ҳолда, Чуст туманида 1932 йил бошларида ҳам 47,2% ни ташкил этди холос[97]. Бироқ, олиб борилган зўравонлик сиёсати ўзининг натижасини берди, яъни 1933 йилда Чустда 63 та колхоз ташкил этилди[98]. 1936 йилга келиб, Чуст районида 6624 та қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи хўжаликлардан 6227 таси колхозларга бирлаштирилган эди[99].

ВКП (б) нинг XVII съездида «халқлар доҳийси» Сталиннинг: «Колхозчи аёл ўз уйида алоҳида овқат қилиш, нон ёпиш, кир ювишга қараганда, умумий кирхонада кир ювишнинг фойдалироқ эканини билганда, ана шу вақтдагина келажак қишлоқ хўжалик ком-

---

[96] *Шамсутдинов Р.* Қишлоқ фожеаси...Б.26,61,134.

[97] Чуст давлат архиви, 222-фонд, 1-рўйхат, 15-иш, 8-варақ.

[98] ЎзР МДА, Р-95-фонд, 2-рўйхат, 186-иш, 20-варақ.

[99] НВДА Чуст туман филиали, 333-фонд, 1-рўйхат, 20-том, 11-иш, 273-варақ.

мунаси вужудга келади»[100] ,-деган фикрлари аёлларни жамоа хўжаликларига жалб қилиш учун ғоявий кўрсатма вазифасини ўтади.

Жамоалаштиришга қарши чиққанларни қамаш, сургун қилиш, уларга «қулоқ» тамғасини ёпиштириш авж олди. Биргина Чуст тумани бўйича 1930-1932 йилларда 1493 киши қулоқ қилиниб, 67 киши қамоққа олинган. Ҳаттоки, 1933 йилда ҳам 40 та хўжалик оилавий қулоқ хўжаликлари сифатида тугатилиб, бошқа жойларга сургун қилинди[101] . Шунингдек, Наманган туманидан ҳам 1930-1932 йилларда 1108 киши[102] «қулоқ» қилинди. 30-йилларда «қулоқ» қилинган хўжаликларнинг ижтимоий аҳволи таҳлил этилганда, «қулоқ» қилиш учун албатта бой ёки сиёсатга қарши бўлиш асос бўлмаганлиги, балки у юқоридан берилган буйруқ, аниқ режа ва буюртмага кўра ташкил этилганлиги аён бўлади.

1931 йилнинг баҳорида Янгиқўрғон қишлоқларидан 283 хўжалик, ёки 1981 киши Украинанинг Херсон ва Николаев вилоятларига кўчириб юборилди. Шундай қилиб, 1931 йилда Янгиқўргон туманида ҳаммаси бўлиб 662 бой ва қулоқ хўжаликлари тугатилди, деҳқонлар оммаси ёппасига ерсизлантирилди[103].

Қулоқ қилинганларнинг 10% и 60-90 ёшли қариялар, 40% и 16 ёшгача бўлган болалар, 50% и 16-60 ёшгача бўлган кишилар бўлиб, шундан 40% и аёллар эди. Қулоқ қилинганлар рўйхатида 1 ёшлик болаларни ҳам кўплаб учратиш мумкин[104]. Аксарият ёш болалар нотаниш шароит ва қийинчиликларга бардош беролмай нобуд бўлиб кетдилар.

Қулоқ қилиш юқоридан режа асосида амалга оширилганлигини қуйидаги мисолдан ҳам билиш мумкин. Масалан, Чуст тумани Олмос қишлоғидаги Соатовлар хонадони аъзолари бир вақтлар хусусий тегирмонга эга

---

[100] НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 772-иш, 43-варақ.

[101] НВДА Чуст туман филиали, 339-фонд, 1-рўйхат, 2-иш.

[102] НВДА, 13-фонд, 1-рўйхат, 523-иш, Б.38-59.

[103] *Киргизов.Ю., Акрамов Т.* Бир ўлкаки...Б.40-59.

[104] НВДА Чуст туман филиали, 339-фонд, 1-рўйхат. 1-2 иш.

бўлганлиги учун Украинага қулоқ қилинган. Ваҳоланки, улар тегирмонни талаб этилган вақтда давлат ихтиёрига топширган эдилар. Бунинг оқибати эса хонадон вакилларининг кўплари ўзга юртларда барвақт ўлиб кетишларига, ёш болаларнинг эрта нобуд бўлишига олиб келди[105].

Кўплаб одамлар «қулоқ» деган номни олишдан қўрқиб, ўз чорва ҳайвонларини сўйдилар ва сотиб юбордилар, натижада чорва ҳайвонларининг сони кескин камайиб кетди. Агарда 1927 йилда биргина Чуст туманида 15507 та қорамол бўлган бўлса, 1935 йилга келиб уларнинг сони 6715 тага тушиб қолди. Яъни, қорамол туёғи 8792 тага камайиб кетди[106].

Вилоятдаги нотўғри қулоқ қилиш ва қишлоқ хўжалиги солиқларига тортиш ҳолларини қуйидаги ҳужжатлардан ҳам кўриш мумкин. қалқонқулоқлик Ҳасанбой Ботирбоев хўжалигида 2 таноб ери бўлган. 1925 йилдан 1932 йилгача бу ерида ўзи ишлаган. Ўз ташаббуси билан ерини жамоа хўжалигига топширган. Ёғ ишлаб чиқарувчи жувози бўлган. У ҳақиқатда 1928-1931 йилгача ишламаган. Ишга яроқсиз бўлган. Шундан сўнг уни қулоқлар рўйхатига киритилиб, қишлоқ хўжалик солиқларига тортилган. Ҳ.Ботирбоевнинг солиққа тортиш ҳисоб-китобида кўрсатилишича, бир йилда ёғ жувозидан 400 сўм фойда олган ва унинг барчаси солиққа тортилган. Бу эса, совет давлатининг дастлабки пайтларида иқтисодий сиёсат соҳасидаги адолатсизликларининг бир кўриниши бўлиб, асос эътибори билан хусусий мулкчиликни тугатишга қаратилган эди. Ҳ.Ботирбоевнинг 20.09.1932 йилда Ўзбекистон халқ комиссарлари молия бошқармаси қишлоқ хўжалик солиқлари бўйича бўлимига ёзган шикоят хати натижасиз қолган[107].

---

[105] *Ахборотчи:* Соатов Қўшоқбой. Чуст тумани Олмос қишлоғидан 85 ёш. Изоҳ: мазкур маълумот 2007 йилда тайёрланган.

[106] *Нажмиддин Файзиддин ўғли, Муҳаммад Ҳаким.* Чуст...Б.89.

[107] НВДА, 13-фонд, 1-рўйхат, 522-иш, 3,21-варақлар.

XX асрнинг 30-йилларида хусусий мулкчилик таъқиб қилиниб, ҳатто 1-2 таноб ери бўлган кишилардан ер-мулклари тортиб олиниб, ўзлари қулоқ қилинди.

Республикадаги тегишли муассасалар қулоқ қилиш ва қулоқ қилинганларни сургун қилиш операциясини ўтказишга киришадилар. Ўз КП(б) МК 1931 йил 1 августда қулоққа тортиш ва сургун қилиш бўйича ўз вакилларини тасдиқлаб, уларни жойларга хизмат сафарига йўллайди. Шу масала юзасидан Наманган районига Аҳмадбеков, Чуст-Поп районига эса Левин вакил қилиб юборилади. қулоқлар махсус эшелонларда Шимолий Кавказ, Сибир ва Украина томон жўнатилиб турилган. Масалан, Намангандан Украинанинг Херсон вилояти томон йўлга чиққан 620-эшелонда (1931 йил август-сентябр) жами 382 оила, яъни 1566 киши бўлиб, шундан 646 таси бегуноҳ болалар эди [108].

Ташкил этилган жамоа хўжаликларида ҳам асосан пахта етиштириладиган бўлди. Бунинг оқибатида вилоят ҳудудидаги пахта экин майдонлари 1940 йилда 1917 йилга нисбатан 4 баравар кўпайтирилди[109].

Советларнинг Ўзбекистондаги жамоалаштириш ва у билан ёндош тарзда олиб борган қулоқлаштириш сиёсатининг амалга оширилиши жуда ҳам оғир кечди. Қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш даврида Ўзбекистонда 40 мингдан ортиқ деҳқон хўжалиги «қулоқ» қилиниб, улардан 31,7 минги қатағон этилди[110] . Унинг фожиали оқибати шу бўлдики, минглаб кишилар қирилиб кетди, миллий қишлоқ қашшоқлашди, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш инқирозга юз тутди.

XX асрнинг 30-йилларидаги оммавий қатағонлар наманганлик зиёлиларни ҳам четлаб ўтмади. «Мунаввар қори ва бошқалар» иши бўйича 1931 йилда кўп кишилар отишга ҳукм қилинди. Улар орасида, наманганлик таниқли журналист ва шоир Лутфилла Олимий

---

108 *Шамсутдинов Р.* Қишлоқ фожеаси... Б.191,231.

109 *Рўзибоев Т., Хожимирзаев М.* Наманган области...Б.66.

110 Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб...Б.322.

ҳам бор эди. Кейин Олимийга нисбатан чиқарилган суд ҳукми 10 йил қамоқ жазоси билан алмаштирилди[111]. Биргина Чуст тумани мисолида ўзбек халқининг ўнлаб фарзандларини бадном этилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Масалан, Дадабоев Бўта (1889-1938) Туркистон Республикасининг фаол давлат арбобларидан, 1889 йилда Чуст шаҳрида туғилган. Бутуниттифоқ МИК аъзоси бўлиб сайланган. 1918-1934 йилларда партия аъзоси бўлиб, 1934 йилда аксилинқилобий фаолияти учун партиядан ўчирилган. 1937 йилда қамоққа олинган. 1923 йилдан бошлаб «Иттиҳод ва тараққиёт» миллий ташкилотининг аъзоси бўлган деб айб қўйилган. 1938 йил 5 октябрда СССР Олий Суди ҳарбий коллегияси сессиясида айбдор деб топилиб, олий жазога ҳукм этилди. 1938 йил октябрь ойида ҳукм ижро этилди. Собиқ СССР Олий суди коллегиясининг 1957 йил 1 августдаги қарори билан Б.Дадабоев ҳақидаги ҳукм бекор қилинди ва унинг жиноий иши тўхтатилиб ўлимидан сўнг оқланди. Дастлабки аёл журналистлардан бири Собира Холдорова (1907-1938) ҳам 1938 йилда қатағон қурбони бўлди[112].

1937-1938 йиллардаги қатағонлик сиёсати жараёнида иттифоқ ва республиканинг жазо органлари томонидан ўйлаб топилган сохта «ишларда» айбланиб, кўплаб жамоат арбоблари, хўжалик кадрлари, дин вакиллари, зиёлилар ва бошқалар судсиз-сўроқсиз қамоққа ташландилар. Наманганлик ижодкорлардан Ибрат, У.Носир, Сўфизода, Р.Мўмин, Л.Олимий, С.Холдорова; миллий раҳбар кадрлардан И.Хидиралиев, И.Низомбоев, М.Эрматов, Н.Қориев, Ш.Шомансуров, М.Шоҳимардонов; хўжалик соҳасидаги кадрлардан А.Халилбеков, Д.Эгамбердиев; ҳарбий кадрлардан М.Шомирбоев, Ҳ.Раҳматов; дин арбобларидан А.Мирҳайитов, У.Са-

---

[111] *Халилбеков А.* Суронли йиллар, армонли диллар //Наманган ҳақиқати.- 2000.-4 октябрь.

[112] НВДА, Чуст туман филиали, 222-фонд, 1-рўйхат, 419-иш, 25-31 варақлар.

йидаҳмедов; оддий жамоа хўжалиги аъзоси Т.Раҳимов, С.Сайидматов, Э.Шомансуров (1902-1937), Ҳ.Бобоназаров (1902-1937), А.Қориев (1894-1937), М.Муллажанов (1885-1937), А.Азизов (1905-1937), О.Ҳожиматов (1886-1937) каби жуда кўплаб кишилар қатағон домига тортилдилар. Юқорида номлари зикр этилган шахсларнинг аксарияти етук билимли давлат ва жамоат арбоблари эдилар[113].

Қатағон қурбонларидан бири Мирсаид Шомирбоев 1901 йилда Наманганда деҳқон оиласида дунёга келди. 1937 йилда миллий ҳаракатларда иштирок этганлиги туфайли қамоққа олинди. 1940 йилнинг 1 май куни вафот этди. Собиқ СССР Олий Суди ҳарбий Судлов Коллегиясининг 1957 йил 20 июл қарори билан М.Шомирбоев ўлимидан кейин оқланди[114].

Наманган шаҳар халқ банкида хазиначи, шаҳар мусулмонлар кенгаши раиси, халқ маорифи бўлими мудири лавозимларида ишлаган Иномжон Низомбоев 1931 йил 25 апрелда НКВД (ОГПУ) «учлик» комиссиясининг қарорига асосан, миллий ҳаракатларда қатнашганлиги айби билан айбланди ва 5 йилга озодликдан маҳрум этилиб, Дмитров меҳнат ва ахлоқ тузатиш лагерига жўнатилди. И.Низомбоевнинг жиноий иши Туркистон Ҳарбий Округи ҳарбий трибунали томонидан 1957 йил 28 ноябрда қайта кўриб чиқилиб, 1937 йил 21 ноябрдаги айблов қарори бекор қилинди ва ҳаракатдан тўхтатилиб, ўлимидан сўнг оқланди[115].

Нуриддин Қориев 1893 йилда Наманганнинг Сардоба даҳасида боғбон оиласида дунёга келди. 1919-1921 йиллари Наманган уезд-шаҳар партия қўмитаси бюроси аъзоси, ташкилий бўлим мудири, кейинчалик маъсул котиб, 1923 йилдан Наманган уезд-шаҳар ижроия қўмитасига раис этиб тайинланди. Н.Қориев 1937 йил қата-

---

[113] *Ҳайдаров З.У.* 30-50 йиллардаги қатағонлик сиёсати ва унинг оқибатлари (Наманган вилояти мисолида) //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар.-2001- №6.- Б.58.

[114] НВДА, 267-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 44,52-варақлар.

[115] НВДА, 265-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 1,2,17-варақлар.

ғон қилинди ва 1958 йил 28 июлда Ўзбекистон Олий Судининг қарори билан оқланди. Бу хабарни оила аъзолари карийб 10 йилдан сўнг, 1967 йили билдилар[116].

Маърифатпарвар Исҳоқхон Жунайдуллахўжа ўғли Ибрат (1862-1937) 1937 йили 75 ёшида, анча кексайиб, касалланиб қолган пайтида қамоққа олинди. Кўп ўтмай қамоқда вафот этди[117]. Усмон Носир (1912-1944) 25 ёшида қамоққа олинди. 1944 йил қамоқ лагерида руҳий ва жисмоний азоблар оқибатида вафот этди.

Қатагон қурбонларининг қариндош-уруғларига аниқ маълумотлар берилмаган, балки атайин нотўғри хабарлар етказилган. Масалан, Усмон Носирнинг қариндошларига 1958 йил берилган хабарга кўра, уни 1952 йилда вафот этганлиги айтилади[118]. Ваҳоланки, кейинчалик Усмон Носир 1944 йилда вафот этганлиги аниқланди. Бундай ҳолатни қатағон жабрини тортганлардан бири наманганлик Алихон Халилбеков ҳикоялари ҳам тасдиқлайди. Унинг отаси А.Халилбеков (1893-1938 йй.)ни 1938 йил 11 январь кечаси қамоққа олишган. Суриштирилганда, хат олди-берди қилмайдиган қилиб 10 йил қамоқ жазоси берилганлигини айтилади. 10 йилдан сўнг, яна 10 йил қўшилган, деган жавобни қайтаришади. Ваҳоланки, А.Халилбеков 1938 йилнинг 5 мартида отиб юборилган эди[119].

Қатагон қурбонларининг аксарияти судсиз-сўроқсиз ёҳуд мавҳум айблар, турли тамғалар ҳамда «учлик» қарори билан отиб ташланди. Буни архивда сақланаётган айрим шахсларга тегишли айблов ва оқлов ҳукмларига оид ҳужжатлардан ҳам кўриш мумкин. Масалан, 1869 йилда Чустда туғилган Муҳаммадшариф Сўфизода бойнинг ўғли деб кўрсатилгани ҳолда аслида

---

[116] *Носиров О.* Номи ўчмайди //Наманган ҳақиқати.-2000.-8 январь.

[117] *Воҳидова К.А.* Исхакхан Жунайдуллаходжа Ибрат и его научно-историческое наследие.-Автореф. дис. ... канд. ист. наук.-Ташкент, 2002.-28с.

[118] *Обидов А.* Энг ёрқин хотира //Наманган ҳақиқати.-1993.-6 июль.; Усмонов И. Қатағон қурбонлари. - Т.: Ўқитувчи,1992. - Б.191-202.

[119] *Ахборотчи:* А. Халилбеков. 81 ёш, НамДУ доценти. Наманган шаҳридан. Изоҳ: мазкур маълумот 2007 йилда тайёрланган.

оддий ҳунармандннинг ўғли бўлган. У «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилотнинг аъзоси, чет давлат разведкаси томонидан СССРга юборилган, аксилинқилобий топшириқларни бажарган, деган айблов билан 1937 йил 8 май куни қамоққа олинган. НКВДнинг учлик комиссияси томонидан 1937 йил 17 август куни отиб ўлдиришга ҳукм қилинган»[120].

Мулла Эргаш Шомансуров ҳам Чуст шаҳрида 1890 йилда туғилган. 1928 йил ВКП (б) сафларидан ўчирилган, «қулоқ»нинг ўғли. 1929 йилда судланган ва Советларга қарши деган айблов билан 3 йилга қамалган. Охирги иш жойи Учқўргон туман ички савдо ташкилоти бўлиб, 1937 йил 9 май куни ҳибсга олинган. «Миллий иттиҳод» ташкилотининг аъзоси, босмачиларни қўллаб-қувватлаган, деган айблов билан НКВД учлик қарорига асосан 1937 йил 17 августда отишга ҳукм қилинган.

Наманган вилоят судининг 1958 йил 26 декабрдаги қарори билан ЎзССР НКВДси учлик комиссиясининг 1937 йил 17 августдаги М.Сўфизода ва Э.Шомансуровга нисбатан чиқарилган айблови тасдиқланмагани учун бекор қилиниб, улар ўлимидан сўнг оқланди[121].

Наманганлик Муҳиддин Шоҳимардонов 1937 йилда НКВД учлиги томонидан 10 йилга қамалган. М.Шоҳимардонов 1942 йилнинг декабрида турмада оғир касалликдан сўнг вафот этди. М.Шоҳимардонов ЎзССР олий суди жиноий ишлар бўйича судлов коллегиясининг 1958 йил 27 июнидаги қарори билан ўлимидан сўнг оқланди[122].

Чустлик Шоғафур Шомансуров 1937 йил НКВД учлик қарори билан 8 йилга қамалди. Россиянинг Ярославль вилоятига сургун қилинган. 1943 йилнинг майида қайтиб келди ва шу йилнинг ноябрида вафот этди. Ўзбекистон ССР Олий судининг 1957 йил 31 декабридаги қарори билан ўлимидан сўнг оқланди[123].

---

[120] НВДА, Чуст тумани филиали, 222-фонд, 1-рўйхат, 419-иш, 30-варақ.
[121] НВДА, Чуст туман филиали, 222-фонд, 1-рўйхат, 419-иш, 30-варақ.
[122] НВДА, 267-фонд, 1-рўйхат, 111-иш, 44-52 варақлар.
[123] НВДА, Чуст туман филиали, 222-фонд, 1-рўйхат, 419-иш, 29 варақ.

1937-1953 йилларда Ўзбекистон бўйича қарийб 100 000 киши қатағонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланди[124] . Мустақилликнинг дастлабки йилида қатағон этилганлар ишини қайта кўриш жараёнида наманганлик 900 нафар кишининг номлари ҳам оқланди[125] .

Шундай қилиб, XX аср 30-йилларининг охирларига келиб, бутун Ўзбекистонда бўлганидек, Наманганда ҳам мухолифатчилик ҳаракати, демократик кайфиятдаги кучлар тўлиқ йўқ қилинди. Жамият ҳаётининг барча соҳалари янги тузум манфаатларига бўйсундирилди. Хўжалик тизими эса социалистик андозалар асосида ташкил этилди.

СССР Олий совети Президиумининг фармонига мувофиқ, 1941 йилнинг 6 мартида Ўзбекистон ССР таркибида Наманган области ташкил этилди. Зокиржон Сатторов раислигида Ўзбекистон ССР Олий Советининг ташкилий комитети тузилди. Шу куниёқ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Наманган области бўйича Каримжон Муқимбоев бошчилигида ташкилий бюроси иш бошлади. Мазкур бюро ва комитет олдига вилоятда партия, совет, комсомол ва хўжалик органлари фаолиятини шакллантириш, унга раҳбарлик қилишнинг йўлларини белгилаш вазифалари қўйилди[126] .

Юқоридагиларга хулоса сифатида шуни қайд этиш мумкинки, 1917 йил февраль инқилобидан кейинги демократик ўзгаришлар жараёнида Наманганда ҳам маҳаллий миллат вакилларининг турли жамият ва ташкилотлари тузилди. «Фарғона саҳифаси», «Ишчилар қалқони», «Эркинлик» каби газета-журналлар нашр этила бошланди. Наманганда театр санъатига XX асрнинг 10-йилларида асос солинган бўлса-да, совет даврида унга коммунистик тарғибот воситаси сифатида эътибор қаратилди.

---

[124] *Каримов И.А.* «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқи // Халқ сўзи.-2000.-13 май.

[125] Наманган ҳақиқати.-1991.-19 март.

[126] НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 103-иш, 3-варақ.

Бутун Туркистонда бўлгани каби Наманган вилояти ҳудудида ҳам совет ҳокимияти зўрлик йўли билан ўрнатилди. Жамият ҳаётининг барча жабҳалари коммунистик мафкурага бўйсундирилди. Туркистон Мухторияти тугатилгач, большевистик режимнинг зўравонлигига қарши уезд ҳудудида Омон полвон, Раҳмонқул каби қуролли қаршилик ҳаракати гуруҳлари фаолият юритди.

20-йилларнинг охирларига келиб, бу ерларда қуролли мухолифат деярли тугатилди. Совет ҳокимияти сиёсий тузум сифатида мустаҳкамланди. Бутун мамлакат ҳаёти ҳар жабҳада коммунистик ғояларга бўйсундирилди. Хўжалик соҳасида янгича иқтисодий муносабатлар тизими ишлаб чиқилди, коммунистик «ислоҳотлар» даври бошланди.

XX аср 20-йиллари охирларидан эътиборан, қишлоқда деҳқон хўжаликларига нисбатан зўравонлик сиёсати олиб борила бошланди. Ёппасига жамоалаштириш, қулоқлаштириш авж олдирилди ва кўплаб кишилар қулоқ сифатида ўз ватанларидан узоқ ўлкаларга сургун қилиндилар. қулоқ ва бойларнинг тугатилиши натижасида уларнинг мол-мулклари туманларда янги ташкил топаётган жамоа хўжаликларига берилди. Мажбурий жамоалаштиришга қарши деҳқонларнинг ҳар қандай чиқишлари зўрлик билан бостирилди.

Оммавий қатағонлар даврида кўплаб наманганлик ватанпарварлар асоссиз бадном этилдилар.

30-йиллар сўнгида вилоят ҳудудида совет ҳокимияти ҳар жиҳатдан мустаҳкамланди. Демократиянинг ҳар қандай кўриниши барҳам топди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари инкор этилди.

## НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ВА ТУРҒУНЛИК ЙИЛЛАРИДА

### *Уруш ва ундан кейинги йиллардаги иқтисодий ва ижтимоий ҳолат*

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқи фашизмга қарши кураш олиб бораётган бошқа халқлар билан бир қаторда туриб, ғалабани таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Бу даврда барча ўзбекистонликлар қатори наманганликлар ҳам бор имкониятларини фашизм устидан қозониладиган ғалаба учун сафарбар этдилар.

Вилоят тасарруфидаги шаҳар-қишлоқларда мудофаа ҳамда сафарбарликка бағишланган кўплаб митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтди. Жумладан, Наманган вилояти меҳнаткашларининг Алишер Навоий номли театр ёзги биносида 1941 йил 24 июндаги бўлган митингида 1200 киши иштирок этди. Митинг иштирокчиларидан бир неча киши мажлис ҳайъатига ўзларини ихтиёрий равишда фронтга сафарбар қилинишини сўраб аризаларини топширдилар. 1941 йилнинг ўзида 267 наманганлик ёшлар вилоят ҳарбий комиссариатига ариза билан мурожаат қилиб, кўнгилли равишда фронтга жўнаб кетдилар[127].

Айни пайтда халқ хўжалигини ҳарбий изга кўчириш бошлаб юборилди. Урушнинг биринчи кунларидан саноатни фронт манфаатларига мослаб маҳаллий хомашёдан маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайтирилди. Туманларда 12 артель ва 3 та саноат комбинати ташкил этилди[128]. Намангандаги 3-4 пахта тозалаш заводи жамоаси 1941 йил ўз вазифасини 132,5 % бажариб, 1400 тонна қўшимча пахта толаси ишлаб чиқарди[129].

---

[127] *Ғаффоров Ф.* Наманган меҳнаткашлари Иккинчи жаҳон уруши йилларида // Жамият тараққиёти ва ижтимоий фанлар: Наманган давлат университетида 1995 йил 27-28 апрелда бўлиб ўтган илмий конференция материаллари. - Наманган: 1996. - Б.143

[128] НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 116-иш, 1-варақ.

[129] *Ғаффоров Ф.* Наманган меҳнаткашлари Иккинчи жаҳон ...Б.149

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ наманганликлар мудофаа жамғармалари ташкил этиш ва фронтга моддий ёрдам беришда фаол иштирок этдилар.

1941 йили Наманган шаҳар «Янги турмуш» артели аъзолари 12 минг сўм, қўшимча равишда фуқаролардан 5100 сўм мудофаа фондига топширдилар[130]. Ўз К(б)Пнинг Наманган вилояти ташкилот бюроси 1941 йил 11 октябрда ёшлар якшанбаликларини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. 7 ноябрга қадар ўтказилган уч якшанбаликда 136248 нафар йигит-қиз қатнашди. Улар шу кунлари ишлаб чиқаришларда ва пахта далаларида фидокорлик билан ишлаб, мудофаа фондига 369350 сўм пул ўтказдилар[131].

1941 йил Чуст шаҳар Н.К.Крупская номли мактаб ўқитувчиларидан 23 киши ҳар ойлик маошларининг бир кунлигини то уруш тугагунга қадар мудофаа фонди учун ажратдилар. Мактаб ўқувчилари ташаббуси билан эса фронтга посилкалар юборилди[132].

1941 йил вилоятда фронт учун 4974 та пахталик фуфайка, 2369 та пахталик шим, кўп миқдорда жун, тери ва бошқа маҳсулотлар тўпланди[133].

Вилоят меҳнаткашлари фронтга моддий ёрдам беришда алоҳида намуна кўрсатдилар. Мудофаа фонди ҳисобига тушаётган маблағ миқдори кундан-кунга ортиб борди. 1942 йил 22 июнигача вилоят меҳнаткашлари мудофаа фондига 1 миллион 41 минг сўм пул топширдилар[134]. 1942 йил ҳаракатдаги армияга 711 минг сўм маблағ юборилди. 1942 йил январда Наманган темир йўл станциясида фронтга вилоятдан тўпланган 7 вагон озиқ-овқат, кийим-кечакни жўнатишга бағишланган кўп минг кишилик митинг бўлиб ўтди. Наманганликларнинг ушбу совғаси 5 кишидан иборат комиссия томонидан Москвага етказиб берилган.

---

[130] НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 116-иш, 1-варақ.

[131] НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 116-иш, Б.3.

[132] *Санақулов Х.* Чуст.-Тошкент: 1992. - Б.23.

[133] НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 116-иш, Б.4-5.

[134] *Ғаффоров Ф.* Наманган меҳнаткашлари Иккинчи жаҳон...Б.149

Наманганликлар душман босиб олган шаҳар ва қишлоқлардан кўчириб келтирилган кўплаб саноат корхоналари, болалар уйлари, касалхона ва госпиталларни ўн минглаб кишилари билан қабул қилдилар. 1941 йилнинг ноябрида Москва вилоятининг Истра туманидаги 1903-госпитал Поп қишлоғига жойлаштирилди. Бир қатор хўжаликлар, ташкилот ва муассасалар уни ўз оталиқларига олишди, ярадорларни кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминлаб турдилар. Уруш йилларида вилоятга шундай госпиталлардан 19 таси кўчириб келтирилди[135] .

1941 йил Наманган вилоятига Украина, Белоруссия ва Болтиқбўйи республикаларидан эвакуация қилинган 19 минг кишининг 1674 нафари вилоят ижроия қўмитаси қарорига асосан иш билан таъмин этилди. Боқувчисиз қолганлардан 1780 кишига ҳар ойда нафақа бериб турилди. Наманган туманининг Куйбишев номли жамоа хўжалиги ҳудудида поляк етимлари учун «болалар уйи» ташкил этилди[136] .

Наманганликлар етим болаларни ўз фарзандларидек кутиб олиб, юксак меҳрибонлик ва ғамхўрлик кўрсатдилар. 1942 йилнинг январь ойида 10 та болалар уйи очилди. Қисқа муддат ичида Наманган шаҳридаги 3-пахта заводи, пилла заводи ёшлари 300 бола учун иссиқ кийимлар тўплашди. Шаҳар саноат моллари идораси ва 31-тўлиқсиз ўрта мактаб ёшлари 1150 сўмдан, Тўрақўрғон туманидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги ёшлари 300 сўм пул ажратдилар[137] .

Ушбу йилларда жамоа хўжаликларида фронт учун қўшимча тарзда «мудофаа гектари»[138] экиш кенг тус олди. Тўрақўрғон тумани жамоа хўжаликлари биринчи бўлиб 10 гектар «мудофаа гектари» экдилар. Мазкур

---

[135] *Ғаффоров Ф.* Наманган меҳнаткашлари Иккинчи жаҳон...Б.147.149.

[136] НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 116-иш, 7-варақ.

[137] НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 116-иш, 5-варақ.

[138] Уруш йилларида қишлоқ меҳнаткашлари икки хил кўринишда «мудофаа гектарлари» экканлар: 1.Бевосита фронтни маҳсулот билан таъминлаш учун экилган; 2.Озод этилган ҳудудлар аҳолисига моддий ёрдам тариқасида экилган.

ерларда етиштирилган ҳосил тўлалигича фронтга жўнатилди. Вилоят меҳнаткашлари 1942 йилда фронт учун 132,3 гектар «мудофаа гектари» экдилар. Шунингдек, фронт учун 9 та сигир, 64 та қўй, 21 та эчки, 9 та товуқ, 3580 кг дон, 282 кг гуруч, 136837 сўм пул жўнатилди. 1942 йилнинг 3 июнида вилоят бўйича ленинградлик болалар учун 35 минг сўм пул, 500 кг қуруқ мева, 150 кг гуруч, бир неча кг буғдой, маккажўхори ва пахта ёғи тўпланди.

Вилоятдан 1942 йил октябрь ойининг ўзида фронтдаги жангчиларга 1620 кг гуруч, 5201 кг қуруқ мева, 8059 кг ёнғоқ, 426 кг асал, 13570 кг ҳўл мева, 87 бош қўй-эчки, 157 та товуқ, 6070 кг сабзавот, 470 кг қурут, 2774 кг дон, 60556 сўм пул, 10 кг жун, 5 та тери жўнатилди. Вилоятда 1943 йили танк ва самолётлар қуриш учун 45 миллион сўмдан кўпроқ маблағ тўпланди. 1943 йил 7 июнь иккинчи давлат ҳарбий заёмига ёзилиш вилоят бўйича 31 млн. 93 минг сўмни ташкил этди[139].

Наманганданги «Беш йиллик» артелининг ҳунармандлари 1944 йилнинг 3 сентябрь дам олиш кунини иш куни деб эълон қилишди. Шу кунги иш ҳақлари - 12 минг сўмни артелдаги «Кўп болали оналарга ёрдам фонди»га тақдим этдилар. Ҳаракатдаги армияни қуролярог ва ҳарбий техника билан таъминлаш мақсадида маблағ йиғиш ишлари давом этди. Шу мақсадда 1944 йилнинг декабрида танк колоннаси ва авиаэскадрилья қуриш учун 665116 сўм маблағ тўпланди[140].

Кўплаб фуқаролар ушбу йилларда ўз шахсий жамғармаларини ҳам мудофаа фондига ўтказдилар. Масалан, «Наманган колхозчиси» танк колоннасини қуриш учун 74 миллион сўм, «Ўзбекистон колхозчиси» авиаэскадрильяси тузиш учун 38 миллион сўм маблағ йиғилди[141].

Фашист босқинчиларидан озод этилган жамоа хўжаликларига ёрдам сифатида «мудофа гектарлари» экиш

---

[139] НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 116-иш, 11-18-варақлар.

[140] НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 116-иш, 23-24-варақлар.

[141] *Ҳакимов Б.* Юксалиш довонлари //Наманган ҳақиқати.-1991.-2 апрель.

ва уларга ҳар томонлама ёрдам бериш кенг тус олди. 1943 йилнинг 21 февралида Наманган тумани Сталин номли жамоа хўжалиги аъзолари озод бўлган ҳудудлар хўжаликларини тиклаб олишлари учун ёрдам тариқасида 2 та от, 2 та ҳўкиз, 8 та қўй, 2 та сигир, 1000 килограмм ғалла 10 та кровать, 8 та стол, 4 та самовар, 40 жуфт иссиқ кийим, 10 жуфт ботинка, 10 та тўшак, 8 та сочиқ, 10 та хотинлар кўйлаги, 5 та плуг, 2 та молателка, 2 та мола ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари учун эҳтиёт қисмлар, ҳамда ҳар-хил уй-рўзғор идишлар юборганлар. 1943 йил 3 июнь Наманган вилояти туманларида озод этилган Қабардин-Болқар меҳнаткашларига китоб тўплаш ташкил этилди. Вилоят кутубхоналари жамғармаларидан 4725 та китоб тўпланди. 1943 йилнинг 26 августида Харьков меҳнаткашларига юбориш учун 300 бош қўй, 40 бош қора мол, 3,5 мингдан ортиқ бош, оёқ кийим йиғилди. 1943 йилда Наманган вилоятидан Украина ва Ставрополь вилоятининг озод қилинган туманларига 105 та трактор ва 105 та плуг ҳамда малакали механизаторлардан 155 кишини жўнатишга қарор қилинди. Вилоятдан биргина 1942 йилнинг ўзида армия сафига 35 нафар аёл сафарбар қилинди. Улар орасида М.Исмоилова, Р.Зокирова, А.Запевало, В.Лазерева ва бошқалар бор эдилар[142] .

Жанг майдонларида кўплаб наманганликлар жасорат намуналарини кўрсатдилар. 1943 йил 22 август Наманган туманидан колхозчи З.Дадабоев командирлик қилган бўлинма аҳоли яшайдиган муҳим пунктдан душманни суриб чиқарди ва бу жасорати учун у «Қизил Байроқ» ордени билан мукофотланди. 1943 йил 27 сентябрь Уйчи тумани Ўнҳаёт қишлоқ кенгашидаги Ворошилов номли жамоа хўжалигида гвардиячи капитан М.Жабборовнинг қаҳрамонлигига бағишланган митинг бўлиб ўтди[143] . Қаҳрамонлиги учун гвардиячи капитан М.Жабборов «Александр Невский», «Қизил

[142] НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 116-иш, 7-18-варақлар.

[143] *Ўша жойда,* 15-18-варақлар.

Юлдуз» орденлари, «Жасурлиги учун» ва «Сталинград мудофаачиси» медаллари билан мукофотланган эди. Митинг охирида ҳамқишлоқлари М.Жабборовга мактуб йўлладилар[144] .

1943 йил 17 декабрь «Сталин хақиқати» газетасида уйчилик Қ.Мусабоевнинг жанг майдонидаги қаҳрамонлиги тўғрисида фронтдан келган хат босилди. Унда айтилишича, Днепр дарёсидан кечиб ўтиш арафасида Қ.Мусабоев мардлик намуналарини кўрсатди. У ўзининг жасоратлари туфайли «Қизил Юлдуз» ордени билан мукофотланди. Қораполвон қишлоғидан А.Нуронов 1944 йилнинг октябрида Ригани озод қилишдаги жангларда ҳақиқий қаҳрамонлик намунасини кўрсатиб, жангларда 110 та фашистни ер тишлатди. Шу туфайли пулемётчи А.Нуронов «Жасурлиги учун» медали билан тақдирланди[145] .

Уруш йилларида ҳарбий қисм қўмондонлиги лавозимларида фаолият юритган наманганлик зобитлардан бири Ф.Норхўжаев эди. У 1911 йилда Чустда таваллуд топди. Бухородаги бир йиллик ҳарбий мактабни муваффақиятли тамомлагач, Тошкентдаги ҳарбий билим юртида таълим олди. Уруш даврида қизил байроқли Туркистон ҳарбий округида командир ўринбосари бўлди. Генерал-лейтенант Файзулла Норхўжаев полк штабининг бошлиғи, полк ва бригада командири вазифаларида хизмат қилиб, ғалабага ўз ҳиссасини қўшди[146] .

Шундай қилиб, 1941-1945 йилларда Наманган вилоятидан фронтга 79 мингдан ортиқ киши сафарбар қилинди. Улардан 24 минг киши уруш жанггоҳларида, ҳарбий госпиталларда ва фашистларнинг концентрацион лагерларида вафот этди ёки бедарак йўқолдилар. 23 минг наманганликлар жанговар орден ва медаллар билан мукофотландилар. С.Адашев, Н.Мингбоев, А.Раҳимов, Б.А.Ивановский, М.Фаёзов, Ф.Йўлдошевлар Совет Ит-

---

[144] НВДА, 796-фонд, 1-руйхат, 116-иш, 19-варақ.

[145] *Ўша жойда,* 20-24-варақлар.

[146] *Ғаффоров Ф.* Наманган меҳнаткашлари Иккинчи жаҳон...Б.143.

тифоқи қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар. Ғ.Валиев, Х.Жалолов, С.Абдураҳмоновлар «Шуҳрат» орденининг тўла нишондори бўлдилар[147]. Урушда жасорат кўрсатган наманганликлар хотирасини абадийлаштириш мақсадида Наманган шаҳрида мустақиллик йилларида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан «Ғалаба хиёбони» барпо этилиб, мармар тошлардан ёдгорлик тикланди[148].

Уруш йилларида фронт яқинидаги саноат корхоналари тинч туманларга кўчирила бошланди. Наманганда Митишидан кўчириб келтирилган сунъий ипак (вискоза) заводи ишга туширилди. 1943 йилнинг декабрь ойида 2-цех дастлабки маҳсулотни бера бошлади[149].

1942 йил ноябрида Давлат Мудофаа қўмитаси «Ўзбекистон ССРда 5 та гидроэлектростанция қуриш ҳақида» қарор қабул қилди. Республикани электрлаштириш учун бошланган умумхалқ қурилишида вилоят меҳнаткашлари ҳам фаоллик билан меҳнат қилишди, бу қурилишларда 9500 киши қатнашди. Чуст туманидан Фарҳод ГЭСи қурилишига борган М.Мўйдинов гуруҳи кунлик топшириқларни 700-800 фоизга бажардилар. 24 кишилик, М.Устабоев бош бўлган гуруҳ эса кунлик вазифаларини 500-600 фоизга етказиб бажаришди. 1943 йилнинг март ойида Фарҳод ГЭСи қурилишининг Чуст участкасидаги колхозчилар энг яхши кўрсаткичларга эришганликлари учун қурилишнинг кўчма «Қизил Байроғи»ни олиш шарафига муяссар бўлишди[150].

Наманган шаҳрида ҳам саноат корхоналарини ишлатиш учун электр қуввати етишмас эди. Шунинг учун 1943-1946 йилларда иккита гидроэлектростанция муддатидан илгари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Наманганликлар меҳнат фронтида ҳам жонбозлик кўрсатиб, мамлакатнинг турли туманларидаги қурилиш-

[147] НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 116-иш, 27-варақ.

[148] Ўзбекистон ҳудудлари мустақиллик йилларида /Тузувчилар: О.О.Олимжонов ва А.У.Баҳромов ва бошқ. - Т.: *Шарқ, 1996.* - Б.74.

[149] НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 116-иш, 1-варақ.

[150] *Нажмиддин Файзиддин ўгли, Муҳаммад Ҳаким.* Чуст...Б.108.

ларда мардонавор ишладилар. 1941-1942 йилларда Челябинск шаҳрида 500, Бекобод металлурғия заводида 300, Чирчиқ электрохимия комбинатида 400, Тошкент кўмир шахтасида 200, Чирчиқ алюмин эритиш заводида 300, Астрахань нефть базасида 600, Бўзсув электростанциясида 325, Фарҳод ГЭСи қурилишида 1679 киши самарали меҳнат қилдилар[151] .

Уруш даврида фронт ортидаги халқ хўжалик ишлари тўлиғича олиб борилди. Бу билан фронтни озиқ-овқат, қурол-яроғ, уст-бош билан таъминлаш ишига етарли ҳисса қўшилди. Биргина Фарҳод ГЭСи қурилишида 1943 йилнинг январ-ноябр ойларида чустликлардан 1655 кишилик 18 бригада қатнашди. Шулар орасида М.Саидова бошлиқ 30 нафар қиз-жувонлар ҳам бор эди. Ундан ташқари чустликлар Бекобод металлургия заводида ишлаш учун ёрдамга 60 киши юбордилар[152] .

Кўплаб эркакларнинг урушга кетганлиги боис, аёллардан раҳбар кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. Урушнинг биринчи кунлариданоқ фронтга кетган тракторчиларнинг ўринларида ишлаш учун илгариги тракторчи аёллардан Қ.Ғойиббоева, Мамадалиева, Бадалова каби 45 нафар қиз-жувон ишга қайтиб келган[153] . Урушнинг охирги йилларига келиб қишлоқ хўжалигининг ўзида 7 раис, 690 раис муовини, 1102 бригадир ва звено бошлиқлари аёллардан эди[154] .

1944 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш аввалги йилга нисбатан 22 миллион сўмга, пахта ҳосилини 41 минг тоннага кўпайтиришга эришилди[155] . Вилоятдаги жамоа хўжаликлари уруш йилларида 500 минг тоннадан зиёд пахта, 42 минг тонна ғалла етиштириб бердилар[156] .

---

[151] *Ғаффоров Ф.* Наманган меҳнаткашлари Иккинчи жаҳон...Б.149

[152] *Санақулов Х.* Чуст...Б.42-43.

[153] НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 116-иш, 2-варақ.

[154] *Ўша жойда,* 5-варақ.

[155] *Ҳакимов Б.* Юксалиш довонлари //Наманган ҳақиқати.-1991.-2 апрель.

[156] Янги марралар сари //Наманган ҳақиқати.-1991.-20 март.

Урушнинг ғалаба билан якунланишига маданият ходимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшдилар. Фарҳод ГЭСи барпо қилинишига бағишлаб Ҳотам Қирғиз ва Раззоқ Ҳамроев «Фарҳодчиларга» номли икки кўринишли инценировка тайёрладилар ва Наманган театри саҳнасига олиб чиқдилар[157] . Шунингдек, 1943 йилнинг 25 декабрида кўчириб келтирилган Шевченко номли Украина театрининг 25 йиллик юбилейи нишонланди[158] .

Шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам қишлоқ хўжалик ишлари асосан қўл меҳнатига асосланган бир шароитда амалга оширилар эди. Масалан, 1944 йилда қишлоқ хўжалигида ерларга 13396 та от билан ишлов берилгани ҳолда, тракторлар сони атиги 648 тани ташкил этарди холос.

Уруш йилларида ва ундан кейин ҳам пахта экин майдонларини кенгайтириш, пахтачиликка ихтисослашган колхозлар сонини кўпайтиришга асосий эътибор қаратилди. Агар 1944 йилда вилоятдаги жами колхозлар сони 513 та бўлган бўлса, шундан пахта етказиб берувчилари 478 тани ташкил этар эди[159] .

1944 йилда вилоят бўйича бюджет харажатлари айрим соҳаларда бажарилмай қолди. Масалан, халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш тизимида бу ҳол 81,9% ни ташкил эттан бўлса, ижтимоий таъминот соҳасида эса, 66,3% га бажарилди холос. Айни шу ўринда давлат аппаратини бошқариш бўйича бюджет харажатлари режаси 97,8% га бажарилди[160] . Бу шундан далолат берадики, совет жамиятида бюрократик-бошқарув тизимининг таъминоти доимо устувор аҳамиятга эга деб қаралган.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда вилоят аҳли учун ғоят огир бўлган иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга тўгри келган. Бунга қўшимча равишда республиканинг барча меҳнаткашлари қатори

---

[157] *Халилбеков А.* Суронли йиллар, армонли диллар //Наманган ҳақиқаги.- 2000.-14 октябрь.

[158] НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 116-иш, 20-варақ.

[159] НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 13-иш, 125-130-варақлар.

[160] НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 13-иш, 16-варақ.

наманганликлар ҳам урушдан зарар кўрган ҳудудларнинг тикланишига ёрдам беришлари лозим эди.

Урушдан кейинги йилларда саноат корхоналаридаги ишлаб чиқаришнинг асосий хусусияти, пахтачилик учун техника воситалари ишлаб чиқаришдан иборат бўлган бўлса, қишлоқ хўжалигидаги диққат-эътибор яна пахта экин майдонларини кенгайтиришга қаратилди. Агар вилоят боғдорчилик соҳасида XX аср 40-йиллари бошларида Республикада 1-ўринда турган бўлса, шу ўн йилликнинг охирларига бориб бу борада орқага кетиш кўзга ташланади[161] .

Иккинчи жаҳон уруши йилларида раҳбар кадрлардан 2850 таси урушга чақирилган бўлиб, уларнинг аксарияти урушдан қайтмади. Шу боис, урушдан кейинги йилларда раҳбар ходимларнинг кўпчилиги етарли даражадаги маълумотга эга эмас эди. 1948 йилда 482 колхоз раисидан 33 таси ўрта, 106 таси тўлиқсиз ўрта, 200 таси бошланғич маълумотга эга эди холос[162] .

Собиқ Иттифоқ ҳукуматининг Андижон, Наманган, Фарғона ва Сурхондарё вилоятларида пахтачиликни янада ривожлантириш масаласи юзасидан қабул қилган қарорини амалга ошириш мақсадида вилоятда ҳам пахта етиштиришга устувор масала сифатида қаралди. қарорда белгиланган вазифаларни бажариш мақсадида 1952 йилда Тўрақўрғон туманидан Марказий Фарғона чўл зоналарини ўзлаштириш учун 300 та хўжалик кўчирилди[163] . Ҳудди шу йили бу ерларда пахтачилик учун ихтисослашган Задарё (Ҳозирги Мингбулоқ-З.Ҳ.) тумани ташкил этилди[164] .

Чуст тумани тоғолдида жойлашган бўлиб, мутахассислар фикрича, пахтачиликка тўла мос келмайдиган ҳудуд ҳисобланади. Бироқ, совет даврида мазкур туман ҳам пахта етказиб берувчи плантацияга айланган туманлардан бири бўлиб қолди. Туманда 1931 йилда 5890

---

161 НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 13-иш, 80-варақ.
162 НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 102-иш, 11-варақ.
163 НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 773-иш, 13-варақ.
164 Янги марралар сари //Наманган ҳақиқати.-1991.-20 март.

гектар ерга пахта экилган бўлса, 1956 йилга келиб 11100 гектарга пахта экилди[165].

XX аср 60-йиллари иккинчи ярмидан 70-йилларининг ўрталарига қадар вилоятда пахта етиштириш соҳасида юксалиш кўзга ташланади. Чунончи, 1966-1969 йиллар оралиғида ҳосилдорликни ўртача йиллик ўсиши 12% ни ташкил этди[166]. Пахтачиликни ривожлантириш мақсадида 70-йилларда вилоятда кўплаб янги ерлар ўзлаштирилди. 1971 йилга келиб, вилоятдаги экин майдонларининг 71% ига пахта экилди ва шу йили давлатга 393000 тонна пахта хом ашёси етказиб берилди[167].

70-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб вилоят қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши даражаси пасая бошлади. 1977 йил Марказий Фарғонанинг Аччиққўл массивида 12000 гектардан зиёдроқ янги ерларни экишга тайёрлаш учун 60 млн. сўмдан зиёдроқ маблағ сарфланди. Лекин ерларнинг мелиоратив ҳолати яхши эмаслиги туфайли, ҳосилдорлик 6-7 центнердан ошмади[168]. Биргина 1978 йилнинг ўзида янги ерларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига экин майдонлари 2,1 минг гектарга кенгайтирилди[169].

Пахтачиликни ривожлантиришда экстенсив услубга ружу қўйилиши бир томондан, экологик муаммоларни келтириб чиқарган бўлса, иккинчи томондан давлат бюджетига катта зарар етказди.

Чорвачилик соҳасида эса 1977 йилнинг 11 ойлик режалари бажарилмай қолди. Бунинг асосий сабабларидан бири мазкур даврдаги мулкнинг ижтимоийлиги бўлиб, у кишиларда манфаатдорлик ҳиссини камайтирар эди. Биргина 1977 йили Чуст туманида 7,8, Поп туманида 6,2 минг бош майда шохли ҳайвонлар турли сабаблар билан нобуд бўлган[170].

---

[165] НВДА, Чуст туман филиали, 222-фонд, 1-рўйхат, 139-иш, 10-варақ.
[166] НВДА, 275-фонд, 6-рўйхат, 1851-иш, 18-варақ.
[167] *Асанов Г.Р.* Сельское расселение Наманганской области.- Т.: Фан, 1975. - С.44
[168] НВДА, 275-фонд, 6-рўйхат, 2336-иш, 12-варақ.
[169] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 12-иш, 207-варақ.
[170] НВДА, 275-фонд, 6-рўйхат, 2336-иш, 13-варақ.

1978 йилда янги ўзлаштирилган ерларнинг ҳосилдорлиги 7-8 центнердан ошмади. Бунинг сабаби, режадаги кўрсатилган ишларни тўла бажармасдан туриб, ерни экин режасига киритилгани бўлса, иккинчидан бундай ерларнинг ҳосилдорлигини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилмаётганлиги эди. Вилоятда ингичка толали пахта етказиб бериш ва узум етиштириш режаси сурункасига икки йил бажарилмади. Кўплаб туманларда дон, сабзавот, картошка, мева маҳсулотлари етиштириш режалари бажарилмади. Сут тайёрлаш режасини 17 та хўжалик, жун тайёрлашни 8 та хўжалик, гўшт тайёрлашни 20 та хўжалик ва тухум тайёрлашни 15 та хўжалик бажармади. 24 та хўжалик гўшт ишлаб чиқариш ҳажмини 1977 йилга нисбатан 417 тоннага камайтириб юборди. Айрим туман ва хўжаликларда қўй ва эчкилар сони 1977 йилга нисбатан камайиб кетди. Масалан, Задарё туманида қўйлар сони 1240 бошга, Янгиқўрғон туманида 900 бошга камайди[171].

Эришилган натижалар таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилмади. Аксинча, 1976-1984 йиллар оралигида пахтачилик учун 33,6 минг гектар, 1981-1983 йиллар мобайнида эса 11,8 минг гектар янги ерлар ўзлаштирилди. Ўзлаштирилган ерларнинг 2000 гектаридан мелиоратив ҳолати ёмонлиги туфайли фойдаланишга имконияти бўлмаган бўлса, 5000 гектар ердан ўртача 10-12 центнердан ҳосил олиш имкони бўлди холос. Ушбу ҳудудда тез-тез такрорланиб турадиган шамол эрозияси оқибатида ҳар йили 5-10 минг гектар пахта майдонини қайта экишга тўғри келди[172]. Бу ҳолатлар аҳолининг иқтисодий аҳволига ва вилоятдаги маблағталаб ижтимоий муаммоларни ҳал этилишига салбий таъсир кўрсатди.

Урушдан кейинги йилларда саноатнинг айрим соҳаларида силжишлар кўзга ташланди. Масалан, 1950 йилда вилоятда 34,6 минг киловатт соат электр қуввати

---

[171] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 12-иш, 210-варақ.

[172] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 201-иш, 42-варақ.

ишлаб чиқарилди, бу 1927-1928 йилларда Ўзбекистоннинг барча электр станциялари ишлаб чиқарган қувватдан бир ярим баравар кўп эди. Урушдан кейинги беш йил ичида трикотаж кийимлар ишлаб чиқариш 3,5, газламалар 2 баравар кўпайди[173]. Наманган вилояти ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришида саноат улуши 1950 йилда 1940 йилга нисбатан 50% га кўпайди. Эришилган ютуқларга қарамай Наманган Ўзбекистоннинг бошқа вилоятларидан нисбатан анча орқада қолди. Шу билан бирга, Наманган вилоятига Фарғона водийсининг Ўзбекистон қисмидаги саноат корхоналарининг 31 фоизи тўғри келгани ҳолда асосий фондларнинг 20 фоизи, ялпи маҳсулотнинг 18 фоизи ва саноатда банд ишчиларнинг 16 фоизи тўғри келди. Рақамлардан кўриниб турибдики, Наманган вилояти саноат тараққиёти жиҳатидан Андижон ва Фарғона вилоятларидан ҳам анча орқада қолди. Наманган вилояти ҳиссасига Ўзбекистон ялпи саноат маҳсулотининг 5 фоизигина тўғри келди[174] ва вилоятнинг аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда орқада қолишига сабаб бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1960 йил 25 январдаги фармонига кўра, Наманган вилояти тугатилди ва унинг ҳудуди Андижон ва Фарғона вилоятларига бўлиб берилди[175]. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1967 йил 18 декабрдаги фармонига кўра, республика таркибида Наманган вилояти яна қайта тикланди[176].

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг 1960 йил 25 январь фармонидаги вилоятни тугатишга бошқарув аппаратини такомиллаштириш, сарф-харажатларни камайтириш, халқ хўжалигини ривожлантириш мақсадлари асос қилиб олинган бўлса, вилоятни қайта

[173] НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 102-иш, 13-варақ.

[174] *Абдуллаев О.* Наманган вилояти. - Наманган: 1995. - Б.64.

[175] Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг фармони //Наманган ҳақиқати.- 1960.-27 январь.

[176] Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг фармони // Совет Ўзбекистони.- 1967.-19 декабрь.

ташкил этиш ҳақидаги 1967 йил 18 декабрь фармонига ҳам айнан халқ хўжалиги ва маданиятни ривожлантиришга раҳбарликни янада яхшилаш масаласи асос қилиб олинди.

Наманган вилоятини тугатиш ва қайта ташкил этиш тўғрисидаги мазкур фармонлар мазмунидан шу нарса маълум бўладики, совет даврида қабул қилинган кўплаб фармон, қарор ва ҳуқуқий ҳужжатларда номутаносиблик, сўз ва иш бирлигининг йўқлиги яққол намоён бўлади.

1970 йилдан бошлаб ишлаб чиқаришда фақат янги саноат корхоналарини барпо қилиш ҳисобига[177], яъни саноатда ҳам экстенсив усул туфайлигина силжишга эришилди.

1970 йилда баъзи саноат корхоналари анча кенгайди. Жумладан, Попда изол заводида 4 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва Чодакдаги тог қазилмалари комбинатида 165 минг тонна руда қазиб чиқарадиган янги қувватлар ишга туширилди[178]. Шунга қарамай, вилоятда IX (1970-1975) беш йиллик давомида саноатнинг муҳим тармоқлари барпо этилди: машинасозлик, электротехника, тог-кон бойитиш, химия, металлни қайта ишлаш кабилар шулар жумласидандир. Шу давр ичида енгил ва маҳаллий саноат шахобчалари кенгайтирилди, замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Шунингдек, йирик саноат корхоналари 150 дан ортиқ янги саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ўзлаштирдилар[179].

Бу даврдан эътиборан саноат ишлаб чиқаришида турғунлик ҳолатлари кўзга ташлана бошлади. қатор саноат корхоналари давлат режаларини бажармадилар. Вилоят бўйича саноат маҳсулотларининг ҳажми ва меҳнат унумдорлиги 1969 йилда 1968 йилга нисбатан камайиб кетди. Саноат маҳсулотларининг реализация режаси ҳам бажарилмади. Яъни, бу борадаги режа 94%

---

[177] *Абдуллаев О.* Наманган вилояти (табиати аҳолиси, хўжалиги). - Наманган: Наманган вилояти ҳокимиятиноширлик бўлими, 1995. - Б.64-67.

[178] НВДА, 275-фонд, 6-рўйхат, 1854-иш, 7-варақ.

[179] НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 2599-иш, 13,25-варақлар.

га бажарилди холос. Товар маҳсулотларининг таннархи 10 ой давомида 8741 минг сўмга қимматлаштириб юборилди. Асосий фондларни ишга тушириш режаси эса 48,1% га уддаланди холос.

Ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг сифати айрим ҳолларда давлат стандарти талабларига жавоб бермаган. Жумладан, 1975 йилнинг 11 ойи давомида 45 та саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 36 тури давлат меъёрий талабларига мутлақо жавоб бермаганлиги сабабли, вилоят бўйича жами 184 минг сўмлик маҳсулотлар яроқсиз деб эътироф этилган[180] .

Шу билан бирга қурилиш соҳасида турар-жой бинолари, мактаб, болалар муассасалари ва соғлиқни сақлаш биноларини қуриш ва фойдаланишга топшириш учун ажратилган маблағлар ёмон ўзлаштирилди. Масалан, вилоятда медицина муассасаларини қуриш ва кенгайтириш ишлари қониқарсиз бўлди. Қурилиш ишлари учун ажратилган 1 млн. 357 минг сўм маблағдан фақат 646 минг сўм ёки 47,6%, шу жумладан 1970 йилда қурилиш-монтаж ишлари учун 461,1 минг сўми ёки фақат 40,9% гина фойдаланилди[181] . 1969 йилда ишлаб чиқариш режаларининг бажарилмаслиги оқибатида бюджетга маблағ тушириш камайиб кетди. Масалан, 10-қурилиш тресети 530 минг сўм, 25-қурилиш тресети 181 минг сўм, ёғ заводлари 182 минг сўм, гўшт комбинати 133 минг сўм пулни бюджетга бера олмадилар[182] . Бунинг асосий сабаби, иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланганлиги, ишлаб чиқаришдаги ноаниқлик, молиявий кўрсаткичларни аниқ ҳисоб-китоб қилинмаганлиги, ишлаб чиқариш ва реализация борасида давлат яккаҳокимлигининг мавжудлиги эди. Ушбу ҳолатлар туфайли, 1970-1975 йиллар давомида режага нисбатан 66 миллион

---

[180] НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 2599-иш, 24-варақ.

[181] *Ўша жойда,* 20-варақ.

[182] НВДА, 275-фонд, 6-рўйхат, 1851-иш, 24-38-варақлар.

сўмлик асосий воситалар белгиланган муддатларда ишга туширилмай қолди. Шу давр ичида капитал қурилиш учун ажратилган маблағлардан 15,3 млн. сўми ўзлаштирилмай қолиб кетди. Ўтган беш йил ичида 3 млн. сўмдан ортиқ, 1975 йилнинг ўзидагина 1 млн. сўм капитал маблағ ўзлаштирилмай қолиб кетди. 1975 йилнинг 11 ойи мобайнида асосий фондларни ишга тушириш йиллик режаси 50% га бажарилди холос. Бу даврда режага нисбатан 10 млн. сўм капитал маблағ ўзлаштирилмади. 12 минг квадрат метр уй-жой, 1820 ўринли мактаб, 700 ўринли болалар муассасалари ва кўплаб маданий-маиший ва ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилмади.

Наманган вилоятида 1977 йилга келганда саноатнинг 20 та тармоғига мансуб 78 та саноат корхонаси мавжуд бўлиб, шу йилда улар томонидан 1,5 млн. сўмлик саноат маҳсулоти кам ишлаб чиқарилди. 16 та саноат корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1976 йилга нисбатан қарийб 21,4 млндан зиёд сўмга камайиб кетди, 11 та корхонада меҳнат унумдорлиги пасайди. Натижада, меҳнат унумдорлиги 1976 йилга нисбатан 99,6% ни ташкил этди[183] .

1978 йилнинг 11 ойи давомида асосий фондларни ишга тушириш режаси 74%га бажарилди. Химия заводида 630 минг сўмлик асосий фондларни ишга тушириш лозим бўлгани ҳолда, атиги 30 минг сўм ўзлаштирилди. Уй-жой қурилиши режаси эса фақатгина 71% га бажарилди[184] . Бундай аҳвол бошқа корхоналарда ҳам мавжуд эди.

Вилоят саноати бошдан кечираётган турғунлик ҳолатлари 80-йилларда ҳам давом этди. Масалан, 1980 йилда 4 та корхона саноат маҳсулотларини реализация қилиш 10 ойлик режасини уддалай олмаганлиги сабабли, 5 млн. сўмлик маҳсулот реализация қилинмай қолди. 7 та корхона маҳсулот ишлаб чиқариш режасини

---

[183] НВДА, 275-фонд, 6-рўйхат, 2336-иш, 4-5-варақлар.

[184] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 12-иш, 206-варақ.

бажармаганлиги натижасида 8,7 млн. сўмлик маҳсулот кам тайёрлади. 18 та корхонада ишлаб чиқариш ҳажми, 23 та корхонада эса 1979 йилнинг шу даврига нисбатан меҳнат унумдорлиги даражаси пасайиб кетди. Асосий фондларни ишга тушириш бўйича 1980 йилга белгиланган режа атиги 58% га бажарилди[185].

1983 йилда вилоятдаги 7 та корхона 11 млн сўмлик маҳсулот реализация қилиш режасини, 9 та корхона 21 млн. сўм ишлаб чиқариш режасини бажара олмади. 1983 йилда 16 та корхонанинг фондлар самарадорлиги 1982 йилга нисбатан камайиб кетди. Машинасозлик заводи, «Узэлектротерм» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош заводи, «Загот-хлопкопром», «Облсельхозтехника» корхоналарида иш ҳақи фондининг бир сўмига 30-50 тийинлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. Вилоят бўйича эса бу кўрсаткич 1 сўм 40 тийинни ташкил этган эди[186]. 1984 йили 12 та корхона маҳсулот реализацияси режасини бажармади[187]. Бу эса катта ҳажмдаги айланма маблағнинг банд бўлиб қолишига асосий сабаб бўлди.

1985 йили 11 та корхона халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш режаларини уддаламадилар[188]. Ишлаб чиқарилаётган молларнинг сифати давр талабидан ортда қолди. 1986 йилнинг 1-чорагида давлат стандарти назорат лабораторияси томонидан Чуст бадиий буюмлар фабрикаси ва Тўрақўрғон темир-бетон буюмлари заводида текширилган маҳсулотларнинг 50, ҳаттоки 100%и сифатсиз деб топилди. Масалан, 1989 йил бошидан буён тикувчилик бирлашмасининг 36,5 минг дона эркаклар кўйлаги, шойи тўқиш бирлашмасининг 124,2 минг погон-метр газламаси, Чортоқ тикув-трикотаж фабрикаси ва пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг кўплаб маҳсулотлари сифатсизлиги учун сотувга чиқарилмади[189].

---

[185] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 27-иш, 37-38-варақлар.
[186] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 200-иш, 31,37,38-варақлар.
[187] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 205-иш, 63-варақ.
[188] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 429-иш, 24-варақ.
[189] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 686-иш, 3-варақ.

1986 йил вилоятда фойдаланишга топширилиш муддати ўтиб кетган, лойиҳа қиймати 94,6 миллион сўмни ташкил этадиган 20 дан ортиқ объект бор эди. 1985 йилда вилоят бўйича асосий фондларни ишга тушириш режаси 32 миллион сўмга бажарилмай қолди[190].

1987-1989 йилларда заводларнинг техникавий жиҳатдан эскирганлиги, кадрлар қўнимсизлиги сабабли саноат ишлаб чиқаришида меҳнат унумдорлиги 57% га пасайди[191]. 1989 йилда вилоятга четдан 120 хилдаги товарлар келтирилган бўлса, шуларнинг 40 хилини вилоятда ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд эди[192].

XX аср 80-йилларининг ўрталарида аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш бўйича қатор ижобий ишлар ҳам амалга оширилди. Касалхоналардаги ўринлар сони кўпайди, янги медицина билим юртлари очилди. Масалан, 1984 йилда 43 та оиланинг уйи таъмирдан чиқарилди, 644 та нафақахўр санатория ва дам олиш уйларига бепул йўлланмалар олдилар. 142 та уруш ва меҳнат ногиронларига бепул ва имтиёзли транспорт воситалари ажратилди[193]. Бироқ, бу кўрсаткичлар аҳолининг умумий салмоғига нисбатан таҳлил этилганда унчалик катта рақамларни ташкил этмас эди.

Жамиятда ўз ечимини топа олмаётган ижтимоий муаммолар табиийки, вилоятда жиноятчиликнинг айрим кўринишларини ортишига сабаб бўлди. Масалан, 1969 йил вилоят бўйича 1454 киши жиноят содир қилган бўлса, улардан 1194 таси жиноий жавобгарликка тортилган ва 243 таси жамоатчилик тарбиясига берилиб, жиноий жавобгарликдан озод этилди. Меҳнатга қобилиятли, аммо ҳеч қаерда ишламайдиган жиноят содир этганлар 306 кишини ташкил этди. 1969 йил вилоятда жиноятчилик 13,3 %га кўпайди. Наманган туманида умумий жиноятчилик 63,5% га, Чуст туманида 17,8%, Поп туманида 16,1% га ошди[194].

---

[190] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 429-иш, 25,28-варақлар.
[191] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 686-иш, 1-варақ.
[192] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 686-иш, 12-варақ.
[193] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 205-иш, 79-80-варақлар.
[194] НВДА, 275-фонд, 6-рўйхат, 1852-иш, 8-9-варақлар.

1970 йилда жиноятчиликнинг ҳамма турлари 1969 йилга нисбатан ўсган бўлиб, жиноятлар 26,7%, оғир кўринишдаги жиноятлар 24,2%, ёшлар ўртасидаги мулкни талон-тарож қилиш каби жиноятлар 16% га кўпайди[195] .

Ушбу даврда янги ўзлаштирилган ерларга аҳолини кўчириш ҳисобидан мавжуд ижтимоий муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қилинди. Масалан, 1969-1970 йилларда вилоят ичидаги совхозларга 199 та хўжалик, Сирдарё вилоятига эса 98 хўжалик кўчирилган[196] .

XX аср 70-йилларида вилоятда шаҳар аҳолиси сонининг кўпайиши кузатилади. Шаҳар аҳолиси салмоғининг ортиб бориши кўплаб аҳоли пунктларига шаҳар мақомининг берилиши билан боғлиқ эди. Масалан, 1969 йил Учқўргон ва Чустга, 1973 йил Косонсойга, 1974 йил Ҳаққулободга, 1976 ва 1979 йиллари тегишли равишда Чортоқ ҳамда Тўрақўрғон аҳоли пунктларига, 1980 йил Попга шаҳар мақоми берилди[197] .

Урушдан кейинги йилларда аҳолига тиббиёт хизматини кўрсатиш паст даражада қолди. 1951 йил вилоятда 197 врач бўлиб, булардан 74 таси қишлоқда ишлар эди. 50-йилларда аҳолининг сил касали билан хасталаниши кўпайди. Бунга асосий сабаб касалликка қарши тадбирларнинг етарли даражада олиб борилмаганлиги эди. Мазкур йилларда силга қарши бутун тадбирлар фақат битта сил диспансери орқали олиб борилдики, бу талабга сира жавоб бермас эди. 1951 йилги маълумотларга кўра вилоятда санитария талабига жавоб бера оладиган фақат 1 тагина ҳаммом бор эди холос. XX аср 50-йилларида вилоятда ичак касалликларига йўлиқиш кўпайди. Бунинг сабаби санитария ҳолатининг аҳоли яшайдиган пунктларда яхши эмаслиги, медицина хизматининг қониқарли йўлга қўйилмагани, вилоятда тоза ичимлик сув тармоғининг бўлмаганлиги, Наманган

---

195 НВДА, 275-фонд, 6-рўйхат, 2597-иш, 200-варақ.
196 НВДА, 275-фонд, 6-рўйхат, 1854-иш, 2-3-варақлар.
197 *Абдуллаев О.* Наманган вилояти...Б.51.

шаҳрида аҳолининг зич бўлиб яшаши, овқатланиш корхоналаридаги тозаликнинг яхши эмаслиги эди[198].

1951 йилга келиб, Наманган вилоятида болалар касали ҳам анча кўпайди. Бу айниқса, Наманган шаҳрида юқори даражада эди. Қишлоқ совети ва жамоа хўжаликлари ҳузуридаги кўпчилик тиббиёт бинолари талабга жавоб бермас ва сифатли тиббиёт хизмати кўрсатишни таъминлай олмас эди. Ҳатто баъзи жойларда, масалан: Поп туман Чодак қишлоқ советидаги медицина пунктида, Уйчи туманидаги Андреев номли ва Каганович номли колхозларда бир уйда фельдшер ўзи яшаб, касални ҳам шу уйда қабул қилар эди[199] .

Поп туманида эса 1950 йилда ҳатто клуб, театр ва ҳаммом йўқ эди. Боғча, мактаб бинолари етишмас, соглиқни сақлаш идораларининг иши меҳнаткашлар талабини қондира олмас эди[200] .

Вилоят касалхонасига 1955 йилда даволаниш учун келган мингдан ортиқ касаллар жой етишмаслиги боис қабул қилинмаган. Касалхонада беморлар учун жой етишмаслиги боис, касаллар ерда, йўлакларда ётқизилган[201] . Аҳоли гавжум яшайдиган жойларда турли хил заводларнинг қурилиши экологик вазиятнинг, бунинг оқибатида аҳоли соғлиғининг ёмонлашувига олиб келди. Масалан, 1958 йил вилоятдаги ҳар бир пахта заводи 1 суткада 7,6 тонна чанг чиқарганлиги аниқланган эди[202] . Агар соғлиқни сақлаш ишларига вилоят бўйича 1969 йил 13 млн. 222 минг сўм миқдорида бюджет маблағи ажратилган бўлса, 1970 йилда 19 млн. 388 минг сўм ёки 1968 йилдагига нисбатан 6 млн. сўмдан зиёдроқ маблағ ажратилди. Аҳоли жон бошига медицина хизмати кўрсатиш учун сарфланган маблағ 1968 йилда 16 сўм 89 тийинданга тўғри келган бўлса, 1970 йилда 22 сўмданни ташкил қилди[203] .

---

[198] НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 772-иш, 42-47-варақлар.
[199] НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 772-иш, 45-варақ.
[200] НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 580-иш, 73-варақ.
[201] НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 1116-иш, 46-варақ.
[202] НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 1518-иш, 31-варақ.
[203] НВДА, 275-фонд, 6-рўйхат, 1853-иш, 14-варақ.

1970 йил вилоят аҳолиси сонига нисбатан шифохоналардаги ўринлар бутуниттифоқдаги кўрсаткичлардан кам эди. Агар республикада 10 минг аҳолига 101 та ўрин тўғри келган бўлса, вилоятда у 88,3 тани ташкил этди. Бу кўрсаткичлар Уйчи туманида 64,3 та, Чуст туманида 56 тани ташкил этарди. Касалхоналардаги ўринлар янги қурилган шифохоналар ҳисобига атиги 35% га тўғри келди. Натижада ҳар бир беморга 6,5 квадрат метр жой бўлиши ўрнига 2-2,5 квадрат метрдан жой тўғри келди. 1970 йил вилоятдаги ҳар 10 минг аҳолига 10 врач, қарийб 50 ўрта медицина маълумотли мутахассис хизмат қилди. Шу даврда республикада эса 10 минг аҳолига 18 врач тўғри келди. Вилоят врачлар билан нормага нисбатан 66% таъминланган бўлсада, туманларда кўрсаткич ундан ҳам паст эди. Масалан, Наманган, Янгиқўргон, Поп туманларида 50-55% ни ташкил этди[204] .

Вилоятда касалхоналарни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда ҳам узилишлар бўлиб, фақат 1974 йилда вилоятдаги соғлиқни сақлаш муассасалари белгиланган нормага нисбатан қарийб 84 минг литр сут, 11 минг кг қаймоқ, 20 минг кг творог, 472 минг дона тухум, 80 тонна балиқ, 9 минг тонна мева ва 11,5 тонна гўшт ва кўплаб сабзавот маҳсулотлари кам олганлар. Поп туманида эса нормага нисбатан 40% гўшт, 84% балиқ, 84% тухум, 5% сут, 95% творог, 61% қаймоқ кам олинган. Бундай ҳолни Учқўргон, Норин, Косонсой туманларида ҳам кўриш мумкин[205] . Бу ҳолат табиийки, беморларни даволаш ишига салбий таъсир кўрсатар эди.

1975 йил вилоятдаги аҳоли сони 995600 кишини, 14 ёшгача бўлган болалар жами аҳолининг 44% ини ташкил этди. Бу кўрсаткич, собиқ Иттифоқда 29% га, Ўзбекистонда эса 40% га тенг эди. Фақат 1974 йилнинг ўзида вилоятда 37822 бола туғилган бўлиб, туғилиш коэффиценти 37,8 (минг аҳоли ҳисобига)тани, собиқ

---

[204] НВДА, 275-фонд, 6-рўйхат, 1853-иш, 7-8-варақлар.
[205] НВДА, 275-фонд, 6-рўйхат, 2597-иш, 44,145-варақлар.

Иттифоқда 18 та, Ўзбекистонда эса 34,5 тани ташкил этди. 1975 йилда вилоят аҳоли салмогининг 50% га яқини болалар ҳисобига тўғри келди. Шу йилларда болаларни даволаш учун 1582 ўринли шифохоналарда 176 та врач-педиатр хизмат қилди. Шунга қарамай, айрим туманларда масалан, Янгиқўрғон ва ҳатто вилоят марказида ҳам махсус жиҳозланган болалар шифохонаси мавжуд бўлмай, вилоят касалхоналарида болалар учун 600 ўрин етишмади. Шу сабабли 30-35% бемор болаларни уйда даволашга тўғри келди. Бу ҳол болалар ўлимининг Наманган вилоятида 2-3 марта кўпайишига олиб келди. Бу кўрсаткичлар республика кўрсаткичларидан анча баланд эди. Масалан, 1974 йилда жами 1688 та бола нобуд бўлган бўлса, 1975 йилнинг 3 ойи мобайнида 967 та бола ўлди[206] .

Боғчаларда болалар учун берилган гўшт, сут, тухум ва сабзавот маҳсулотлари етарли эмас эди. 1974 йилги вилоят санитария станциясининг текширувларига кўра, 1317 та таҳлилнинг 556 тасида овқатларнинг умумий калория миқдори меъёрдагидан 40% гача камлиги аниқланди[207] .

1980 йил вилоятда 2600 врач, 8200 ўрта медицина ходимлари бўлиб, ҳар 10 минг аҳолига 21 врач хизмат кўрсатди[208] . Республикада бу кўрсаткич 27 тани ташкил этиб, Наманган ушбу соҳада 6 - ўринда эди.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш таҳлили шуни кўрсатадики, вилоятда 1960 йилда ҳар 10 минг аҳолига 7 та врач тўғри келди[209] . Мустақиллик йилларида, хусусан, 2006 йилда вилоятда 4919 нафар врач фаолият юритиб, ҳар ўн минг аҳолига 23,1 кишидан тўғри келди[210] .

XX аср 70-йилларининг ўрталарида аҳоли яшайдиган жойларда ҳаво мусаффолиги масаласи ачинарли аҳволда эди. Фақатгина Наманган шаҳрида жойлашган

---

[206] НВДА, 275-фонд, 6-рўйхат, 2597-иш, 200 варақ.
[207] НВДА, 275-фонд, 6-рўйхат, 2597-иш, 201 варақ.
[208] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 27-иш, 80 варақ.
[209] НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 102-иш, 23-варақ.
[210] *4-иловага қаралсин.*

2-, 3-, 4-пахта тозалаш заводлари бир кунда катта миқдордаги чангни ҳавога чиқариб ташлаган, аҳоли яшайдиган жойларда бир метр куб ҳавода белгиланган меъёрдан 6-20 баробар ортиқ чанг борлиги аниқланган. Завод атрофида яшовчи аҳоли орасида бу заҳарли чанглар таъсирида ошқозон-ичак касалликлари, сурункали бронхит, бронхопневмония, нафас қисиши (астма), ўсма касалликлари кўпайганликлари аниқланди. Бу хасталиклар айниқса, ёш ўсиб келаётган болалар ўртасида кўплаб учради. Наманган шаҳрининг ҳаво атмосферасида нормадан бир неча ортиқ пахта баргини туширувчи бутифос моддаси борлиги аниқланди, 1971 йилдагига нисбатан умумий ишлатилган заҳарли моддалар 1974 йилда 1,7 маротаба ортиб, ҳар бир киши учун 36,5 килограммданга тўғри келди[211].

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш ҳам талаб даражасида бўлмаган. 1970 йил вилоят аҳолисини водопровод суви билан таъминлаш 30%, Янгиқўрғон, Чуст, Учқўрғон туманларида 20-25%, Уйчи туманида 15% ни ташкил қилди[212]. 1977 йилда вилоят аҳолисининг фақат 62 фоизигина тоза ичимлик суви билан таъминланган эди. Ҳатто Чуст, Норин, Наманган туманларида тоза ичимлик сувини аҳолига етказиб бериш атиги 16-30% ни ташкил этди холос. Маиший хизмат кўрсатиш борасида ҳам муаммолар мавжуд бўлиб, ҳар бири 500 кишига эга бўлган 55 та аҳоли пунктида маиший хизмат корхоналари ташкил этилмаган эди[213].

1978 йил 30 дан ортиқ йирик аҳоли пунктлари, 20 га яқин колхоз ва совхозлар маиший хизмат шахобчаларига эга эмас эди[214].

1990 йилда 232,2 минг хонадон газлаштирилган бўлиб, вилоят ҳудудида 1116 км дан ортиқ газ тармоқлари ишлаб турди[215].

---

[211] НВДА, 275-фонд, 6-рўйхат, 2597-иш, 149-варақ.
[212] НВДА, 275-фонд, 6-рўйхат, 1853-иш, 17-варақ.
[213] НВДА, 275-фонд, 6-рўйхат, 2336-иш, 19-варақ.
[214] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 12-иш, 214-варақ.
[215] НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 102-иш, 19-варақ.

Совет тузуми шароитида вилоят саноати ҳам республикада бўлгани каби бир томонлама ривожланган.

Уруш ва ундан кейинги йилларда Наманган вилояти меҳнаткашлари ўзларининг тиришқоқлиги билан республика, қолаверса, умумиттифоқ иқтисодига салмоқли ҳиссаларини қўшдилар. Бироқ, меҳнатдан манфаатдорликнинг у қадар юқори эмаслиги, маъмурий буйруқбозлик тизимининг мавжудлиги ижтимоий муаммоларни ҳал этиш ўрнига уни янада чуқурлаштиришга олиб келган.

### *Миллий қадриятларнинг ҳукмрон мафкура манфаатларига бўйсундирилиши ва таълим тизимидаги муаммолар*

Коммунистик тузум гояпарастлари Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ҳам асосий диққат-эътиборни ўз мафкуравий ақидаларини халқ оммаси онгига сингдиришга қаратдилар. Бутун Ўзбекистонда бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам маориф, илм-фан, санъат коммунистик ғоялар асосида шакллантириб борилди. Совет жамиятининг мафкуравий қолипига мос тушмаган ҳар қандай фикр ва ғоя йўққа чиқарилди. Энг кичик ташкилот йиғилишларидан олий даражадаги анжуманларгача маданий-маърифий масалалар борасида совет жамияти учун хос бўлган ғоявий-сиёсий тазйиқ ва чеклашлар ҳукмронлик қилар эди.

Совет тузумининг ғоявий-мафкуравий манзарасини Президент И.А.Каримов қуйидагича таърифлаган эди: -«...Ноинсоний ғоя ҳукмрон бўлган мустабид тузум ўзининг бор мафкуравий кучини, оммавий ахборот воситаларини, бутун маориф тизимини ишга солиб, одамлар онгини кенг миқёсда заҳарлар эди. Уларнинг миллий ва диний туйгуларини қўпол равишда камситар, тарихий ҳақиқатни бузиб кўрсатар эди. Ўз она тилини, миллий анъана ва маданиятини, ўз тарихини

билмаслик кўплаб одамларнинг шахсий фожеасига айланиб қолган эди...»[216] .

Совет тузуми даврида халқнинг миллий бойлиги ҳисобланмиш тарихий ёдгорликларга нисбатан беписандлик кайфияти ҳукмрон эди. Масалан, Чуст шаҳар меҳнаткашлар депутатлари совети ижроия комитетининг 1941 йил 31 мартдаги йиғилишида шаҳардаги маданият ва истироҳат боғини кенгайтириш масаласи кўрилди. Йиғилишда шаҳардаги ушбу богнинг умумий майдони 2,5 *га* эканлиги, кутубхона, ўқув зали, рақс майдончаси ва бошқа маданий дам олиш масканлари учун жой етишмаслиги сабабли боғ майдони ҳажмини яна 1,5 *га* кенгайтириш лозимлиги таъкидланди. Бунинг учун эса 200 йиллик тарихга эга бўлган мадраса ва қабристонни бузишга қарор қилинди. Мазкур иншоотларни бузишдан ҳосил бўлган қурилиш материалларини қурилиш-ремонт идорасига сотиш, тушган маблағ ва ашёлардан боғ қурилиши учун фойдаланиш зарурлиги уқтирилди[217] .

Шу билан бирга вилоят ҳудудидаги Ахсикент, Мунчоқтепа, Буонамозор каби археологик ёдгорликлар, Мулла Қирғиз мадрасаси, Балиқликўл иншоотлари, Ғойибназар мадрасаси ва бошқа кўплаб архитектура ансамбллари ҳам қаровсиз ҳолатга келтирилди. Масалан, Чуст туманидаги Буонамозор археологик ёдгорлиги Бронза даврига оид бўлиб, дунё археология фани учун ғоят аҳамиятли бўлгани ҳолда, колхознинг ички йўлини қуриш баҳонасида 1970 йилда вайрон қилиб юборилди. Бундан ташқари, гумбаз диаметрининг катталиги жиҳатидан Марказий Осиёда ягона бўлган Отавалихон Тўра Жомеъ масжиди меъморий иншоотлари, Уйчи туманидаги Девонабува гумбази, Тўрақўрғондаги Ғойибназар мадрасаси биноларини асраб-авайлаш ўрнига, улар ичига турли хил ташкилотлар жойлашти-

[216] *Каримов И.А.* Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Асарлар. - Т.: Ўзбекистон, 1999. - Т.7. - Б. 371.

[217] НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 8-иш, 125-варақ.

рилди ёки бино деворига суяб қўшимча бино қурилди[218]. Бунинг оқибатида уларнинг сақланиш ҳолатига жиддий зарар етказилди.

Фақатгина мустақиллик йилларига келибгина, уларни қайта тиклаш ва таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, Мулла Қирғиз мадрасаси қайта таъмирланиб, ўрта махсус диний билим юрти биносига айлантирилди. 1992 йилда Наманган вилояти ҳокимлигининг ташаббуси билан совет даврида бузиб юборилган Мулла Бозор Охунд мақбарасини қайта тиклашга эришилди[219].

XX аср 40-йиллари охири 50-йиллари бошларида совет жамиятида сиёсий қатағонликларнинг янги палласи бошланди. Ушбу қатағонларга адабиёт ва санъат аҳли, зиёлилар ва ижодкорлар дучор бўлдилар. 1952 йилнинг 21-22 февралида бўлиб ўтган ЎзКП (б) МКнинг X пленумида бир неча шоир ва ёзувчилар ноҳақ қораландилар. Улар қаторида Набихон Хўжаев (Чустий) (1904-1983) ҳам бадном этилди. Уни ғоясизликда айблаб, ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан ўчирдилар. Гўёки, Чустий коммунистик партия олиб бораётган сиёсатни мақташ ўрнига, ёрнинг қора қошини улуғлаш билан шуғулланяпти, яъни ғоясиз шеърлар ёзяпти, ўғлига эскилик сарқити ҳисобланмиш «хатна тўйи» қилиб берди каби асоссиз ва тутуруқсиз айблар қўйилди. Аслида эса, соф инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш, кишиларни илм-маърифат ва ҳаёт ҳақиқати сари етаклаш шоир асарларининг бош ғояси эди.

Чустий то умрининг охиригача ижод билан машғул бўлиб, 1983 йилнинг 13 августида вафот этди. Ундан илмий-адабий мерос сифатида «Зафарнома» (1939 йил), «Тирик жаннатга кирган кампир» (1939 йил), «Кийикнома» (1940 йил) каби достонлари, «Шамшир» (1943 йил), «Лолазор» (1945 йил), «Ҳаёт завқи» (1951 йил),

---

[218] НВДА, 275-фонд, 6-рўйхат, 1853-иш, 67-68-варақлар.

[219] Ўзбекистон ҳудудлари мустақиллик йилларида /Тузувчилар: О.О.Олимжонов ва А.У.Баҳромов ва бошқ. - Т.: Шарқ, 1996. - Б.74.

«Гул мавсуми» (1969 йил), «Ғазаллар» (1978 йил) шеърий тўпламлари қолди. Уруш йилларида Собир Абдулла ва Комил Яшин билан ҳамкорликда «Даврон ота», Собир Абдулла билан биргаликда «Қурбон Умаров» ҳамда «Қўчқор Турдиев» пьесаларини яратди. Навоий асарларига луғат тузишда фаол иштирок этди. Чустий ўзбек ва тожик тилларида баб-баравар етук асарлар ярата олган икки тилли истеъдод соҳиби эди. У форс-тожик тилида битилган Садриддин Айний, Мирзо Турсунзода, Саъдий, Жафар Ифтихор, Собир Термизий, Хусрав Деҳлавий кабиларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилди[220] .

Қатагонга учраган зиёлилардан яна бири чустлик Абдулҳамид Маҳдум Девона (1877-1953) эди. Дастлаб эски мактабда, сўнг Дўзанда маҳалласидаги Қозикалон масжидида, 12 ёшдан бошлаб Қўқондаги мадрасаларда таълим олган. Бухородаги Мир Араб мадрасасида 10 йил таҳсил олиб, хатмкарда даражасини олиб келгач, қозилик лавозимида ишлаган. Абдулҳамид Махдум Девона ҳам совет даврида таъқибга учраб, 30-йилларда қамоққа олинади. Қамоқдан қайтгач, 1946 йили етук илм эгаси бўлгани учун Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний идораси уни Кўкча даҳасидаги Шайх Зайниддин масжидига имом, 1949 йилда Бухородаги Мир Араб мадрасасига бош мударрис этиб ишга юборди. 1952 йилда яна ҳибсга олиниб, 1953 йилнинг август ойида турмада вафот этди[221] .

Ушбу давр қатағонларига баъзан оддий фуқаролар арзимас баҳоналар туфайли тортилган ҳолатлар ҳам бўлган. Масалан, 1953 йил Сталин дафн этилаётган чоғда мамлакатдаги барча радиокарнайлар «доҳий» билан видолашув дақиқалари репортажини бериб борганлар. Ушбу чоғда Сталин билан сўнгги бор видолашув учун барча тик туришга мажбур бўлган. Шу онда

[220] *Назаров Б.* Ғазалнавис шоир /Чуст ҳақиқати.-1993.-20 февраль.

[221] *Ахборотчи:* Т.Абдулҳамидов 75 ёш, тикувчи, Чуст шаҳридан. Изоҳ: ушбу маълумот 2007 йилда тайёрланган.

Наманган шаҳридаги 22-мактаб директори Боймирза Мирзаев ҳам касал бўлишига қарамай, колхоз радоузели ёнига келиб, оммага қўшилган. Бироқ, тик туришга ярамай, дарахтга суяниб ўтириб олган. Бу ҳаракати туфайли у «доҳий»га нисбатан ҳурматсизлик қилганликда айбланиб, 6 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган[222] .

Совет даврида умумтаълим мактабларининг фаолияти ҳам большевистик ғояларни ўқувчилар онгига сингдириш, уларни «коммунистик руҳда» тарбиялаш вазифасига бўйсундирилган бўлиб, асосий мақсад ёшларни синфийлик, партиявийлик руҳида тарбиялашдан иборат эди.

Мазкур таълим тизими «шаклан миллий, мазмунан социалистик» деб аталувчи сохта ғоялар асосида ташкил этилди. Бу ғоялар аслини олганда, ҳеч қачон миллийликни, миллий таълим ва тарбияни ривожлантиришга хизмат қилмас эди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида уруш муносабати билан таълим тизимига эътибор анчагина сусайган эди. Шу боис, урушдан кейинги йилларда халқ маорифи тизимида ҳам ҳали ўз ечимини кутаётган талайгина муаммолар мавжуд эди.

Бу соҳада урушдан кейинги йилларда бир қатор жиддий қийинчиликларни енгиб ўтишга тўғри келди. Кўплаб малакали педагог кадрларнинг жанг майдонларидан қайтмаганлиги сабабли ўқитувчи ходимлар масаласи ҳал этилмаган эди. Таълим тизими раҳбарлари, мактаб директорларининг 60 % идан кўпроғини тегишли маълумотга эга бўлмаган кишилар ташкил этар эди[223] .

1946-1947 йилларда вилоят бўйича 2720 та ўқитувчи бўлган бўлса, шундан 944 таси ҳатто ўрта маълумотга ҳам эга эмас эди. Олий маълумотлилар маҳаллий миллат ўртасида 1946 йил 50 та бўлган бўлса, 1950-1951 йилларда уларнинг сони 84 тага етди[224] .

---

[222] *Мамажонов Н.* Акс-садо //Шарқ юлдузи.-1989.- №9.- Б.165.

[223] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб...Б.571.

[224] ЎзР МДА, Р-94-фонд, 5-рўйхат, 5487-иш, 20-варақ.; Қаранг: 1946-1951 йилларда мактаблар сони ҳақида батафсил маълумот учун 2-3-иловага қаралсин.

Уруш йилларида таълим сифатининг пасайиб кетганлиги мазкур тармоқнинг урушдан кейинги йиллардаги тараққиётига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатди.

Оқибатда ўқувчиларнинг ўқишни ташлаш ва синфда қолиш ҳоллари кўпайди. 1943-1944 йилларда вилоят бўйича 18000 бола 1-синфга қабул қилинган бўлиб, улар 4-синфгача ўқишлари лозим эди. Бироқ, 1947-1948 ўқув йилида, яъни 4-синфда 7500 бола қолди. Ундан ташқари кўплаб ўқувчилар бошланғич мактабни битиргач, юқори синфдан чиқиб кетдилар. Ўқувчиларнинг 8-10 синфлардан 75% и мактабни ташлаб чиқиб кетган эди[225] .

Уруш йилларида ўқишга жалб этилмаган мактаб ёшидаги болаларни урушдан кейинги дастлабки йилларда таълим тизимига тортиш жуда муҳим масала бўлиб қолди. 1947-1948 йилларда вилоятда 6000 та мактаб ёшидаги бола ҳали мактабга тортилмаган эди[226].

XX асрнинг 50-йиллари бошларида ҳам мактабларда турли хил ёшдагиларнинг бир синфда таълим олишлари табиий ҳол эди. Бу йилларда қизларни мактабга жалб этиш, уларни мактабни тугатгунга қадар ушлаб туриш алоҳида бир муаммо эди. Ўқувчилар орасида 1946-1947 ўқув йилида ўзбек қизлари 43% бўлган бўлса, 1947-1948 йилларда 35% га тушиб қолди. Ушбу йилда Тўрақўрғонда ўрта мактабни битирганлар орасида битта ҳам ўзбек қизлари бўлмаган[227] .

Ўзбек қизларининг XX аср 50-йиллари бошларида ҳам мактабдан кетиб қолиш ҳолатлари кўп эди. Масалан, 1951 йилнинг дастлабки 3 ойида фақат Наманган шаҳридан 50 та қиз ўқишни тўхтатиб, турмушга чиқиб кетган. Наманган туманида эса 3-синфда ўқийдиган ўқувчи қизлардан 355 нафарининг эри бор эди. Косонсой туманидаги мактабларнинг 1-4 синфларидаги 600 ўқувчининг деярли кўпчилиги 15-25 ёшлилар эди.

---

[225] НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 423-иш, 5-варақ.

[226] НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 423-иш, 4-варақ.

[227] *Ўша жойда,* 5-варақ.

Янгиқўрғондаги 11-мактабнинг 76 та ўқувчиси турмушга чиққан ёки уйланганлар эди[228]. Кўплаб мактабларда болали она бўлган ўқувчи билан 8 ёшли қиз бир партада таълим олар эди. 1956 йилнинг ўзида фақатгина Наманган шаҳри ва Поп туманидаги мактаблардан 89 та ўқувчи қиз турмушга чиқиб кетган эди[229].

XX асрнинг 50-йиллари бошларида ҳам мактабларда таълим сифати анча паст эди. Масалан, 1952 йилги текшириш натижаларига кўра, Чуст туман Олмос қишлоқ советидаги 18-ўрта мактабнинг 9-синфини битирган 26 ўқувчи давлат дастурига жавоб бера олмаган, яъни булардан 9-синф ҳажмида ёзма иш ўтказилганда ўқувчиларнинг барчаси қониқарсиз баҳо олган.

Шунингдек, Чуст ва Норин туманидаги айрим мактабларда педагогикадан мутлақо бехабар кишилар ишлаган. XX аср 50-йилларининг бошларида Косонсой районн бўйича атиги 8-9 та олий маълумотли ўқитувчилар бор эди холос. Ўқитувчиларнинг 2-3 ой ишлаб, сўнгра кетиб қолиш ҳолатлари ҳам учраб турган. Масалан, ўқитувчи Йўлдошев яшаш жойи бўлмагани учун 3 ойгача партанинг устида ётиб, сўнгра кетишга мажбур бўлган[230]. 1952-1953 ўқув йилида биргина 5-7-синфларда дарс бераётган 2700 ўқитувчилардан 1500 таси етарли педагогик маълумотга эга эмас эди[231].

Миллий кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам кам эътибор қаратилди. Чунончи, Наманган мусиқа билим юртини 1953-1956 йиллар ичида битириб чиққан 45 та битирувчининг фақат 10 тасигина маҳаллий миллат вакиллари эди. Ўқийдиган ўзбеклар ҳам асосан халқ (миллий) мусиқа асбоблари бўлимида ўқир эдилар[232].

1959 йил VI чақириқ вилоят советининг II сессиясида таълимни ўқувчиларнинг унумли меҳнати билан боғ-

---

[228] ЎзР МДА, Р-94-фонд, 5-рўйхат, 5487-иш, 17-18-варақлар.

[229] ЎзР МДА, Р-94-фонд, 5-рўйхат, 6173-иш, 156-варақ.

[230] НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 772-иш, 16,35-варақлар.

[231] НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 910-иш, 11-12-варақлар.

[232] ЎзР МДА, 2487-фонд, 1-рўйхат, 50-иш, 205,208-варақлар.

лаш мақсадида вилоят мактабларида пахта етиштирилаётганлиги, ўқувчиларнинг каттагина қисми қурт боқиш, боғдорчилик ва қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларида ишлаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга ушбу сессияда 10-синфни битираётганлар олий ўқув юртига киришни мақсад қилиб олишлари нотўғри тушунча эканлиги ҳақида ҳам очиқ-ойдин айтилди[233].

XX аср 70-йиллари ўрталарига келиб, ўрта-махсус билим юртларининг сони бироз кўпайди. 1974 йил Тўрақўрғонда қишлоқ хўжалик техникуми[234], Учқўрғонда режа-иқтисод[235], Косонсойда жисмоний тарбия техникумлари[236], 1975 йили эса Косонсойда педагогика билим юрти[237] очилди.

1977 йилда вилоятда 523 та умумий таълим мактаблари бўлиб, унда 290 мингдан зиёд ёш авлод таълим олди.

Шунингдек, 2 та олий ўқув юрти, 12 та ўрта махсус, 24 та касб-ҳунар таълими билим юртлари фаолият юритди[238]. 1982 йил Янгиқўргон туманида сабзавотчилик техникуми очилди[239].

1984 йилда вилоятдаги ҳунар-техника билим юртлари қабул режаларини бажармадилар. Бунинг сабаби, ушбу ўқув юртларини битирувчилар аксарият ҳолларда ўз касбларига яраша иш ўринларини топа олмаслигида эди. Кўп ҳолатларда ушбу муассасаларга юқори синф ўқувчилари мажбурий тарзда билим олиш учун юборилар эди. Айни пайтда кўплаб ҳунар-техника билим юртлари ўз ўқув хўжалигига эга бўлмаганлиги боис, назарий билимлар амалиётдан ажраб қолган эди. 1985 йилда вилоятдаги 18 та ҳунар-техника билим юртининг 11 таси ўз ўқув хўжалигига эга эмас эди[240].

---

233 НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 1518-иш, 48-варақ.
234 ЎзР МДА, Р-837-фонд, 41-рўйхат, 3369-иш, 98-варақ.
235 ЎзР МДА, Р-837-фонд, 41-рўйхат, 3370-иш, 143-144-варақлар.
236 ЎзР МДА, Р-837-фонд, 41-рўйхат, 3578-иш, 67-варақ.
237 ЎзР МДА, Р-837-фонд, 41-рўйхат, 3710-иш, 99-варақ.
238 НВДА, 275-фонд, 6-рўйхат, 2336-иш, 14-варақ.
239 ЎзР МДА, Р-90-фонд, 11-рЎйхат, 2317-иш, 116 - 117-варақлар.
240 НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 312-иш, 50-варақ.; 205-иш, 81-варақ

Ўзбек халқининг маънавий баркамоллиги ва ундаги ўзига хос миллийликнинг шаклланишида Ислом дини ва унинг уламолари ҳам ўз ўринларига эга бўлганлар.

Совет мустамлакачилиги даврида халқнинг миллий ва диний қадриятлари оёқости қилинди. Коммунистлар томонидан ислом дини заминида вужудга келган одоб-ахлоқ меъёрлари, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тизими издан чиқарилди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда динга қарши кураш янада кучайтирилди. 1950 йил меҳнаткашлар депутатлари вилоят советининг VI сессиясида миллий урф-одат ва диний қадриятларга амал қилиб келаётган кишилар қаттиқ танқид қилиниб, қолоқликда айбландилар. Жумладан, Чуст туман Ижроия Комитетининг раис ўринбосари Шафиевнинг фарзандлари боғча ва яслига берилмаган ҳолда, ўз оналари қўлида тарбияланаётганлиги танқид қилинди. Шунингдек, Наманган тумани Ижроия Комитетининг раиси Насриддинов: «...Эски турмуш сарқитлари ҳамда маданиятсизликларидан ҳали ҳам қутилгани йўқ. Унинг уйида гўдаклар ҳали ҳам бешикда тарбияланадилар...»[241] қабилидаги жумлалар билан танқид остига олинди. Ҳатто кишилар уйларидаги сандал ҳам эскилик сарқити сифатида баҳоланиб, вилоят сессияларида муҳокама қилинган ҳолатлар ҳам кузатилган эди. Сессияларда халқнинг диний урф-одат, анъана ва маросимлари «ваҳшийлик даври»дан қолган одатлар, деб қораланди. Сессияда динга қарши ташвиқотларни кучайтириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Совет тузуми шароитида ҳукмрон мафкура ақидаларини кенг халқ оммаси орасида ташвиқ қилиш учун улкан ҳажмдаги маблағлар сарфланди. Ғоявий-сиёсий ишларни жонлантириш учун махсус тарғибот машиналари орқали кечалар ташкил қилинди. 1951 йил вилоят бўйича 2786 та маъруза уюштирилди. Шу жумладан, динга қарши

[241] НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 580-иш, 103-варақ.

мавзуда 515 та, ижтимоий-сиёсий мавзуда 516 та. Бу маърузаларда 375 минг киши қатнашди[242].

Вилоят сессияларининг бирида Чортоқ тумани Ай-қирон қишлоғи ҳудудида иккита мозорнинг мавжудлиги ҳам руҳонийларнинг фаолияти туфайли деб баҳоланди[243].

Ваҳоланки, ҳар қандай тузум мафкурачилари учун тушунарли бўлган оддий ҳақиқат: қабристон табиий ҳаққоний ҳаёт эҳтиёжи бўлиб, диний ақидаларга боғлиқ эмаслигини атеизм тарғиботчилари тушунишни истамас эдилар.

1954 йил рўза ойи бошланишидан анча олдинроқ вилоят партия комитети раҳбарлари динга қарши атеистик мавзуларда меҳнаткашлар ўртасида маърузалар уюштиришни бошлаб юбордилар. Вилоят раҳбариятининг йигинларида динга қарши кураш ишларининг қай даражада бораётганлиги, вилоят маркази Наманган шаҳрида яшовчи ўзбек халқи ўртасида динга эътиқод қилувчи мусулмонлар ўз диний ишларини, диний урф-одатларини ҳануз давом эттираётганликлари очиқдан-очиқ танқидий йўллар билан муҳокама қилинди. Мазкур даврда фуқаролар томонидан ўз диний ҳуқуқларини талаб қилиб, юқори ташкилотларга мурожаат қилиш ҳолатлари ҳам учраб турди. Масалан, 1954 йилда Наманган шаҳрининг Қўқон кўчасидаги Панжара масжиди ҳамда Пўстиндўз масжидларини очишга, шунингдек, Тўрақўрғон туманидаги Кўчар Ботир масжидини очишга аризалар бердилар. Бироқ, бу аризалар рад қилинди[244].

Айни даврда диний маросим, урф-одатлар ҳам қаттиқ таъқиб остига олиниб, уларнинг ташкилотчилари ҳам махсус йиғилишларда муҳокама қилинар эди. Ҳатто вилоят сессияларида кишиларнинг рўза кунларида биргалашиб ифтор қилганликлари, Ҳайит намози ол-

[242] НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 772-иш, 53-варақ.
[243] НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 580-иш, 112-варақ.
[244] НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 361-иш, 96-97-варақлар.

дидан қабристонга бориб, зиёрат қилганликлари, ўтганлар ҳақига Қуръон ўқитганликлари, шунингдек, ҳайит намозида қатнашганликлари «эскилик сарқити» сифатида баҳоланиб, кескин танқид қилинар эди. 1954 йилги вилоят сессияларининг бирида диний урф-одатларга берилган партия аъзолари, совет идора ходимлари, артелчилар, цех ва дўкон мудирлари жуда ҳам кўп эканлиги алоҳида ташвиш билан муҳокама этилди[245].

Халқ депутатлари вилоят советининг 1983 йил 24 сентябрдаги 18- чақириқ VI сессиясида халқ анъаналари яхши сақлангани ҳолда вилоятда «социалистик» урф-одатларни турмушга жорий этиш бўйича бой тажрибалар тўплангани, лекин айрим туманларда «эскича» урф-одатлардан фойдаланиш фактларига йўл қўйилаётганлиги салбий ҳолат сифатида таъкидлаб ўтилди[246].

Одамларни муқаддас қадамжолар - марҳумлар қабрини зиёратига боришларига қарши кураш олиб бориш зарурлиги уқтирилди. Педагог ходимларга мактабларда, ҳунар-техника билим юртларида ва бошқа ўқув юртларида атеистик тарғибот ҳужумкорлигини таъминлаш вазифаси юклатилди. 1984 йил 23 мартдаги халқ депутатлари вилоят кенгашининг XVIII чақириқ VIII сессиясида жумладан шундай дейилган эди: «...Илмий-атеистик пропагандани кучайтириш, динга ишонувчиларни ижтимоий меҳнатга жалб этиш, совет урф-одатларини турмушга кенг жорий этиш бўйича зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш шу куннинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан биридир...»[247]. Вилоят сессияларида «эскича» деб таърифланган урф-одатлар аслини олганда ўзбек халқининг асрлар давомида эъзозлаб, асраб-авайлаб келган миллий қадриятлари эди.

---

[245] НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 361-иш, 100-варақ.

[246] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 100-иш, 71-варақ.

[247] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 205-иш, 83-варақ.

XX асрнинг 50-йилларига келиб, маҳаллий драматурглар ижодида бироз силжиш кўзга ташланди. Мазкур йилларда саҳна асарлари маданият министрлигидаги махсус бўлимда кўриб чиқилар эди. Шу боис, ёзилган асарлар бир неча йиллардан кейингина саҳна юзини кўрар эди. Масалан, Азиз Турсуннинг 7 йил давомида ёзган «Унутилмас кунлар»и 1952 йилдагина намойиш этилди[248] . Вилоятда 1951 йили маданий-оқартув ишлари учун 2 млн. 97 минг сўм ажратилди. 1952 йили вилоятда 400 та «Қизил чойхона» фаолият юритар эди[249] .

Вилоятда клублар сони 1959 йили 186 та, оммавий кутубхоналар эса 265 та бўлган бўлса[250] , 1975 йилга келиб эса клублар сони 273 тага, кутубхоналар сони эса 425 тага етди. Аммо, «ривожланган социализм» даври сифатида эътироф этилган 70-йилларда ҳам вилоятдаги маданий-оқартув ишларини талаблар даражасида деб бўлмас эди. Мавжуд аҳоли пунктларидан 50%дан кўпроғида ҳануз клуб ва кутубхоналар ташкил этилмаган эди[251] . 1978 йилда вилоят аҳолисининг бор йўғи 33 % и кутубхоналар хизматидан баҳраманд эди[252] .

1980 йилда вилоят кутубхонаси учун 4 қаватли махсус бино қуриб фойдаланишга топширилди. Кутубхона янги бинога кўчиб ўтгач, Нодирабегим номи билан юритила бошланди[253] . 1980 йил вилоятда 297 клуб, 490 кутубхона, кўплаб жанговар ва меҳнат шон-шуҳрат уйлари, 299 кинотеатр ва вилоят музикали драма ва комедия театри фаолият кўрсатди. Бироқ, мингдан ортиқ аҳолиси бўлган 57 та аҳоли пунктида ушбу

---

[248] *Қориев С.* Театр ва маҳаллий драматурглар //Наманган ҳақиқати.-1991.-30 ноябрь.

[249] НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 772-иш, 52,61-варақлар.

[250] НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 1518-иш, 1-варақ.

[251] НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 2599-иш, 1,33-варақлар.

[252] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 12-иш, 219-варақ.

[253] ЎзР МДА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 405-иш, 4-варақ.

даврда клуб ва кутубхоналар йўқ эди. Клуб муассасаларининг 90%и ноқулай биноларга жойлаштирилган бўлиб, кўплаб клуб ва кутубхона муассасаларида зарур жиҳоз ва анжомлар етишмас эди[254]. Миллий-маданий қадриятларнинг ҳукмрон мафкурага бўйсундирилишини ташкилот, хўжалик ва муассасаларга ном қўйилиши билан ҳам изоҳлаш мумкин. Масалан, Мустақилликкача бўлган даврда биргина Учқўрғон туманидаги хўжаликларнинг 10 тасидан 4 тасининг номи Ленин номи билан боглиқ эди[255].

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур даврда Наманганден илм-фан, адабиёт ва санъатнинг турли соҳаларида фаолият юритган таниқли арбоблар ҳам етишиб чиқдилар. Масалан, СССР Медицина Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси Э.И.Отахонов, академиклар - Ё.С.Тўрақулов, М.Салоҳиддинов, А.Асқаров, М.Абдуллаев; Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг мухбир аъзоси Ж.Ҳ.Ҳамидов; филология фанлари доктори, профессор Т.Ҳ.Ҳамидова, ёзувчи ва шоирлардан - П.Турсун, Й.Шамшаров, Ж.Абдуллахонов, З.Диёр, Чустий, Ҳ.Нурий, Ҳ.Шарипов, С.Анорбоев, Р.Исҳоқов, Ҳ.Саъдулла; санъаткорлардан Ҳ.Охунова, С.Эшонтўраева, К.Раҳимов, М.Исомиддинов, Ё.Аҳмедов, Н.Қамбарова ва бошқалар.

Шундай қилиб, Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда жамият ғоявий-сиёсий ҳаётида коммунистик мафкура ҳукмронлик қилди. Миллий қадриятлар, урф-одат ва маросимларга мазкур мафкура манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашилди. Таълим тизимида ҳам ўзига хос муаммолар мавжуд бўлиб, ушбу даврда уларни ҳал қилишнинг имкониятлари чегараланган эди.

---

[254] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 27-иш, 179,182-варақлар.

[255] *Ҳакимов Б.* Жипслик ва ҳамжиҳатлик давр талаби //Наманган ҳақиқати.- 1991.-10 сентябрь.

## Совет ҳокимиятининг таназзули ва демократик ўзгаришлар сари йўл тутилиши

Совет бошқарув тизими учун хос бўлган маъмурий буйруқбозлик, жамият тараққиёти қонуниятларига зид бўлган хўжалик юритиш усули айниқса, иқтисодиётдаги турғунлик ҳолатларининг юзага келтираётганлиги 70-йилларнинг охирларидаёқ аён бўла бошлаган эди. Объектив имкониятларни инобатга олмай қабул қилинган ва уддаланиши мумкин бўлмаган «Беш йиллик» режалари табиий равишда кўзбўямачилик, қўшиб ёзишларни келтириб чиқарди.

XX аср 80-йилларининг ўрталарига келиб, совет жамиятида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида танглик ҳолати кучайиб борди. Иқтисодиётдаги жиддий нуқсонлар, сарф-харажатларнинг юқорилиги, ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлигининг пастлиги, бошқарувнинг ўта марказлашганлиги, ижтимоий-иқтисодий жабҳада муаммоларнинг кучайиши ва чигаллашиб кетишига олиб кела бошлади.

XX аср 80-йиллари ўртасигача халқ хўжалиги ва иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларига тегишли режаларнинг бажарилиши қоғоздаги кўрсаткичларда 100% бўлсада, амалиётда мутлақо бошқача эди. Айниқса, қишлоқлардаги аҳвол ниҳоятда оғир ва кескин эди.

Бу даврда ўзбек халқининг тўртдан уч қисми қишлоқларда, бир қисмигина шаҳарларда истиқомат қилди. Қишлоқлардаги барча муаммолар, асосан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва биринчи навбатда, пахтачилик билан боглиқ бўлди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида ортга кетиш яққол кўзга ташлана бошлади. 1980 йилда 7 та туман, 56 та колхоз ва совхоз, 432 та бригада қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича режа топшириқларини бажара олмади[256] .

1983 йил вилоят бўйича 1900 тонна гўшт, 11,7 млн. дона тухум кам етиштирилди. Режага нисбатан 232

[256] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 27-иш, 170-171-варақлар.

тонна гўшт, 1606 тонна сут, 2 млн. 374 минг дона тухумни кам тайёрланди. 1983 йил вилоятда 20 минг хонадон йирик ва майда шохли молларга эга эмас эди[257].

XX аср 70-йиллари иккинчи ярмидан бошлаб, 80-йилларнинг ўрталаригача бўлган давр мобайнида расмиятчилик, кўзбўямачилик, қўшиб ёзишлар оқибатида натижалар сохталаштирилди. Статистика ҳисоботларини чалкаштириш фактлари кўплаб содир бўлди. Бунга чорва моллари учун озуқа тайёрлашни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Айрим хўжаликлар тайёрланган ем-хашак миқдорини орттириб кўрсатганлар. Масалан, 1980 йилнинг ўзида Тўрақўрғон туманидаги «Шарқ юлдузи» номли колхоз 1002 тонна, Уйчи туманидаги Свердлов номли колхоз 713 тонна, Задарё туманидаги «Украина» номли совхози 246 тонна озуқани қўшиб ёзганлар. Чуст туманидаги Ленин номли колхозда 91,9 тонна, Задарё туманидаги «Гигант» номли колхозда 48,8 тонна, Чуст туманидаги «Ленинград» номли колхозда 39 тонна сут қўшиб ёзилганлиги аниқланган. Халқ назорати органлари 1983 йили 40 та хўжаликда 393,3 минг тут кўчатлари ўтқазилди деб ошириб ёзилганини аниқладилар. Шунинг 100 минг тупдан ортиғи Норин тумани хўжаликлари ҳиссасига тўғри келди[258].

1984 йили Поп туманидаги Жданов номли колхозда тайёрланмаган 25000 тонна дағал хашак қўшиб ёзилган. Шу йили Уйчи тумани хўжаликлари қиш учун тайёрланган озуқанинг ярмисини 2 ой мобайнида чорва молларига едириб юборганлиги, амалда тайёрланмаган озуқалар миқдори қўшиб ёзилганлигидан далолат беради[259].

Маъмурий-буйруқбозлик тизими иқтисодий кўрсаткичларга эришиш учун экстенсив йўлни танлашга мажбур этар эдики, ортиқча ерларнинг ўзлаштирилиши сув ресурсларини самарасиз исроф қилинишига олиб келди.

---

[257] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 200-иш, 42-43-варақлар.

[258] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 27-иш, 53-54-варақлар.

[259] НВДА, 275-фонд: 2-рўйхат, 203-иш. 72-варақ.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида интенсив усуллардан фойдаланмаслик, асосий ишнинг қўл кучи орқали бажарилиши пахта таннархининг ошиб боришига олиб келди. Масалан, 1983 йилда 1 центнер пахтанинг нархи 49 сўм 6 тийинни ташкил этган бўлса, 1984 йилда 53 сўм 21 тийинга тўғри келди. Баъзи туманларда кўрсаткич бундан ҳам ёмон эди. Масалан, Тўрақўрғонда 55 сўм, Косонсойда 60 сўм, Задарёда 78 сўм 50 тийинга тўғри келди. Вилоят бўйича 1981 йил ялпи ҳосилнинг 18% и 4-навга сотилган бўлса, 1983 йилда бу кўрсаткич 23,6% ни, Чуст туманида эса ҳатто 35% ни ташкил этди. Айтиб ўтиш жоизки, 4-нав пахта ҳосилидан хўжаликлар фақат зарар кўрар эди. Шу орқали 1984 йилда вилоят режадагидан 14,1 млн. сўм кам фойда олди. Айни даврда бу ҳолатни «Марказ»дагилар тушунишни ҳам хоҳламас эдилар. «Оқ олтин»ни сўнгги мисқолигача териб олиш «ихтиёрий ва мажбурий» тарзда талаб қилинар эди. Айрим хўжаликлар пахтачиликдан ҳатто зарар ҳам кўрар эдилар. Масалан, Задарёдаги «Украина», Косонсойдаги Куйбишев номли, Чустдаги «Ленинград» номли жамоа хўжаликлари шулар жумласидандир[260]. Шунга қарамай, янги ерларни ўзлаштириш учун 1984 йилда 70 млн. сўм пул сарфланди[261].

Вилоятда пахта, узум, сут сотиш бўйича белгиланган давлат режаси XI беш йилликда (1980-1985 йиллар) бажарилмади. Иқтисодиётнинг турғун ҳолати ва хўжасизлик оқибатида 1985 йилда келгуси йил уруғлик картошкасидан 789 тоннаси чириб кетган, 225 тоннаси эса умумий овқатланишга сарфлаб юборилган эди[262].

1984 йил вилоятда узум тайёрлаш ва гўшт етиштириш бўйича давлат режалари бажарилмади. Иқтисодиётнинг маъмурий-буйруқбозлик тизими асосида бошқарилиши, режаларни бажаришдаги лоқайдлик оқиба-

[260] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 201-иш, 53-варақ.
[261] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 203-иш, 72-варақ.
[262] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 312-иш, 43-варақ.

тида 1984 йилнинг 11 ойи давомида вилоятда 3076 бош қорамол тирик вазни 154 кг, 11000га яқин қўй-эчки тирик вазни 29 кг бўлгани ҳолда, мажбуран сўйиб юборилган. Чортоқ ва Янгиқўргон туманларидаги кўрсаткич бундан ҳам паст эди. Шу каби сабаблар оқибатида 600 тоннага яқин гўшт топширилмай қолди. Шу билан бир қаторда режани бажариш йўлида камомадни аҳолидан сотиб олинган гўшт ҳисобидан қоплаш ҳолатлари ҳам содир этилди. 1984 йилда Наманган туманида жами тайёрланган гўштнинг 50%и, Учқўрғон туманида 58%и, Чуст тумани Ленин номли колхозда ҳатто 93%и аҳолидан сотиб олинган моллар ҳисобига тўғри келди[263]. Табиийки, бу ҳол ишлаб чиқариш суръатларининг кескин даражада пасайиб кетаётганлигидан далолат берар, иқтисодиётда давлат секторининг яккаҳокимлиги, мулкнинг эгасизлиги - хўжасизлик каби ҳолатлар натижаси эди.

1986-1989 йиллар мобайнида қўй-эчкилар сони 10,6%га камайиб кетишига йўл қўйилди. Гўшт ишлаб чиқариш бўйича беш йилликнинг дастлабки уч йили режаси Чуст туманида, сут топшириш Поп туманида, тухум етиштириш Косонсой, Уйчи, Наманган туманларида бажарилмай қолди[264] .

1986 йилда вилоятдаги қорамол бош сонлари кўпаймади, аксинча камайди. Айниқса, қўй ва эчки боши сони асоссиз равишда камайиб кетди, яъни кейинги уч йилда 80 минг бошга озайди. Охирги уч йилда Поп туманида сигирлар боши сони 28% га, Янгиқўрғон туманида эса 15% га камайди. Шу давр ичида қўй ва эчкилар сони Поп туманида 18 минг, Чуст туманида эса 7 мингтага озайиб кетди[265] .

Ер ва сув ресурсларининг чекланганлигидан XX аср 80-йиллари охирларига келиб, экин майдонларини кенгайтириш имкониятлари бутунлай тугади ва қишлоқ

---

[263] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 205-иш, 71-варақ.

[264] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 686-иш, 7-варақ.

[265] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 429-иш, 35-36-варақлар.

хўжалигини ривожлантиришнинг интенсив йўлига ўтишни тақозо эта бошлади. Шу даврда вилоят бўйича жон бошига 0,15 гектар экин майдони тўғри келди, республика бўйича эса бу кўрсаткич 0,22 гектарни, собиқ иттифоқда эса 0,74 гектарни ташкил этди. Бундай ҳолат аҳоли даромади ҳажмининг ўсишига салбий таъсир кўрсатди. Қишлоқ жойлардаги кўп болали оилаларда эса даромаднинг камайиб кетишига ва иқтисодий-ижтимоий вазиятнинг кескинлашувига олиб келди. Мазкур фактларнинг ҳаммаси, қолаверса, аҳоли сонининг табиий ўсиши, яъни бу республика кўрсаткичларидан 10%, собиқ Иттифоқ даражасидан 3,5 баробар ортиқ бўлиб, ижтимоий соҳада кескин вазиятни вужудга келтирди[266]. Наманган республикадаги вилоятлар орасида иқтисодий кўрсаткичлар бўйича деярли юқори ўринда турганида ҳолда, ижтимоий соҳада: товар обороти, пуллик хизматни ривожлантириш, турар жой билан таъминлаш, кутубхона ва клуб муассасалари, кинотеатрлар, мактабгача тарбия муассасалари ва алоқа воситалари бўйича ўртача республика ва собиқ иттифоқ даражасидан сезиларли равишда орқада эди.

XX аср 90-йиллари бошларида республика раҳбарияти марказ олдида пахта яккаҳокимлигини бартараф қилиш борасидаги дадил таклифларни илгари сурди. Буни И.А.Каримовнинг қуйидаги сўзларидан ҳам билиш мумкин: «...Мен қатъий қилиб, пахта етиштиришни 700000 тоннага камайтирамиз деб айтдим. Бу 250-300 минг гектар майдон демакдир»[267].

1990 йилда вилоятда пахта етиштириш режасининг миқдори 42 минг тоннага озайтирилди. 1984-1985 йилда режа 455 минг тонна бўлган бўлса, 1990 йилда у 322 минг тоннага туширилди[268].

Ижтимоий-иқтисодий вазият ва муаммоларнинг кескинлашуви вилоятда жиноятчиликнинг кўпайишига

---

266 НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 687-иш, 4-5-варақлар.

267 *Каримов И.* Бизни капитализмни хатлаб ўтишга ўргатишган // Наманган ҳақиқати.-1991.-13 март.

268 НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 834-иш, 18-варақ.

олиб келди. Жумладан, тартиббузарлик, яъни, безорилик 12% га, ўғирлик 16% га, хавфли жиноятлар 20 % га ўсди[269].

Вилоят ижроия комитети советининг 1985 йилнинг 19 декабрида бўлиб ўтган XIX чақириқ IV сессиясида эътироф этилишича, 80-йилларнинг ўрталарида Наманган вилоятида ҳам мулкни талон-торож қилиш, чайқовчилик, порахўрлик каби жиноятлар кўплаб содир этилган[270].

Вилоят бўйича жиноий ҳаракатлар 1983 йилда 28,4% ошди. 1989 йилнинг 8 ойида вилоятда деярли барча турдаги жиноятлар кўпайди. Шу жумладан, оғир жиноятлар ўтган йилнинг 8 ойига нисбатан 44,8% га ўсди. Шу давр ичида шахсий мулкни ўғирлаш билан боғлиқ жиноят 1,5 мартадан кўпроқ, безорилик эса 34% кўп содир этилди. СССР Олий Советининг 1989 йил 4 августдаги «Жиноятчиликка қарши курашни қатъий кучайтириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ вилоятда ва Наманган шаҳрида жиноятчиликка қарши курашувчи Мувақкат Комитет тузилди. Ушбу комитет жиноятчиликка қарши олиб борилаётган ишлардаги аҳволни чуқур таҳлил қилиши, уларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиши, тегишли давлат ва жамоат органларидан бу ишларда йўл қўйилаётган камчиликлар учун маъсулият талаб қилиши лозим эди[271]. Бироқ, кўрилган чора-тадбирлар ўз самарасини бермади. Чунки, вилоятда жиноятлар сони ортиб бориши бу ердаги ижтимоий муаммоларнинг йиллар давомида ҳал қилинмаганида эди.

Шуни эътироф этиш лозимки, шундай мураккаб ижтимоий вазиятда ҳам ўзбек халқининг фидокорона меҳнати эвазига бир қатор ишлар амалга оширилди. Аммо бошқарувда маъмурий-буйруқбозлик тизими ҳукмрон бўлиб, эришилган натижалар марказ манфаатларига хизмат қилар эди. Бу хусусда Ўзбекистон

[269] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 27-иш, 180-варақ.

[270] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 312-иш, 50-варақ.

[271] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 686-иш, 32-33-варақлар.

Республикаси Президенти ўз маърузаларидан бирида: «Унитар тизимни қоралар эканмиз, шу билан бирга биз ўтган 70 йилдан кўпроқ давр мобайнида қилинган муайян хайрли ишлардан кўз юма олмаймиз. Чунки, бу ишлар халқларнинг иродаси билан амалга оширилган. Шунинг учун ҳам биз Ватанимизнинг бугунги тарихи тўла-тўкис, ҳеч қандай ғоявий либосларни кийдирмасдан, яъни унинг ўзи қандай бўлса, худди мана шундай ҳолда халқ мулкига айланишини истаймиз»[272] ,-деган эди.

1990 йилда вилоятга ташқаридан истеъмол ва қайта ишлаш учун келтирилган 2,1 млрд сўмлик товар хомашё ва ишлаб чиқариш воситаларининг 70%и тайёр маҳсулот кўринишига эга бўлса, вилоятдан чиқиб кетаётган 1,4 млрд сўмлик маҳсулотнинг 30 фоизи хом ашё ёки ярим фабрикатлар эди. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришда енгил, маҳаллий ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга кўпроқ эътибор бериш анъанаси давом этди. Илм-фан асосида ишлайдиган ва кўп меҳнат талаб қиладиган машинасозлик, радиоэлектроника, электр-техника, асбобсозлик ва бошқа соҳаларни ривожлантириш ниҳоятда секинлик билан борди. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришга бўлган бундай муносабат иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда номутаносибликни вужудга келтириб, вазиятни таранглаштирди.

Вилоят саноатининг экспорт потенциали жуда ҳам паст бўлиб, жами маҳсулотнинг атиги 4% ини ташкил қилар эди. Шунинг ҳам 80% и хом ашё ва ярим фабрикатлар эди. Вилоят ҳудудида ҳосил қилинган даромаднинг 20 %и гина вилоят бюджетига тушар эди. Иттифоққа бўйсунувчи корхоналар ўз фойдаларидан маҳаллий бюджет учун иттифоқ тармоқ вазирликларига ажратаётган маблағга нисбатан етти марта кам маблағ ажратар эди.

Шу даврдаги вилоят иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири экин ерининг чекланганлиги эди. Моддий тармоқлардаги молиявий аҳвол ҳам оғир-

[272] Ўзбекистон овози.-1991.-2 ноябрь.

лигича қолмоқда эди. Молиявий баланслаштирилган, молия-кредит ва бюджет тизимининг бузилгани туфайли 1990 йилги вилоят бюджети камомад билан якунланди. Истеъмол бозорида товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжнинг қондирилмаганлиги, пул муаммосининг бузилиши, пул эмиссиясига салбий таъсир кўрсатди. 1989 йилда унинг ҳажми 46 миллион сўмни ташкил этган бўлса, 1990 йилда эса 120 миллион сўмга етди[273]. Бунинг барчаси Наманган вилоятини бозор муносабатларига ўтказишдаги бошланғич шароитлари ўзининг имкониятлари чекланганлиги билан умумиттифоқ ва республика шароитларидан фарқ қилиб, салбий жараёнларни бартараф қилишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишда юқоридаги ва бошқа хусусиятларни ҳисобга олишни талаб қилар эди.

Вужудга келган таркибий номутаносибликларнинг энг жиддий оқибатларидан бири аҳолининг иш билан бандлиги даражасининг пастлиги бўлиб, у аҳоли даромадлари ўсиш суръатининг пастлигига асосий сабаб бўлди. 80-йилларнинг иккинчи ярмида вилоятдаги энг катта ижтимоий муаммолардан бири - ишсизлик масаласи бўлиб, меҳнатга яроқли аҳолининг иш билан таъминлаш муҳим ижтимоий муаммо эди. 1989 йил шахсий хўжалик билан банд бўлган ишга яроқли аҳоли салмоғи 1985 йилдаги 33,6% дан 30,5%га туширилди холос. Ҳали 200 мингдан ортиқ киши ишлаб чиқаришга жалб этилмаган эди[274]. СССР Министрлар Совети 1989 йил 28 октябрда 904-сонли «Ўзбекистон ССРнинг Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш учун шароитларни яратиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чоралар ҳақида»ги қарорини қабул қилди. Мавжуд муаммоларни ҳал этишда баъзи бир ижобий силжишларга эришилди. 1986-1988 йилларда вилоят халқ хўжалигида меҳнатга жалб этиш имкониятлари 53,4 минг ишчи

[273] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 834-иш, 153-варақ.

[274] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 686-иш, 31-варақ.

ўрнига кенгайди. Айни пайтда шу давр мобайнида меҳнат ресурслари 48 минг кишига ўсди[275]. Бироқ, қабул қилинган комплекс дастур илмий жиҳатдан чуқур-пухта ишлаб чиқилмаганлиги, ижрокомлар, хўжалик раҳбарларининг ташкилотчилик ишларидаги сусткашликлари оқибатида тўла бажарилмади.

1990 йилнинг март ойида вилоятда 79 мингдан зиёд ишсиз мавжуд бўлиб, уларнинг 44 мингга яқини 29 ёшгача бўлган ёшлар эди. Фақат 1990 йилнинг ўзида мактабни, ҳунар-техника билим юртларини тугатган ёшлардан 1500 таси ижтимоий фойдали меҳнатга тортилмаган эди. Шу боис, 1991-1992 йиллар мобайнида 44 мингга яқин янги иш жойлари барпо этилди. Шу даврда турар-жой олиш учун навбатда турганлар сони 10 мингдан ошиб кетди. Якка тартибда уй қурмоқчи бўлганлар сони кўп бўлиб, аксарияти ёшлар эди. Кейинги 2 йил мобайнида давлатдан қарз сўраб берилган 31 мингга яқин аризаларнинг 24 минги қондирилди, аҳолига 68 миллион сўмдан зиёд маблағ берилди. 1991 йилда эса яна қўшимча 7120 кишидан ариза тушди. Вилоятда беморларнинг 70-75%и 30 ёшгача бўлган болалар, ўсмирлар ва ёшлар эди. 1988-1990 йиллар ичида ҳатто гиёҳвандлик ҳам тарқала бошлаган эди[276].

Вилоят аҳолисининг моддий турмуш даражаси талабга жавоб бермас эди. Пахта яккаҳокимлиги, иқтисодиётнинг тор доирадаги ихтисослашуви, турмуш фаровонлигини белгиловчи кўрсаткичларнинг республика ва собиқ иттифоқнинг ўртача даражасидан ҳам пасайиб кетишига олиб келди. Масалан, вилоятда 1988 йилда жон бошига ишлаб топилган миллий даромад республика даражасига нисбатан 85% ни, собиқ Иттифоқдагига таққослаганда эса 41% ни ташкил этди[277].

Бу албатта, халқнинг турмуш шароитини анча

---

[275] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 687-иш, 2-варақ.

[276] Ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни такомиллаштирайлик // Наманган ҳақиқати.-1991.-15 январь.

[277] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 687-иш, 4-варақ.

қийинлаштириб қўйди. Масалан, 1990 йил бошига келиб республикада 9 миллион ёки бутун аҳолининг 45 фоизи жон бошига ҳисоблаганда ойига 75 сўмдан камроқ даромадга эга эди. Бу эса кун кечириш учун зарур бўлган энг паст даражадагидан ҳам кам эди[278].

1985 йил вилоятда 27 километрли водопровод, 41 километрли газ тармоқлари ишга туширилди, 1400 хонадон эса табиий газ билан таъминланди. Вилоят аҳолисининг ёнилғи, газ ва тоза ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш муаммоси суст ечилмоқда эди. 1989 йил 1 июль ҳолатига оилаларни газ билан таъминлаш даражаси 87,5%, шу жумладан, қишлоқ жойларида 80%ни, табиий газ билан таъминлаш мос равишда 29,2 ва 10,4% ни ташкил этди. Тоза ичимлик суви билан таъминлаш вилоят бўйича 66,4% шунингдек, қишлоқ жойларида 61,9% ни ташкил этди. Тоза ичимлик суви таъминоти Косонсой, Поп ва Тўрақўрғон туманларида 30% ни, Норин туманида 27%ни, Тошбулоқ шаҳарчасида 26%ни ташкил этди[279].

Иқтисодиёт ва бошқарувнинг ўта даражада марказлашиб кетганлиги, халқ хўжалигида сифат эмас, балки сон ортидан қувилиши, объектив имкониятларни инобатга олмасдан қабул қилинган режаларнинг бажарилишидаги кўзбўямачиликлар ва уларнинг салбий натижалари аҳоли турмуш даражасининг пасайишида яққол намоён бўла бошлади. Жумладан, Уйчи тумани марказида 1985 йилнинг сентябрида давлат комиссиясининг рухсати билан фойдаланишга топширилган 48 квартирали уйга шу йилнинг декабр ойида ҳам аҳоли кўчиб кира олмади. Бунинг асосий сабаби, уйнинг яроқсизлиги, режа ва муддат ортидан қувиб шошма-шошарлик асосида қурилиши, чала ҳолатдаги уйнинг фойдаланишга топширилиши эди. Худди шу каби ҳолатларни Наманган шаҳрида барпо этилган айрим бинолар қурилишида ҳам кузатиш мумкин эди[280].

---

[278] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 687-иш, 7-варақ.

[279] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 686-иш, 15,17-варақлар.

[280] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 312-иш, 35,40-варақлар.

Наманган вилояти мазкур даврда аҳоли зичлиги ва табиий ўсишнинг юқорилиги бўйича собиқ Иттифоқда энг юқори ўринларда турар эди. 1989 йилги аҳоли рўйхати бўйича вилоятда 1470871 киши истиқомат қилган. Шулардан 1252218 киши ёки 85,1 % ўзбеклар, 129963 киши ёки 8,9 % тожиклар, 27229 киши ёки 1,9 % руслар. Умумий аҳолининг қолган 4,1 %ини бошқа миллат вакиллари ташкил этган[281].

1983 йил ўрта мактабларни олтин медаль билан тамомлаган ёшларнинг олий ўқув юртларида биринчи имтиҳонданоқ йиқилаётгани, ҳунар-техника билим юртларини битирувчиларининг эса ишлаб чиқаришга келгач, улар билим юртида эгаллаган касбига қайтадан ўргатилаётгани ҳақидаги фактлар мазкур даврда таълим тизимида ўзига хос нуқсонлар мавжудлигини кўрсатар эди[282].

Ҳунар-техника таълими тизимида бир кишини ўқитиш учун йилига 1000 сўмга яқин маблағ сарфланди. 1986 йилда халқ хизматига кундузги таълим ҳунар-техника билим юртларидан 102 мутахассислик бўйича 10187 киши ишга юборилди. 1987 йилнинг 1 январида уларнинг атиги 75,5% игина ишлаётгани аниқланди. Ишчи мутахассисларнинг ишлаб чиқаришдаги тургунлиги 1984 йилга нисбатан 11% га кўпайган бўлса-да, бироқ у ҳамон паст даражада турар эди. Кўплаб иш жойларида кадрлар бошқа мутахассисликлар бўйича меҳнат қилишларига тўғри келди. Масалан, Янгиқўрғон туманидаги Карл Маркс ва Ильич номли, «Победа» совхозларида 33-ҳунар-техника билим юртининг битирувчи тракторчилари сувчилик қилишган. XI беш йиллик ва 1986 йил мобайнида вилоят ҳунар-техника билим юртларининг 5 минг нафар битирувчиси мутахассислиги бўлмаган ишларга жойлаштирилган[283]. Мазкур муаммолар, авваламбор, кадрлар тайёрлаш

---

[281] Юртимиз ва юртдошларимиз // Наманган ҳақиқати. -1991.-3 январ.

[282] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 100-иш, 69-варақ.

[283] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 513-иш, 44,45,46-варақлар.

масаласидаги режаларнинг юқоридан туриб маъмурий-буйруқбозлик асосида олиб борилганлигининг натижаси эди.

1987 йил вилоятдаги 29 та ҳунар-техника билим юрти вилоят агросаноати тармоқлари учун кадрлар тайёрлади. Режага кўра, 1986 йилда улар 8520 кишини қабул қилиши керак эди. Ҳолбуки, вилоят агросаноат комплексининг бу борадаги эҳтиёжи 4230 кишини ёки қарийб икки баробар кам кадрни талаб этган. Бу даврда режа ва талабномалар ўртасида шу каби номутаносиблик ҳукмрон эди. Бунинг устига ўрта махсус ҳунар-техника билим юртларида ишчи кадрларни ортиқча тайёрланаётганлигига қарамай, Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети 1987 йилда вилоят агросаноат комитетига параллел (мувозий) равишда қўшимча 2000 ишчини тайёрлаш, 2700 ишчини қайта тайёрлашни режалаштирди[284]. Шу билан бир пайтда ишлаб чиқариш учун зарур бўлган айрим мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашга эътибор қаратилмади.

1989 йил мавжуд 37 та ҳунар-техника билим юртида 120 хил касб-ҳунар бўйича кадрлар тайёрланди. Уларнинг 69%и замонавий ўқув бинолари билан тўла таъминланмагани ҳолда, ярмидан кўпроғида машғулотлар 2 сменада олиб борилди. Уларнинг 3 тасида ошхона, 6 тасида ётоқхона, 15 тасида спорт зали йўқ эди. Кабинет ва лабораториялар, устахона ва дастгоҳлар, ўқув қуроллари ва дарсликлар етишмаслиги оддий ҳол эди[285].

XX аср 90-йиллари бошларида маориф тизимида ўқитувчиларнинг етишмаслиги ҳам кузатилди. 1991 йил вилоятда 348, биргина Наманган шаҳрида 172 ўқитувчи етишмас эди. Вилоят бўйича 46 та мактаб авария ҳолатида, 126 таси эса мослашмаган биноларга жойлашган бўлиб, 66,6% мактабда машғулотлар икки сменада олиб борилди. 1990 йилнинг ўзида 17660 ўринли янги мактаблар қурилди. Авария ҳолатидаги 4 та

[284] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 513-иш, 43-варақ.
[285] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 686-иш, 29-варақ.

мактаб янги биноларга кўчирилди. Маданият министрлигига қарашли мавжуд 161 та клуб, муассасаларининг фақат 9 таси махсус қурилган биноларда жойлашган эди. 142 та қишлоқ клублари эса ўз биноларига эга эмас эди. Вилоятдаги 30 та спорт мактабига 19 минг ўқувчи жалб этилган бўлиб, бу ўрта мактаб ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг атиги 5% ини ташкил этган холос[286] .

XX аср 80-йилларида Марказнинг Ўзбекистонга нисбатан қўллаган махсус «кадрлар десанти» сиёсатидан вилоят бошқарув аппарати ҳам четда қолмади. Кадрлар сиёсати соҳасида партия ва совет ташкилотлари раҳбарлигидаги иккинчи шахс албатта рус ёки рус тилли миллат вакиллари ҳисобига мустаҳкамланадиган бўлди. Марказ вакилининг маҳаллий партия ташкилотлари ички ишига аралашишининг асосий сабаби шунда эдики, улар ҳамиша маҳаллий кадрларга ишончсизлик ва назар-писанд қилмасдан қарар эдилар. Учқўрғон туман партия комитети иккинчи котиблигига Волгоград шаҳридаги партия комитети инструкторини олиб келиб тавсия қилинди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмасдан умрида Ўзбекистонда бирор марта ҳам бўлмаган, бу юрт тарихи, урф-одати, маданий мероси ҳақида заррача тасаввурга эга бўлмаган шахсни вилоят партия комитети иккинчи котиби лавозимига сунъий тарзда қўйилди[287] . Бундай ҳоллар ўша кезларда деярли ҳар бир вилоятда юз берган. Шу билан бирга кадрлар масаласи билан шуғулланиш, уларнинг ижтимоий кафолатини таъминлаш, қолаверса, улар тақдирини ҳал қилиш бутунлай шундай шахслар қўлида эдики, бу мутлақо мантиқсизлик ва адолатсизликдан далолат берарди.

XX аср 80-йилларида «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» уйдирмалари асосида Марказнинг Ўзбекистондаги

---

[286] Ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни такомиллаштирайлик // Наманган ҳақиқати.-1991.-15январь.

[287] *Файзуллаев Т.* Ўзбекистон янги йўлда. - Т.: Ўзбекистон, 1993. - Б.13-16

қатағон сиёсатининг навбатдаги палласи амалга оширилди. Ўзбекистондаги «жиноятларни» текшириш мақсадида мамлакатнинг турли минтақаларидан тўпланган терговчилар гуруҳига иттифоқ бош прокурори ҳузуридаги алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи Т.Х.Гдлян бошчилик қилди. Кейинроқ иттифоқ прокуратурасидан юборилган терговчи Н.В.Иванов бу гуруҳга келиб қўшилиб, амалда Гдляннинг ёрдамчисига айланди.

Ушбу гуруҳ ўз фаолиятини асосан марказий партия ташкилотлари берган топшириқларни бажаришга киришиб, дастлаб ишни республикада юқори лавозимда ўтирган амалдорларни ҳибсга олишдан бошлади.

Республикада 4 йил давомида, яъни 1984 йилнинг июнь ойидан 1988 йилнинг сентябрь ойига қадар 58 минг раҳбар ходим алмаштирилди. Сохта маълумотлар асосида бутун ўзбек халқини айбловчи «пахта иши» ўйлаб топилди. Гдлян ва унинг тергов гуруҳи эса марказ сиёсий раҳбарлари учун вақтинчалик «қурол» вазифасини бажарган эди.

Ўзбекистон раҳбарияти марказнинг бу ишларини «инсон ҳуқуқларини оёқости» қилиш деб баҳолади. Президент И.А.Каримовнинг ташаббуси билан пахтачиликда қўшиб ёзишга йўл қўйганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган кишиларни авф этиш мақсадида ҳужжатлар тўплайдиган махсус комиссия тузилди. Истиқлолнинг дастлабки кунларида комиссия текширувидан кейин, 2940 киши реабилитация қилинди. Шундан 23 киши Наманган вилоятидан эди[288].

Бу хусусида вилоят сессиясида шундай дейилган эди: «...Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонимизни жарлик ёқасига олиб келиб қўйди, халқимизни нисбатан қашшоқликда ҳаёт кечиришга мажбур этди. Бунинг устига кадрлар сиёсатида қўпол бузилишларга йўл қўйилди. Гўёки бизнинг республикамизда ҳамма раҳбарлар айниган, виждонини сотган-у, улардан партия таш-

[288] *Юнусова Х.* Совет Қатағон сиёсатининг сўнгги босқичи тарихидан // Ўзбекистон тарихи.-2003. - №3. - Б.48.

килотларини, ҳукумат муассасаларини тозалаш ниқоби остида юртимизга халқимиз тарихи, маънавий бойлиги, маданияти, тили, урф-одати, анъаналарини билмайдиган, билишни ҳам, улар билан ҳисоблашишни ҳам истамаган «билимдон», «омилкорлар» тўдаси ташланди»[289] .

Президент И.А.Каримов ҳам бу борада: - «Бу қатағонлар (80-йиллар) даҳшати ва риёкорлиги жиҳатидан 30-50-йиллардаги тайзиқлардан ҳам ошиб кетди. Марказнинг Ўзбекистонга нисбатан тамомила халққа қарши сиёсатини амалга оширишда, ҳатто рус тилида сўзлашувчи маҳаллий кадрларни тайзиқ остига олишда Анишчев, Огорёк, Романовский, Сатин ва шуларга ўхшаш кишилар асосий қурол бўлишди» - деган эди[290] .

Вилоят фаоллари ҳам партия «номенклатураси»ни қоралаб, бу борадаги ўз қарашларини очиқ-ойдин баён эта бошладилар: «Бугуннинг ўзида биронта раҳбарлик лавозимига партия кўрсатмасисиз сайланмайди, мансабга даъвогарларнинг аввало комфирқадан характеристикаси бўлмоғи керак. Гўёки коммунист бўлмаганларда раҳбарлик қобилияти йўқдек»[291] .

Қайта қуриш давридаги ўзига хос «ислоҳот»лардан бири, вилоят мисолида туманларнинг тузилиши ва уларнинг чегараларини қайта кўриб чиқиш масаласи бўлди. Масалан, 1988 йилнинг 2 сентябрида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони матбуотда эълон қилинди. Унга кўра, Наманган вилоятининг Чортоқ тумани тугатилиб, унинг ҳудуди Янгиқўрғон тумани таркибига ўтказилган, Янгиқўрғон туманининг маъмурий маркази Янгиқўрғон шаҳар посёлкасидан Чортоқ шаҳрига кўчирилган эди. Бу янгиқўрғонликларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди. Бунга бир қатор сабаблар бор эди, албатта. Аввало, Янгиқўрғон

---

[289] *Ҳакимов Б.* Жипслик ва ҳамжиҳатлик давр талаби //Наманган ҳақиқати.- 1991.-10 сентябрь

[290] *Каримов И.А.* Ижтимоий-сиёсий вазият ва республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида //Наманган ҳақиқати.-1991.-17 сентябрь

[291] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 861-иш, 89-варақ.

қишлоғи қадимдан туманнинг маъмурий маркази бўлиб, у туман ҳудудининг қоқ ўртасида жойлашган эди. Тумандаги барча қишлоқлардан келувчи магистрал йўллар ҳамда қўшни Косонсой тумани ва Қирғизистон қишлоқ-овулларининг йўллари ҳам Янгиқўрғон шаҳарчасида туташар эди. Шу боис туман марказининг Янгиқўргондан Чортоқ шаҳрига кўчирилиши аҳоли учун вақт ва сарф-харажатларни камида икки бараварга оширар эди. Аҳоли туманнинг маъмурий марказини Янгиқўрғон шаҳарчасида қолдириш учун 4 сентябрь куни намойишга чиқди. Аҳоли норозилигига қарамай, Янгиқўрғон туман фирқа қўмитаси Чортоқда, меҳнаткашлар депутатлари туман Кенгаши ижроия қўмитаси Янгиқўрғон шаҳарчасида туриб, туманга раҳбарлик қилишди.

Фақатгина 1989 йил 17 май куни Наманган вилоятида маркази Чортоқ шаҳрида бўлган Чортоқ тумани қайта тикланди. Янгиқўрғон туманининг маъмурий маркази эса Чортоқ шаҳридан Янгиқўрғон шаҳрига кўчирилди[292] .

Шундай қилиб, «қайта қуриш» йилларида Наманган вилоятида бир қатор ижтимоий-иқтисодий, аҳоли бандлиги муаммолари мавжуд эди.

Шундай қилиб, Иккинчи жаҳон уруши йилларида барча ўзбекистонликлар қатори наманганликлар ҳам халқ хўжалиги соҳасида ва фронтларда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Босиб олинган ҳудудлардан кўчириб келтирилган корхоналар тезлик билан ишга туширилди. Эвакуация этилган кишиларга вилоят аҳли томонидан меҳр-мурувват намуналари кўрсатилди. Вилоят аҳли ўз маблаглари ҳисобидан ҳарбий қисмлар учун мудофаа фондлари ташкил этдилар. Уруш йиллари Челябинск шаҳрида, Бекобод металлургия заводида, Чирчиқ электрохимия комбинатида, Тошкент кўмир шахтасида, Чирчиқ алюмин эритиш заводида, Астрахан нефть базасида, Бўзсув электростанциясида, Фарҳод ГЭСи қурилишида кўплаб наманганликлар меҳнат қилдилар.

---

[292] *Қиргизов.Ю., Акрамов Т.* Бир ўлкаки...Б.115-117.

Урушдан кейинги йилларда вилоят ҳаётининг барча соҳалари бутун Ўзбекистонда бўлгани каби коммунистик мафкура манфаатларига бўйсундирилди.

Урушдан кейинги йилларда вилоят ижтимоий ҳаёти ниҳоятда оғир кечди. Маориф ва тиббиёт соҳасида кадрлар етишмаслиги асосий муаммолардан бири эди.

XX асрнинг 50-60 йилларида саноат ишлаб чиқариши илгариги йилларга нисбатан ортган бўлса-да, бироқ бу қўшни вилоятларга нисбатан паст даражада эди.

XX аср 70-йиллари охирларидан бошлаб иқтисодий ўсиш суръатларида пасайиш кўзга ташланади. 80-йиллар бошларидан бошлаб эса, қўшиб ёзишлар, кўзбўямачиликлар одатий тус олиб, натижалар сунъий равишда бўрттириб кўрсатила бошлади. Пахта яккаҳокимлигининг салбий оқибатларидан бири шу бўлдики, янги экин майдонларининг ўзлаштирилиши, ортиқча ва самарасиз сарф-харажатлар вилоятдаги маблаг билан боғлиқ ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилишига салбий таъсир кўрсатди.

Мазкур даврда миллий урф-одат ва диний қадриятларга амал қилиб келаётган кишилар қаттиқ танқид қилиниб, қолоқликда айбландилар. Ҳатто вилоят сессияларида уларнинг ишлари муҳокама қилинди. Кишиларнинг виждон эркинлиги борасидаги ҳуқуқлари оёқости қилинди. Набихон Хўжаев-Чустий, Абдулҳамид Маҳдум Девона каби кўплаб наманганликлар қатағонликнинг янги тўлқинига дучор бўлдилар.

Ҳаққоний имкониятларни инобатга олмай қабул қилинган ва уддаланиши мумкин бўлмаган «Беш йиллик» режалари табиий равишда кўзбўямачиликларни келтириб чиқарди. Бунинг оқибатида эса XX аср 80-йилларининг ўрталаридан эътиборан, иқтисодий соҳада қатор муаммолар юзага келди. Шу йилларда тўқиб чиқарилган «Пахта иши» муносабати билан кўплаб наманганликлар ҳам жиноий жавобгарликка тортилдилар.

XX аср 80-йиллари охирларидан эътиборан ишсизлик масаласи вилоятдаги энг долзарб ижтимоий муаммога айланди. Ушбу даврда жиноятчилик айрим турларининг ўсганлиги ҳам кузатилди.

# МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

### *Ижтимоий муаммолар ечимидаги саъй-ҳаракатлар ва уларнинг натижалари*

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётида улкан ўзгаришлар даври бошланди. Олий вакиллик органи ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти борасида амалий ишлар қилинди. Анъанавий бошқарув тизими қайта тикланди. Вилоят ва туманларда ҳокимликлар жорий этилди. Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялаш давлат сиёсатининг бош йўналишини ташкил этди. Мулкчиликнинг янги шакллари вужудга келди. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида нодавлат секторининг ҳиссаси ошиб борди. Айни пайтда саноат, қишлоқ хўжалиги ва савдода бу кўрсаткич салмоқли миқдорни ташкил этди. Иқтисодиётнинг ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида ислоҳотлар изчил тарзда амалга оширила бошланди.

Мустабид тузумдан мерос сифатида қолган ва йиллар давомида тўпланган ҳамда ўз ечимини топа олмаган ижтимоий муаммолар Наманган вилояти ҳудудида мустақилликнинг қўлга киритилиши ва мустаҳкамланиш жараёнида ўзига хос тарзда намоён бўлди. Бу биринчи навбатда, демографик муаммолар, ишсизликнинг юқори даражадалиги, мавжуд иш ўринларининг етишмаслиги, аҳоли салмоғида ёшларнинг катта нуфусга эгалиги каби жиҳатлари билан изоҳланади. Шу боис, мустақилликнинг дастлабки кезларида вилоят раҳбарияти олдида ушбу муаммоларнинг ечими кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифалар сифатида турар эди.

Наманган вилояти республика ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ва ўзига хос ўринга эга. Истиқлолнинг дастлабки йилларида Наманганда республика аҳолисининг 7,6%и истиқомат қилди. Вилоят Ўзбекистонда яратилаётган миллий даромаднинг 7% ини берди. Шу йиллари ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг салкам 8%и, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 7% и вилоят ҳиссасига тўғри келди[293] .

Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари орасида Ўзбекистон аҳолиси энг зич жойлашган ҳудуд ҳисобланади. Яъни, 1 км надстроиныйга 51,4 киши тўгри келади[294] . Бу кўрсаткич, Фарғона водийси, хусусан, Наманган вилоятида бутун дунёдаги энг юқори даражалардан бирини ташкил этиб, 2007 йил 1 январь ҳолатига кўра, 1 км$^2$га 287 киши тўгри келди[295] .

Вилоят аҳолининг табиий ўсиши юқорилиги билан ажралиб туради. Масалан, 1926 йилда ҳозирги вилоят ҳудудида 397,8 минг киши истиқомат қилган бўлса, 1939 йил бу кўрсаткич 521,4 минг кишини ташкил этди. Аҳоли сони 1985 йилда 1341,0 минг кишидан 1997 йили 1830,0 минг кишига етди[296] .

1991 йил 1 сентябр ҳолатига вилоят аҳолиси 1590,1 минг кишини, шундан шаҳар аҳолиси 609,6 минг, қишлоқ аҳолиси эса 980,5 минг кишини ташкил этди. 15 йил мобайнида вилоят аҳолиси 549,6 минг кишига кўпайиб, 2139,7 минг кишига етди. Аҳолининг йиллик ўсиши ўртача 2,2 фоизга тенг бўлиб, аҳоли сони ҳар йили 35-36 мингтага кўпайди. Вилоят бўйича қишлоқ фуқаролари йиғинлари 99 та, шаҳар типидаги посёлка кенгашла-

---

[293] *Рапигалиев Б.* Бутун куч ва эътибор-давлатимиз мустақиллигини амалий ишлар билан мустаҳкамлашга! //Наманган ҳақиқати.-1993.-23 февраль.

[294] *Левитин Л.* Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. - Т.: Ўзбекистон, 2001. - Б.173.

[295] Наманган вилоятининг 1991-2007 йиллар ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари. *Изоҳ:* Мазкур маълумотлар қўлёзма (компьютерда терилган нусха) шаклида олинган бўлиб, (муҳр ва имзо билан тасдиқланган) тадқиқотчининг шахсий архивида сақланмоқда. Б.1.

[296] *Абдуллаев О.* Фарғона водийси: ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари. - Наманган, 2000. - Б.40.

ри 11 та, жами маҳалла қўмиталари 740 тани, оилалар сони эса 467929 тани ташкил этди[297].

Вилоят аҳолисининг 1917 йили 7,9%и шаҳарларда, 92,1%и эса қишлоқларда яшаган. 1939 йилда эса 19,8%и шаҳарларда, 80,2%и қишлоқларда яшаган. 1970 йилга келиб аҳолининг 29%и шаҳарларда, 71%и эса қишлоқларда истиқомат қилган. 1992 йилда эса аҳолининг 38,3%и шаҳарларда, 61,7%и эса қишлоқларда яшаган. Вилоятда кўп болали оилалар кўпчиликни ташкил этади. Бир оилада беш ва ундан ортиқ болаларга эга оилалар XX асрнинг 70-йилларида вилоятдаги жами оилаларнинг 50%ини ташкил этган. Бир оилада яшовчиларнинг ўртача сони 1959 йили 4,4 киши ташкил этган бўлса, 1989 йили 5,8 кишини, 1993 йилда эса 3,9 кишини ташкил қилган. 1992 йил маълумотларига кўра, вилоятда 50 дан ортиқ миллат вакиллари истиқомат қилдилар. Аҳолининг асосий қисмини яъни, 88,4%и туб жой аҳолиси бўлмиш ўзбеклар ташкил этди[298].

2002 йилда вилоят аҳолисининг миллий таркиби қуйидагича эди: аҳолининг асосий қисмини ўзбеклар (87,8%), шунингдек, тожик (9,0%), қирғиз (1,0%), рус (0,8%)лар ташкил этди. Аҳоли зичлиги ўртача 1 км$^2$га 266 кишидан тўғри келди. Қишлоқ аҳолиси 1238,9 минг кишини, шаҳар аҳолиси 743,8 минг кишини ташкил этди[299].

2007 йилда вилоят маркази Наманган шаҳрининг аҳолиси 420,1 минг кишини ташкил этиб, мустақиллик йилларида 23,5 минг кишига кўпайди[300].

Республика қишлоқ аҳолиси 1979 йилдан 1992 йилгача қарийб 1,5 баробар кўпайди ёки 9.043 млндан 12,7 млн. кишига етди. Шу давр ичида қишлоқ аҳолиси Наманган вилоятида 722 мингдан 963 минг кишига кўпайди[301]. Бу ҳолат ўз навбатида меҳнат ресурслари-

---

[297] Наманган вилоятининг 1991-2007 йиллар ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ... Б.3.

[298] *Абдуллаев О.* Наманган вилояти...Б.51-59.

[299] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.-VI том.- Т.: 2003. - Б.252.

[300] Наманган вилоятининг 1991-2007 йиллар ижтимоий-иқтисодий ...Б.2.

[301] *Сулаймонов Ҳ.* Демографик жараён ва ижтимолий сиёсат //Жамият тараққиёти ва ижтимоий фанлар мавзуидаги илмий анжуман материаллари. - Наманган.-1996. - Б.44.

нинг қишлоқда тўпланишига ва ишсизлик сонининг ортишига олиб келди. Шу боис, мустақилликнинг дастлабки даврларида қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, айниқса, ишсизларни ишга жалб этиш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш долзарб муаммога айланди.

1994 йилда вилоят бўйича 14 мингдан кўпроқ киши иш сўраб меҳнат биржаларига мурожаат қилдилар, шулардан 10,3 минг нафари бандлик бўлимлари орқали ишга жойлаштирилди. Ишсизлардан 692 нафари 17 хил йўналишлардаги касбларга ўқитишга, 16000 дан кўпроқ киши маош тўланадиган жамоат ишларига жалб этилдилар. 1560 кишига ишсизлик нафақаси тўланди. Бир йилда ишсизларни ишга жойлаштириш 14 фоиз, касбга ўқитиш 3,3 баробар, жамоат ишларига тортиш 2,5 марта ўсди. Вилоятда бир йил мобайнида 20,5 мингта янги иш жойлари яратилди[302].

Аҳолини ўз вақтида иш билан таъмин этиш масаласи нафақат вилоят, балки республика раҳбариятини ҳам бефарқ қолдирмади. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашининг 1996 йил 6 сентябрдаги сессиясида сўзлаган нутқида бу борадаги бир қатор муаммоларни кўрсатиб берган эди. Жумладан, вилоят аҳолисининг кейинги беш йил (1991-1996 йй.) ичида 263 минг нафарга кўпайиб, 1 млн. 820 минг кишидан ошганлиги, умумий аҳолининг 62% и қишлоқларда яшаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Шу билан бирга Норинкапа қишлоғида 18 мингга яқин аҳоли истиқомат қилиб, шундан салкам 2000 нафари умуман иш билан таъминланмаганлиги, бу ерда ўн киши ишлайдиган атиги биттагина тикувчилик цехи, битта ҳаммом, тўртта косибчилик устахонаси борлиги айтиб ўтилди[303].

---

[302] *Абдураҳмонова Б.* Ижтимоий ҳаёт ва касба уюшмалари //Жамият тараққиёти ва ижтимоий фанлар мавзуидаги илмий анжуман материаллари. - Наманган.-1996. - Б.134.

[303] *Каримов И.* Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. Асарлар. - Т.: Ўзбекистон, 1997.-Т.5. - Б.219-220.

Президентнинг ушбу танқидий кўрсатмалари бу хусусда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Яъни, иқтисодиётнинг нодавлат секторини ривожлантириш ҳисобидан янги иш ўринларини ташкил этишга эътибор қаратилди. Жумладан, республикада 1997 йилнинг охирига бориб 8,8 млн. киши халқ хўжалигининг турли тармоқларида фаолият юритган бўлса, шундан 74,2 %и иқтисодиётнинг нодавлат секторига тўғри келди. Наманган вилоятида эса бу кўрсаткич 77,6% ни ташкил этди[304].

Ислоҳотларнинг энг муҳим томонларидан бири - аҳолининг кам таъминланган табақасини ижтимоий ҳимоялашдир. Истиқлол йилларида Наманган вилоятида ижтимоий муҳофазалаш борасида ҳам кўпгина амалий ишлар олиб борилди. Масалан, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида биргина Чуст шаҳар ҳокимияти 1993 йилда кам таъминланган оилалар ва етим болалар учун 3 та никоҳ ва 2 та суннат тўйи ўтказиб берди[305].

Биргина Поп туманида ҳокимлик, корхона, хўжалик ва ташкилотлар маблағи ҳисобидан 50 нафардан ортиқ ночор оилалардан бўлган келин-куёвга никоҳ, 100 га яқин етим болаларга суннат тўйлари ўтказиб берилди. 30 дан зиёд ногиронга махсус ногиронлик аравачалари совга қилинди. 1994 йил охирида Поп нотўқима матолар бирлашмасининг тикувчилик фабрикаси ҳисобидан 600 нафардан зиёд етим-есир, боқувчисини йўқотган мактаб ёшидаги ўғил-қизларга 50 минг сўмликка яқин кийим-кечак хайрия қилинди[306]. Халқаро хотин-қизлар ва қариялар кунларида ҳам эҳтиёжмандларга пул

---

[304] *Рахматуллаев Ш.М.* Социально-экономические преобразования в городах Ферганской долины в условиях независимости (1991-1996 гг.) Автореф. дис. ... канд. ист. наук.-Ташкент, 2000. - С.20.

[305] *Рахматуллаев Ш.М.* Социально-экономические преобразования в городах Ферганской долины в условиях независимости (1991-1996 гг.) Автореф. дис. ... канд. ист. наук.-Ташкент, 2000. - С.23.

[306] *Иномов Ш.* Попим-саховатли юртим. - Наманган.-1996. - Б.53.

маблағи, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари билан ёрдам кўрсатилди.

Кам таъминланган оилаларга ёрдам беришни ташкил этиш юзасидан маҳаллаларда махсус ҳисоб рақамлари очилди ва бюджетдан катта миқдорда пул ажратилди. Фақат шу мақсад учун республика бюджетидан 1994 йилда 1 миллион 805 минг сўм маблағ ажратилди. Бу маблағ 6 минг оилага бир йўла энг кам иш ҳақи миқдорида берилди. Шунингдек, Янгиқўрғон тумани бўйича ҳам мавжуд хонадонларнинг 25 фоизига ёрдам кўрсатилди[307].

1994 йилнинг IV чорагида Наманган шаҳри ҳудудидаги 64 та маҳалланинг жамғарма банкида очилган махсус ҳисоб рақамларига жами 4293,2 минг сўм ажратиб туширилди. Ўтган 3 ой мобайнида маҳаллаларнинг муҳтож аҳолисидан моддий ёрдам сўраб 3569 дан ортиқ киши мурожаат қилди. Улардан 3425 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди[308]. Кам таъминланган оилаларни аниқлашда маҳалла қўмиталари катта ёрдам бердилар. Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш ва уларга ёрдам беришга доир услубий тавсияларни кўп нусхада кўпайтириб, ҳар бир маҳаллага етказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 23 августдаги «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги фармонини бажариш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Ўтган давр мобайнида Фармонни бажаришга бағишланган 4 та семинар ўтказилди. Биргина 1995 йил давомида вилоят бўйича 124467 оилага 137,0 млн. сўмдан кўпроқ моддий ёрдам кўрсатилди[309].

1995 йилда аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш масаласига жиддий эътибор берилди. Шу давр-

---

307 *Қиргизов.Ю., Акрамов Т.* Бир ўлкаки...Б.218.

308 *Сулаймонов Ҳ.* Демографик жараён ...Б.44.

309 *Бозоров О.* Ўзини-ўзи бошқариш органлари ишини такомиллаштирайлик //Наманган ҳақиқати.-1996.-5 апрель.

да вилоят аҳолисининг деярли ярмини болалар ташкил этди. Ҳукумат қарорларига мувофиқ биргина 1994 йилнинг IV чорагида қарийб 24 млн. сўм маблағ кам таъминланган оилаларга маҳалла бошқаруви орқали етказиб берилди. 21000 дан ортиқ меҳнат фахрийлари, уруш қатнашчилари ҳамда ногиронлар вилоят ҳокимлиги ва унинг бўлим бошқармалари томонидан доимий оталиққа олинди. Кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш учун 8 млн. сўмдан ортиқ маблаг сарфланди. 1994 йилнинг сўнгги ҳафтасида Тўрақўрғон туман ҳокимлигининг ташаббуси ва вилоят ҳокимлигининг қарори билан меҳр-мурувват кунлари ўтказилди[310].

Наманган вилоят ҳокими 1994 йил 20 декабрда «Вилоятда 1994 йил 26-31 декабр кунлари «Хайрия-саховат ва мурувват ҳафталиги»ни ўтказиш тўғрисида» қарор чиқарди. Унга кўра, вилоятдаги 2345 нафар ёккаёлғиз, ёрдамга муҳтож қарияларга вилоятнинг барча бўғинидаги раҳбарлар моддий-маънавий ёрдам кўрсатиш учун бириктириб қўйилди. Фақатгина 1991-1994 йиллар давомида 1000 дан ортиқ етим-есир ҳамда ночор оила фарзандларига хатна тўйи, 300 дан ортиқ ночор оила фарзандларига никоҳ тўйлари ўтказиб берилди. 126 нафарига уй-жой қуриб берилди. Мустақилликнинг 3 йиллиги олдидан 22387 нафар кам таъминланган оилаларга, ногиронларга 1514467 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Жаъми 45043 нафар кишига 6467595 сўмлик ёрдам кўрсатилди[311].

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишлар кўламини қуйидаги рақамлардан ҳам билиш мумкин. Биргина 1995 йилнинг 11 ойида 114,6 минг оилага 119,4 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди[312].

---

[310] *Рапигалиев Б.* Ислоҳотлар самарадорлигини таъминлайлик //Наманган ҳақиқати.-1995.-7 январь.

[311] Вилоят ҳокимлигининг қарори //Наманган ҳақиқати.-1995.-18 январь.

[312] *Рапигалиев Б.* Туб ислоҳотларни жадаллаштирайлик, самарадорлигини оширайлик! // Наманган хақиқати. - 1995. 27-декабрь.

Ўзбекистон Президенти ўз маърузаларининг бирида бу соҳадаги ютуқлар билан бир қаторда камчиликларни ҳам рўй-рост кўрсатиб ўтди. Жумладан, вилоят бюджетининг харажат қисми 1996 йилда 105,6 фоизни ташкил этиб, 228 млн. сўм маблағ ортиқча сарфланганлиги, лекин болали оилаларга нафақа учун ажратилган маблаг атиги 32 фоизга ўзлаштирилганлиги ёки Наманган туманида умуман нафақа берилмаганлигини қаттиқ танқид қилди[313] .

Президент маърузасида кўрсатилган камчиликлар, бу соҳадаги кейинги ишларнинг самарасига ижобий таъсирини кўрсатди.

Чуст туманида 1999 йил давомида 1763 нафар фуқаролардан нафақа тайинланишини сўраб мурожаат қилинган бўлса, шундан 1460 нафарига меҳнат нафақаси, 7 нафарига ҳарбий хизматчилар қонуни бўйича нафақа, 296 нафарига ижтимоий нафақалар тайинланди. Шу билан бирга корхона, ташкилот, жамоа хўжаликлари уюшмаларида ишлаб турган, 20 йил иш стажига эга бўлган 54 ёшга кирган аёллардан 11 нафарига имтиёзли пенсия тайинланди. Чуст туманида 1999 йил давомида корхона, ташкилот, жамоа хўжаликлари ҳомий ташкилотлар томонидан 14309 нафар нафақахўр ва ногиронларга 9 миллион 325 минг сўмлик моддий ёрдамлар, эсдалик совғалар, озиқ-овқатлар, кийим кечаклар бериш ташкил этилди. 74 нафар уруш ва меҳнат ногиронларига турли даволаниш ва дам олиш масканларига бепул йўлланмалар берилди. 59 нафар ногиронларга ҳасса, қўлтиқтаёқ, 6 нафар ногиронга ногиронлик аравачаси давлат томонидан бепул таъмин этилди[314] .

Мустақилликка қадар бир ҳовлида икки-уч оиланинг бирга яшаши одатий бир ҳол эди. Советлар даврида томорқалар ажратиб бериш борасидаги кўрилган чора-

---

[313] *Каримов И.А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Асарлар. - Т.: Ўзбекистон, 1997.-Т.5. - Б.229-230.

[314] *Султонова М.* Ижтимоий ҳимоя эътиборда //Чуст ҳақиқати.-2000.-6 январь.

тадбирлар аҳолининг турар-жойларга бўлган эҳтиёжини қондира олмас эди. Агар 1985-1987 йилларда аҳоли учун ҳар йили ўртача 3 мингга яқин[315] томорқа участкаси ажратиб берилган бўлса, 1992-2000 йиллар ичида вилоят аҳолисига 136126 та ер участкаси бериліб, 90465 оиланинг ҳовли тўйлари ўтказилди[316] .

Асрлар мобайнида шаклланган бошқарув тизимида катта аҳамиятга эга бўлган маҳалла собиқ иттифоқ даврида деярли эътибордан четда қолди.

Истиқлол шарофати билан анъанавий миллий-маҳаллий бошқарув тартиблари қайта тикланди. Бугунги кунда жамиятда ўзини ўзи бошқаришнинг асосий бўғини ҳисобланмиш маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғини раҳбарлари олдида улкан ва масъулиятли вазифалар турибди. Бу биринчи галда аҳолининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишда уларга амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда маҳалланинг ободончилиги-ю, тинч-тотувлиги масаласидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йилдаги 590-сонли қарорига асосан шаҳарлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг котибига ойлик маош бериш белгиланди. Туманлардаги маҳалла фуқаролар йиғинларида эса, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини ҳисобга олиб, вилоят ҳокимининг қарорига кўра, республикада биринчи бўлиб ойлик маош тўлаш жорий этилди. Маҳалла қўмиталари раисларига ойлик маош сифатида вилоят маҳаллий бюджетидан 1992 йил учун 534000 сўм ажратилди[317] . Мазкур ўзини ўзи бошқариш органларининг раисларига 1993 йилнинг январь ойидан бери ойлик иш ҳақи мунтазам тўлаб келинмоқда. 1996 йилнинг 1 январь ҳолатига маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқолларига тўланган иш ҳақи 7,8 млн. сўмни ташкил этди[318] .

---

[315] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 686-иш, 9-варақ.

[316] *Нажмиддинов Қ.* Салоҳиятнинг янги қирралари //Наманган ҳақиқати.-2000.-8 январь.

[317] Наманган вилояти ҳокимининг қарори //Наманган ҳақиқати.-1992.-8 февраль.

[318] *Бозоров О.* Ўзини ўзи бошқариш органлари ишини такомиллаштирайлик //Наманган ҳақиқати.-1996.-5 апрель.

Вилоят аҳлининг ижтимоий аҳволини яхшилаш, моддий фаровонлигини таъминлаш борасида ҳам сезиларли ишлар қилинди. Халқ хўжалигида 1991 йил (жамоа ва ширкатларни ҳисобга олмаганда) меҳнатга ҳақ тўлаш фонди тахминий ҳисоб-китобларга кўра 1 миллиард 24 миллион сўмни ташкил этди. Яъни, 1990 йилдагига нисбатан 42 фоиз кўпайди. 1991 йил мобайнида вилоятда 14140 хонадон газ тармоқларига уланди, шу жумладан, қишлоқ жойларида 7467 хонадон газлаштирилди. 1991 йилда ҳар минг кишини телефон алоқаси билан таъминлаш 1990 йилдаги 44,3 тадан 48,7 тага тўгри келди[319] .

1995 йил 24 ноябрь вилоятда Германиянинг «Алкател АГ» фирмаси билан ҳамкорликда Наманган шаҳридаги 6-АТС негизида барпо этилган 11 минг мижозга хизмат кўрсатувчи янги телефон тармоги иш бошлади[320] .

1998 йил 29 июлда И.А.Каримов ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1998-2000 йиллар даврида Наманган вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва вилоятни ижтимоий иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 319-сонли қарори қабул қилинди. Қарорга асосланиб, жуда катта ҳажмда амалга ошириладиган қурилиш-монтаж ишлари, янги ер ўзлаштиришга йўналтирилган йирик дастурий тадбирлар белгилаб олинди. Тадбирга асосан 502,8 минг квадрат метр турар жойлар, 6935 квадрат метр савдо шахобчалари, 86 та маиший хизмат кўрсатиш ва 3349 ўринли умумий овқатланиш шахобчалари, 1527 ўқувчига мўлжалланган мактаб ва 12 та қишлоқ шифокорлик пунктлари қуриб битказилди. 8 та ўрта махсус ўқув юрти қайта таъмирланиб, 5325 ўринли касб-ҳунар коллежларига айлантирилди[321] .

---

[319] Йил сарҳисоб қилинганда //Наманган ҳақиқати.-1992.-13 февраль.

[320] Янги алоқа станцияси иш бошлади //Наманган ҳақиқати.-1995.-25 ноябрь.

[321] *Сулаймонов М.* Туб ўзгаришлар даври //Наманган ҳақиқати.-2000.-8 январь.

Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш борасида ҳам талайгина ишлар амалга оширилди. Агар 1970 йилда Наманган вилоятида 98 та шифохона мавжуд бўлган бўлса[322] , 1985 йилга келиб шифохоналар сони 108 тага етди[323] . 1991 йилда эса вилоятда 19110 ўринга эга бўлган 120 та касалхона, 12 та санатория, 45 та қишлоқ участка касалхонаси, 470 та фельдшер-акушерлик пунктлари фаолият кўрсатди. Дорихоналар сони 1941 йилда 12 та бўлган бўлса, 1991 йилда уларнинг сони 157 тага етди. Вилоятда республика аҳамиятига молик «Чортоқ», «Пахталикўл», «Парда Турсун» санаторийлари қайта ташкил этилди. 1991 йил соғлиқни сақлаш тармоғига ажратилган бюджет-маблағ 14,5 млн. сўмни ташкил этди. Ҳар бир киши бошига ажратилган маблаг 96 сўмданга тўғри келган[324] .

Наманган вилояти ташкил топган 1941 йили вилоят бўйича соғлиқни сақлаш соҳасида бор-йўғи 91 нафар шифокор ва 500 га яқин ҳамширалар ишлаган бўлса, 2000 йилга келиб, врачлар сони 5492 тани ташкил этди[325] . 1941 йилда атиги биттагина «Тез ёрдам» машинаси бўлиб, беморларга шифокорлар извошларда хизмат кўрсатган. Касалхоналарда 800 та ўрин бўлиб, улар мослаштирилмаган биноларда жойлашган эди[326] .

Мустақиллик йилларига келиб эса, тиббиёт соҳасини ривожлантириш учун алоҳида аҳамият қаратилди[327] . Масалан, вилоятда 1994 йили 16 та «Тез ёрдам» станцияси фаолият юритди[328] . Чунончи, 1992-1994 йилларда Гўзал мавзесида кўп тармоқли болалар шифохона-

---

[322] *Абдуллаев О.* Наманган вилояти ...Б. 143.

[323] *Абдуллаев О.* Наманган вилояти...Б.142.

[324] *Мадатов А.* Халқи соғ-омон юртнинг заволи йўқ //Наманган ҳақиқати.-1991.-27 март.

[325] 4-*иловага қаралсин.; Мадатов А.*Халқи соғ-омон юртнинг заволи йўқ // Наманган ҳақиқати.-1991.-27 март.

[326] *Мадатов А.* Халқи соғ-омон юртнинг заволи йўқ //Наманган ҳақиқати.-1991.-27 март.

[327] *Қаранг:* Вилоят соғлиқни сақлаш тармоқларининг кўрсаткичлари ҳақида батафсил маълумот олиш учун 4-иловага қаралсин.

[328] *Абдуллаев О.* Наманган вилояти...Б.144.

си, она ва бола бирга бўлишига мўлжалланган туғруқхона, аёллар маслаҳатхонаси, Уйчи, Учқўрғон, Чортоқ туманларида энг замонавий тиббиёт жиҳозлари, асбоб-ускуналар билан таъминланган поликлиника, тиббиёт пунктлари, Чернобиль ҳалокати қатнашчилари учун санатория, Наманган шаҳрида юрак хасталикларини даволовчи Кардиология маркази барпо этилди.

Наманган вилоятида мустақилликнинг 10 йили мобайнида 104 та қишлоқ шифокорлик пунктлари барпо этилди, 41 та қишлоқ шифокорлик амбулаторияси ва фельдшер-акушерлик пунктлари қишлоқ шифокорлик пунктларига айлантирилди. Шу даврда 1505 ўринли касалхона, бир сменада 43,7 минг беморни қабул қилувчи поликлиникалар қуриб битказилди, шошилинч тиббий ёрдам маркази, вилоят кўп тармоқли касалхонаси, ўсма касалликлар, Наманган шаҳар оналар ва болалар физиотерапевтик, юқумли касалликлар касалхонаси фойдаланишга топширилди. Улар замонавий тиббиёт аппаратлари, асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Наманганда Семашко номидаги республика физиотерапевтик илмий-тадқиқот институти, республика акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти ҳамда республика саломатлик институтларининг вилоят филиаллари, неврология, эндокринология ва урология марказлари фаолият кўрсатмоқда[329]. Бу ерларда Фарғона водийсидан келган кўплаб беморлар юрак, қон-томир, ҳаракат-таянч органлари ва асаб хасталиклари бўйича шифо топмоқдалар.

2001 йил февралда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалига Германиянинг «Дина дентомед» фирмаси билан тузилган шартномага биноан 850 минг АҚШ долларига тенг тиббиёт ускуналари келтирилди. Илмий марказда 9 йўналиш бўйича илмий ишлар олиб борилиб, 131 нафар малакали врач, 320 нафар ҳамшира меҳнат қилди[330].

---

[329] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-том - Т.: 2003. - Б.253.

[330] Қувончли ўзгаришлар //Наманган ҳақиқати.-2001.-10 февраль.

Кейинги йилларда тиббиёт муассасалари сони янада кўпайиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланди. 2011 йилда вилоятда 4668 нафар врач, 22630 та ўрта тиббиёт ходимлари фаолият юритди.

Наманган вилоятида аҳолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш борасида улкан ишлар амалга оширилди. 1990 йилгача бўлган даврда вилоят бўйича жами 1480 км. газ тармоқлари тортилган бўлса, 1991-1995 йиллар давомида 2025 км. газ тармоқлари фойдаланишга топширилди. Собиқ иттифоқ даврида ҳаммаси бўлиб 1423,9 километр сув узатиш тармоқлари ётқизилган бўлса, 1991-1995 йилларда 1039 км. шундай тармоқлар ишга туширилди. 1990 йилгача ҳаммаси бўлиб 95,8 минг хонадон газлаштирилган бўлса, Истиқлол йилларининг ўзидаёқ 83,3 минг хонадонни газлаштиришга эришилди[331] .

Жумладан, вилоятда 1965 йили 69 км тоза ичимлик суви тармоғи мавжуд бўлган бўлса,[332] 1991 йили эса 1424 километрни ташкил этди. Биргина 1991-1999 йилларнинг ўзида 1572 километрдан иборат янги сув қувурлари тармоғи фойдаланишга топширилди. Яъни, бу кўрсаткич роппа-роса икки баробар кўпайди. Агар 1990 йилда вилоят ҳудудида 1116 км газ тармоғи ишлаб турган бўлса, мустақилликнинг дастлабки саккиз йили давомида вилоятда 3672 километр табиий газ тармоқлари тортилди. Бу собиқ иттифоқ давридаги кўрсаткичга нисбатан 2,5 баробар кўп эди. Вилоят аҳолисини табиий газ билан таъминлаш даражаси 1991-1998 йиллар ичида 31 %дан 55 %га, тоза ичимлик суви билан таъминлаш эса 66 %дан 75 %га етказилди. Бу борада 37 километр узунликдаги Учқўрғон-Наманган тоза ичим-

---

[331] Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи. - Т.: Шарқ, 2000. - Б.362.

[332] НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 102-иш, 19-варақ.

лик суви узатиш иншоотининг иккинчи навбати қуриб битказилиши салмоқли аҳамият касб этди. Мустақиллик йилларида Наманган вилоятида ижтимоий соҳада ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. 1999 йил охиригача қарийб 100 минг оилага шахсий томорқа учун ер берилди. Шаҳар ва қилоқларда 5 млн. 745 минг квадрат метр турар-жой бинолари қурилди. 50 мингдан зиёд ўқувчи ўқийдиган янги мактаблар, 7 мингдан ортиқ болани бағрига оладиган боғчалар, 48 та қишлоқ шифокорлик пунктлари, 1500 беморга хизмат кўрсатадиган шифохоналар, деярли 4 минг кишини қабул қилиш имкониятига эга бўлган янги поликлиникалар қуриб битказилди. Тўрақўрғон туманидаги «Имкон» хусусий фирмаси раҳбари Раҳмонжон Назаров ўз ҳисобидан 270 ўринли мактаб биноси қуриб берди[333] .

Истиқлол йилларида республикада хусусан, Наманган вилоятида ҳам транспорт ва алоқа хизмати замонавий талаблар асосида ташкил қилинди. 1991 йилда вилоят йўл қурувчилари автомагистралларнинг 61 кмни таъмирлашган бўлса, 1994 йили бу кўрсаткич 20 баробар ортиқ бўлди. 1200 км.лик автомобиль йўллари таъмирдан чиқарилди. Хусусан, Тўрақўрғон тумани ҳудудида 18 км.лик айланма йўл қурилди. Тўрақўргонни вилоят маркази билан боғловчи автотрасса қайта таъмирланиб, троллейбус ҳаракати йўлга қўйилди. Наманган вилояти ва республика йўл қурувчиларининг асосий ютуғи Қамчиқ ва Резак довонларидан ўтувчи Тошкент-Ўш автомобил йўлининг қайта қурилиши, бу ерда иккита ер ости йўли ўтказилиши ҳисобланди[334] . Натижада, Фарғона водийсини республика маркази билан боғловчи автомобил йўлида ҳаракатланиш ҳайдовчилар ва йўловчилар учун қулай ва хавфсиз бўлиб қолди.

Вилоятда Истиқлолнинг дастлабки ўн йиллигида

[333] *Каримов И.А.* Озод ва обод ватан эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Асарлар. - Т.: Ўзбекистон, 2000.-Т.8. - Б.187-188.

[334] *Каримов И.* Йўллар янада равон бўлади //Наманган ҳақиқати.-2001.-28 март.

жиноий ишлар сони анчагина камайганлиги кузатилади. Бу ўз ўрнида ушбу ҳолат билан боғлиқ ижтимоий муаммоларнинг ҳал этиб борилганлигидан далолат беради. Биргина 1995 йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида жиноятларнинг умумий сони 1994 йилнинг 10 ойига нисбатан 9,8 %га, шу жумладан оғир турдаги жиноятлар ҳам 27,4 %га камайди. Бироқ, биргина Наманган туманида жиноятларнинг умумий сони 9 %га, иқтисодий соҳадаги жиноятлар 200 %га кўпайган 1995 йил вилоятда содир қилинган жиноятлар бўйича айбдор шахсларнинг фош қилиниши 5,8 %га кўпайган[335].

Ўзбекистон Президенти вилоятда ҳуқуқ-тартибот соҳасида эришилган ютуқларни ўз маърузаларида алоҳида таъкидлаб ўтди. Масалан, 1996 йилнинг 9 ойи мобайнида 1995 йилнинг шу даврига нисбатан вилоятда умумий жиноят сони 8 % га камайди. Ўта огир жиноятлар 24 % га, оғир жиноятлар сони 6 % га, оғир шикаст етказиш ҳолатлари 15 % га озайди. 1995 йилнинг 9 ойида милиция жиноий-қидирув жараёнида жиноятларни очиш даражаси 88 %ни ташкил этган бўлса, 1996 йилнинг шу даврида 91% га кўтарилган эди. Ушбу ҳолат ҳуқуқ-тартибот органларининг саъй-ҳаракатидаги ютуқлардан эканлиги таъкидланди[336].

Шу билан бирга Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов 2004 йил 17 сентябрда бўлиб ўтган халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида сўнгги йилларда ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятида йўл қўйилган камчиликларни ҳаққоний ва асосли далиллар мисолида кўрсатиб берди. Яъни, вилоятда 2004 йилда оғир жиноятлар 15 фоиз, ўта огир жиноятлар эса 16,5 фоиз, жумладан, босқинчилик 75 фоиз, фирибгарлик 20 фоизга ошганлиги таъкидланди[337].

---

335 *Рапиғалиев Б.* ҳамма бўғинларда кадрлар маъсулиятини оширайлик //Наманган ҳақиқати.-1995.-8 декабрь.

336 *Каримов И.А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Асарлар. - Т.: Ўзбекистон, 1997.-Т.5. - Б.229-230.

337 *Каримов И.А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Асарлар. - Т.: Ўзбекистон, 2005.-Т.13. - Б.28.

Шундай қилиб, мустақилликнинг дастлабки кунларидан буён ўтган давр мобайнида йиллар давомида йиғилиб келган ижтимоий муаммоларни ҳал этиш мақсадида бир талай ишлар амалга оширилди. Мавжуд муаммоларнинг бартараф этилиши ўз навбатида вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида барқарорлик ва осойишталик таъминланиши учун замин яратди.

### *Иқтисодийислоҳотларнинг амалга оширилиши ва унинг натижалари*

Наманган вилояти мамлакат иқтисодий салоҳиятида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Узоқ йиллар давомида ташқи иқтисодий алоқалар тизимининг марказ ихтиёрида бўлиши Наманган вилояти иқтисодиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Наманган вилояти хорижий мамлакатларга пахта толаси ва пилла чиқарди. Собиқ иттифоқдош республикалар, айниқса, Россия, Украина ва Белоруссияга пахта толаси, қуруқ ва ҳўл мевалар, сабзавот ва полиз маҳсулотларини етказиб берди. Четдан саноат маҳсулотлари, озиқ-овқат, кенг истеъмол молларини олди.

Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамияти таркибига кириши дунё мамлакатлари билан мустақил ташқи иқтисодий алоқалар олиб бориш учун кенг имкониятлар очди. 1992 йилдан бошлаб Ўзбекистонда ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш соҳасида катта тадбирлар амалга оширила бошланди ва унинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлашда сезиларли ўзгаришлар юз берди. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Ташқи Иқтисодий фаолият миллий банкининг Наманган вилояти бўлими тузилди.

Истиқлол йилларига келиб, Наманган вилоятида ташқи иқтисодий алоқалар минтақавий бошқармаси ташкил этилгач, иқтисодий алоқалар янада кенгайди. Масалан, 1978 йилда вилоят саноати 20 дан ортиқ асосий тармоққа эга бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг

25 турга яқинини чет мамлакатларга экспорт қила олар эди холос[338]. Мустақиллик қўлга киритилгач эса, корхоналар, ташкилотлар, бирлашмалар, фирмалар ва ассоциацияларнинг жаҳон бозорига ўзи мустақил равишда чиқиш доираси кенгайиб борди. Айниқса, «Наманган ташқисавдо» иқтисодий алоқалар фирмаси вилоятдаги ташкилотларга хорижий фирмалар билан алоқалар олиб боришда амалий ёрдам берди. Ушбу фирма кўмагида 26 та чет эл фирмалари билан алоқа ўрнатилди ва вилоятдаги 43 та корхона ташқи иқтисодий фаолият билан шуғуллана бошлади[339].

Наманган вилояти яқин хорижий мамлакатларга қуруқ ва ҳўл мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари чиқаришдан ташқари, узоқ хориж мамлакатларига пахта толаси, электр қайнатгичлар, сурма қопқоқлар, ярим ўтказгичли ускуналар, рангли металлар, ип ва шойи газламалар, маҳаллий саноатнинг миллий маҳсулотлари (пичоқ, дўппи, атлас) ни чиқармоқда.

Мустақиллик йилларида вилоятда иқтисодий тараққиёт учун аҳамиятли бўлган кўплаб объектлар барпо этилди. Жумладан, 1991 йилда Янгиқўрғон нотўқима-материаллари фабрикаси, Наманган гўшт комбинати, бир қатор ғишт заводлари, 1993 йилда Косонсой тумани «Косонсой» жамоа хўжалигидаги консерва цехи фойдаланишга топширилди. 1993 йил ноябрида Ўзбекистон-Туркия давлатлари ҳамкорлигида «АСНАМ ТЕКСТИЛЬ» қўшма корхонаси қуриб битказилди. 1994 йили Чуст туманида бир суткада 1,5 тонна қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган фабрика иш бошлади[340]. 1992 йилнинг 11 ойи мобайнида 5000 ўқувчига мўлжалланган мактаб, болалар боғчалари, 380 ўринли поликлиника, 400 ўринли касалхона, 30

---

[338] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 12-иш, 202-варақ.

[339] *Каримов И.А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Асарлар. - Т.: Ўзбекистон, 1997.-Т.5. - Б.227.

[340] АСНАМ-ТЕКСТИЛ иш бошлади //Наманган ҳақиқати.-1993.-22 ноябрь.

минг кв метрга яқин уй-жой қурилди. 20 га яқин ишлаб чиқариш объектлари фойдаланишга топширилди[341] .

1996 йилда Наманган шаҳрида «Нотўқимачи» акционерлик корхонаси томонидан йилига 1,58 минг кв. метр сунъий мўйна ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган линия ишга туширилди. Шаҳар марказида «Амир Темур» хиёбони мустақилликнинг 5 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилди. Шаҳарнинг Давлатобод туманида теннис корти, Навоий кўчасидаги «Сардоба» бозори ва шунга ўхшаш бир қатор объектлар фаолият кўрсата бошлади. Шунингдек, «Лола» савдо марказидаги «Жаҳон бозори», 1998 йилда Поп туманида йилига 4380 тонна калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган «Попфен» қўшма корхонаси, Наманган шаҳрининг Нуробод даҳасида ХХРнинг «ХУАВЭЙ» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган 1200 рақамли АТС, 1999 йилда Косонсой туманида «Косонсой Текмен» қўшма ҳиссадорлик корхонаси каби иншоотлар қуриб битказилди. 2000 йилда қамчиқ довонида Тошкент-Ўш автомобил йўлининг вилоят ҳудуди қисмидаги қурилиш ишлари ўз ниҳоясига етказилди. 2001 йилнинг 7 ойида 355031 кв.метр турар жой, 1200 ўринли умумтаълим мактаблари, 5 та қишлоқ шифокорлик пунктлари, 967 ўринли умум овқатланиш, 23 та маиший хизмат шаҳобчалари, 166,4 км табиий газ, 79 км ичимлик сув тармоқлари қурилиб фойдаланишга топширилди[342] .

Хорижий мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланишида хориж фирмалари билан тузилаётган қўшма корхоналар муҳим ўрин тутмоқда. 1993 йилда Наманган ҳудудида 25 дан зиёд қўшма корхона ва 20 та ташқи иқтисодий алоқа қатнашчиси бўлган йирик корхоналар фаолият юритди. Вилоят мустақиллик йилларида АҚШ, Англия, Канада, Япо-

[341] *Рапиғалиев Б.* Осойишталикни янада мустаҳкамлаб, бутун куч-эътиборни бунёдкорлик ишларига қаратайлик //Наманган ҳақиқати.-1993.-1 январь.

[342] Наманган вилоятининг 1991-2007 йиллар ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари ... Б.53-56.

ния, Италия, Туркия каби жами 14 та юксак ривожланган жаҳон мамлакатлари билан илмий-техникавий, иқтисодий, маданий алоқалар ўрнатди. Мисол учун: Янгиқўргонда Швециянинг «Альфа-Лаваль» фирмаси билан ҳамкорликда қурилиб ишга туширилган завод йилига 35 минг тонна мева-сабзавотни қайта ишлаб тайёр маҳсулотга айлантиради. Бундай мисолларни бошқа туманларда ҳам кўплаб келтириш мумкин. 1993 йил давлат тасарруфидаги завод ва фабрикалар томонидан 45 турдаги, маҳаллий саноатга 30 турдаги товарлар тайёрланди[343]. Швейцария ва Германиянинг «Шифер АГ», «СЕНАСКО», Япониянинг «Нигеман», «Марубени», «Мицубиси», Германиянинг «Кронес», Хитой Халқ Республикасининг «2-савдо бошқармаси», Туркиянинг «Аснам» фирмалари билан ҳамкорлик кенгаймоқда.

Вилоят «Саноат-савдо» концерни Туркиянинг «ІТАКО» фирмаси билан 3000 минг дона терини қайта ишловчи «Кашмир тери» қўшма корхонаси тўғрисида шартномани имзолади.

Биргина Наманган шаҳрида 21 та қўшма корхона тузилди. Бундан 9 таси турли соҳаларда фаолият кўрсатди, 12 таси халқ истеъмол молларини ишлаб чиқарди. «Натал-Гўзал» қўшма корхонаси эса Польша фирмаси «Наталекс» фирмаси билан ҳамкорликда аёллар халати, чойшаблар, Наманган тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида Швейцариянинг «Интерэмспекас Индженеринг» корхонаси билан ҳамкорликдаги «Наврўз» қўшма корхонаси эркаклар ва аёллар кўйлакларини ишлаб чиқарди.

1994 йилда «Заркент» ҳиссадорлик жамияти, «Янтарь» Ўзбек-Россия қўшма корхонаси каби 19 дан ортиқ ташкилотлар «Ташқи иқтисодий алоқалар қатнашчиси» мақомига эга бўлдилар[344].

Машинасозлик, электротехника, кимё, пахта тоза-

---

[343] *Рапигалиев Б.* Ҳамиша елкадошмиз //Наманган ҳақиқати.-1993.-21 октябрь.

[344] *Абдуллаев О.* Наманган вилояти ... Б.144-145.

лаш, озиқ-овқат саноати вилоят саноатининг асосий тармоқлари ҳисобланади. Вилоятда 170 дан зиёд саноат корхоналари мавжуд. Энг йирик саноат корхоналари сирасига машинасозлик, автомобилларни тузатиш, ёғ-экстракция, пахта тозалаш, «Электротерм» ишлаб чиқариш бирлашмасининг етакчи корхонаси, ипак газламалар комбинатини киритиш мумкин. Шулар орасида: «Наврўз» Ўзбекистон-Канада, «Шоҳи Сўзана», «Нестле Ўзбекистон», «Чуст пичоғи», «Косонсой Текмен», «Попфен», «Силк Роуд», «Наманганқоғоз», Ўзбекистон-Россия «Кемтош», «Шифо» корхоналари ва бошқалар салмоқли ўринга эга бўлдилар[345] .

«Нафосат» ҳиссадорлик жамияти 1999 йил умумий акциясининг 34% ини Швейцариянинг «Нестле» компаниясига сотганидан сўнг, корхона Ўзбек-Швейцария болалар озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган «Наманган сут» қўшма корхонаси мақомини олди. Уни ривожлантириш мақсадида «Нестле» компанияси 6 йил давомида 30 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритишни режалаштирди.

Косонсой туманида Туркия билан ҳамкорликда «Косонсой Текмен» корхонасининг ишга туширилиши 1400 дан зиёд кишини иш билан таъминлади. Наманган шойи ишлаб чиқариш акционерлик жамиятини қайта жиҳозлаш ишларига 49,9 млн. немис маркаси сарфланиб, янги замонавий ускуналар ўрнатилди[346] .

Истиқлол йилларида вилоят иқтисодиётида салмоқли улушга эга бўлган қўшма корхоналар ташкил этилиб, уларни ишга тушириш учун 200 млн. АҚШ доллари миқдоридаги сармоя ўзлаштирилди. Пировард натижада Наманганда 1999 йилнинг ўзида 50 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Ўзбекистон Президенти Наманган вилояти сайловчилари вакиллари билан 1999 йилнинг 17 декабрида бўлиб ўтган учрашувида сўзлаган нутқида вилоятдаги

345 Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-том- Т.: 2003. - Б.252.

346 *Сулаймонов М.* Туб ўзгаришлар даври //Наманган ҳақиқати.-2000.-8 январь.

ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларни таҳлил қилиб берди. Жумладан, Президент маърузасида кўрсатилишича, вилоят саноат корхоналари 1998 йили хорижий давлатларга жами 85 млн. га яқин АҚШ доллари ҳажмидаги маҳсулотни экспорт қилди[347] .

Замонавий инфраструктура шахобчаларининг яхши ривожланмаганлиги, малакали ишчи кучи ва инвестиция маконининг яхши ташкил қилинмаганлиги дастлабки кезларда хорижий сармояларни жалб қилишда муаммоларни келтириб чиқарди. Масалан, 2002 йил маълумотларига кўра, Наманган вилоятида республикадаги қўшма корхоналарнинг атиги 2,4%и жойлашган эди. Ваҳоланки, бу ерда мамлакат аҳолисининг 7,9%и истиқомат қилар эди. Шу йили вилоятда қўшма корхоналар томонидан яратилган маҳсулот жами саноат корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг 19%ини ташкил этган. Бу кўрсаткич 1997 йилда 6,9% бўлган ва шу давр мобайнида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2,7 мартага ортган[348] .

Пиллани қайта ишлаш жараёнида чиққан чиқиндилардан ипак тайёрлашга ихтисослашган «Силк Роуд» Ўзбекистон-Япония қўшма корхонаси 1998 йилда ишга туширилди. 2002 йилда пахта ипи ишлаб чиқарадиган «Чан-На-Текс» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси қуриб битказилди. 2003 йилда эса Жанубий Кореянинг «Ай-Ди-Зи» корпорациясининг замонавий пиллакашлик автоматлари ўрнатилиб, корхона қувватлари оширилди. Корхонанинг ишга туширилиши 3000 га яқин кишини иш билан таъминлаш имконини берди[349] .

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашининг 2004 йил 17 сентябрда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясидаги

---

[347] *Каримов И.А.* Озод ва обод ватан эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Асарлар. - Т.: Ўзбекистон, 2000.-Т.8. - Б.182-183.

[348] *Мирзаахмедов Ҳ.* Саноатда қўшма корхоналарни ҳудудий ташкил этиш ва ривожлантириш хусусиятлари (Наманган вилояти мисолида): география фанлари номзоди дисс. ... автореферати.-Тошкент, 2003. - Б.3,12.

[349] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-том - Т.: 2003. - Б.251.

нутқида[350] амалга оширилган таркибий ўзгаришлар, хориж инвестицияларини жалб қилиш ҳисобига ташкил этилган бир қатор замонавий қўшма корхоналар Наманган иқтисодиёти ривожига ўз ҳиссасини қўшаётганлигини таъкидлаб ўтди. Президент ижобий ишлар билан бир қаторда, турли хил салбий ҳолатлар, ўз ечимини топмай келаётган муаммолар, жиддий камчилик ва нуқсонлар борлигини ва уларга барҳам бериш йўлларини топиш зарурлигини уқтириб ўтди.

Ўзбекистонда нефть мустақиллигининг қўлга киритилиши иқтисодиёт учун катта аҳамиятга эга бўлди. Бу борада наманганлик нефтчиларнинг ўз ўринлари бор. 1992 йил 2 март куни Мингбулоқ чўкмасидан нефтъ фавворалари отилиб чиқди.

Наманган вилоятида кимё саноатининг ривожланиши 1943 йил Москва вилоятидан кўчириб келтирилган Митиши заводи билан боғлиқ. Наманган вилоятида кимё заводи дастлаб вискоза ипак ва 1950 йилдан карбоксеметилцеллюлоза-КМЦ ишлаб чиқарди. 1970 йилда заводда 6835 тонна КМЦ ишлаб чиқарилган бўлса, 1992 йилда 7252 тонна КМЦ ишлаб чиқарди[351].

Наманган вилоятида кимё ва нефтъ-газ саноати корхоналари ҳиссасига вилоят саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг 1985 йилда 7,3 %и, 1990 йил 8,4 %и ва 1992 йилда 5,6 %и тўғри келди. Шунингдек, Попда йирик резина-техника заводи фаолият юритди. Наманган шаҳрида йирик мебель фабрикасига 1954-1956 йилларда асос солинган. Бу тармоқ ҳиссасига вилоятдаги саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришининг 1992 йилда 0,7 фоизи тўғри келди. 1980 йилда 5668 минг сўмлик мебель ишлаб чиқарилган бўлса, 1992 йилда бу кўрсаткич 110600 минг сўмни ташкил этди[352].

---

[350] *Каримов И.А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Асарлар. - Т.: Ўзбекистон, 2005.-Т.13. - Б.10,12.

[351] *Абдуллаев О.* Фарғона водийси: ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари. - Наманган нашриёти, 2000. - Б.33,126.

[352] *Абдуллаев О.* Фарғона водийси: ижтимоий-и?тисодий...Б.127,129.

1993 йил вилоятдаги 125 та саноат корхонасидан 31 таси нодавлат шаклида эди. 1993 йил 586,6 млн. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилган бўлса, 1994 йил 641,2 млн. сўмлик маҳсулот тайёрланди. Шундан нодавлат корхоналарида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1993 йилдаги 40,2 млн. сўмдан 1994 йилда 398,5 млн. сўмга етди. 1993 йил 31 та давлат тасарруфидан чиқарилган корхонанинг 1 таси хусусий, 2 таси ижара, 5 таси жамоа, 23 таси ҳиссадорлик типида бўлса, 1994 йил 68 та давлат тасарруфидан чиққан саноат корхонасининг 3 таси хусусий, 2 таси ижара, 8 таси жамоа ва 58 таси ҳиссадорлик корхоналаридан иборат эди[353].

Шу билан бир қаторда бу соҳадаги айрим камчиликларни Ўзбекистон Президенти халқ депутатлари Наманган вилоят кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида кўрсатиб ўтди. Масалан, 1996 йил 148 та саноат корхонасидан 17 таси ишлаб чиқариш ҳажмини 405 млн. сўмга камайтириб юборганлиги таъкидланди. Тўрақўрғон тумани «Ширинлик» комбинати, «Шоҳи сўзана» бадиий буюмлар фабрикаси, Учқўрғон йигирув-тўқув акционерлик жамияти фаолияти мутлақо қониқарсиз деб топилди[354].

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 июлдаги «1998-2000 йиллар даврида Наманган вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги 319-сонли қарорининг бажарилиши вилоят иқтисодиётига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиб, аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилади. Дастур асосида вилоятда 1,5 млн. кв. метр турар-жойлар, 9 минг ўринли умумтаълим

---

[353] *Қуймуротов А.* Саноат тармоқлари ривожланишининг айрим муаммолари //Жамият тараққиёти ва ижтимоий фанлар мавзуидаги илмий анжуман материаллари. - Наманган.-1996. - Б.39.

[354] *Каримов И.А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Асарлар. - Т.: Ўзбекистон, 1997.-Т.5. - Б.227.

мактаблари, 9,5 минг ўринли умумий овқатланиш, 18,6 минг кв. метр савдо шахобчалари, кўплаб маиший хизмат объектлари ишга туширилди. Шунингдек, 1669 км газ, 464 км ичимлик суви тармоқлари тортилиб, вилоят аҳолисининг ижтимоий инфраструктураси яхшиланди[355]. «Ёшлар мажмуаси», «Паҳлавон», «Алпомиш» ва «Динамо» каби спорт-соғломлаштириш иншоотлари барпо этилди.

Мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда йўл қўйилган камчиликларни Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов 2004 йил 17 сентябрда бўлиб ўтган халқ депутатлари Наманган вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида рўйи-рост кўрсатиб берди. Унда: «Чунончи, 1996-2003 йилларга режалаштирилган 209 та қишлоқ врачлик пунктидан 32 таси ишга туширилмаган. Жорий йилда фойдаланишга топширилиши мўлжалланган 20 та қишлоқ врачлик пунктидан ҳозирга қадар атиги 3 таси қуриб битказилган. Вилоятдаги 673 та умумтаълим мактабида ўқувчиларнинг қарийб 30 фоизи икки сменада ўқимоқда. Шунга қарамай, 11 минг 300 ўринли 24 та мактаб қурилиши охирига етказилмасдан тўхтатиб қўйилган. Бугунги кунда мактабларнинг 175 таси капитал реконструкциялашга, 353 таси капитал таъмирлашга, 145 таси эса жорий таъмирлашга муҳтож»[356],- деб таъкидланди.

Мулкнинг турли шаклларини ривожланиши кичик ва ўрта бизнеснинг тараққий этиши учун кенг имкониятлар яратиб берди. Бунинг оқибатида эса, 1996 йил вилоятда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг 94% дан кўпроғи нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келди[357].

Ялпи саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми

---

[355] *Жабборов Т.* Иқтисодий ўсишни таъминлаш изчил давом этсин //Наманган ҳақиқати.-2001.-28 февраль.

[356] *Каримов И.А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди.-Асарлар. - Т.: Ўзбекистон, 2005.-Т.13. - Б.25-26.

[357] *Бозоров О.* Ислоҳотларни янада чуқурлаштирайлик //Наманган ҳақиқати.-1996.-14 февраль.

1991-1992-йилларда аввалги йилларга нисбатан камайган бўлса. 1994 йил 7,8% ўсиши таъминланди. Йил якунига кўра, ўсиш суръатларини пасайтириб юборган корхоналар сони 21 тадан 14 тага тушди[358].

Вилоят иқтисодида енгил саноатнинг етакчи тармоқ эканлиги Наманган вилоятининг қўшни Андижон ва Фарғона вилоятларидан ҳам индустриал тараққиёт соҳасида сезиларли даражада орқада қолишига олиб келди. Бундай хусусият саноат тармоқларининг ҳудудий жойлашишида ҳам яққол кўзга ташланади.

Қишлоқ хўжалиги борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. бу айниқса, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ташкил этилишида яққол намоён бўлди.

Наманган вилоятида 1995 йил деҳқон (фермер) хўжаликлари сони 1882 тага етди. Уларнинг 1136 таси деҳқончилик ва 746 таси чорвачиликка ихтисослашган бўлиб, 1993-1995 йиллар мобайнида вилоят «Тадбиркорбанк» томонидан 770 та деҳқон (фермер) хўжаликларига 10,4 млн. сўм узоқ ва қисқа муддатли ссуда қарзи берилди. 1995 йил Наманган вилоятида деҳқон (фермер) хўжаликлари 6300 тонна дон, 5674 тонна пахта, 637 тонна картошка ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирдилар[359]. Бироқ, қишлоқ хўжалиги соҳасида нуқсонлар ҳам кўзга ташланди. Бу хусусда Ўзбекистон Президенти ўз маърузасида батафсил тўхталиб ўтди. Масалан, 1996 йил вилоят бўйича барча турдаги хўжаликларда гўшт сотиш топшириғи 82%, сут 58%, тухум 63 % га бажарилди, холос. 450 та хўжаликда 1995 йилга нисбатан сигирлар ва қўйэчкилар сони ўртача 15 фоиздан ортиқ камайганлиги натижасида гўшт ва сут етиштириш ўртача 30 фоиз камайиб кетган. Наманган, Норин ва Чуст туманларида эса чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 1,5-2 баравар камайган[360].

---

[358] *Рапиғалиев Б.* Ислоҳот самарадорлигини таъминлайлик //Наманган ҳақиқати.-1995.-5январь.

[359] *Абдуллаев О.* Фарғона водийси...Б.239

[360] *Каримов И.А.* Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Асарлар. - Т.: Ўзбекистон, 1997.-Т.5. - Б.227.

Қишлоқ хўжалигининг деҳқончилик соҳасида ҳам айрим камчиликларга йўл қўйилди. Масалан, 1996 йил Чуст туманида 1700 гектардаги ғалла эрта баҳорда қайта экилди. Натижада, туманда суғориладиган ердан ғалла ҳосилдорлиги атиги 17 центнерни ташкил этди[361].

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 29 июлдаги 319-сонли қарорига кўра, 1998 йил 1335 гектар суғориладиган ерларга қайта ишлов берилди. 2000 гектар ернинг мелоратив ҳолати яхшиланди. Мингбулоқ ва Чуст туманларида тугатилаётган иқтисодий ночор жамоа хўжаликлари негизида 1273,7 гектар ерда 81 та фермер хўжаликлари ташкил этилди[362].

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотлар, деҳқон-фермер хўжаликларининг ташкил этилиши ўзининг самараларини бера бошлади. Бунинг натижасида, қишлоқ хўжалигида ялпи даромад, меҳнат унумдорлиги ортди. Бу хусусида Ўзбекистон Президенти ўз маърузаларида махсус тўхталиб ўтди. Жумладан, 1999 йилда вилоятда 222 минг тоннага яқин ғалла етиштирилди. Шу йилда 12260 та деҳқон хўжалиги ташкил этилиб, уларга 2400 гектар экин майдонлари ажратиб берилди. Айни пайтда 1700 га яқин фермер хўжаликлари фаолият кўрсатди. Наманган вилоятида 1998 йили ўтказилган санация туфайли 8 та хўжалик ўз молиявий-иқтисодий аҳволини ўнглаб олишга эришди. Масалан, Тўрақўрғон туманидаги «Шарқ юлдузи» хўжалиги 1997 йили қарийб 7 млн. сўм зарар кўрган эди. Санация бўйича тегишли чораларни амалга ошириш натижасида хўжалик 1998 йили 20 млн. сўм фойда олди[363].

2001 йил вилоятда 220 минг тоннадан ортиқ ғалла давлатга сотилиб, бу борадаги шартномавий режа адо этилди. Ғалла ҳосилдорлиги бир йилда 6,0 центнерга ортди[364].

---

[361] *Каримов И.А.* Ҳалол яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш бурчимиз //Туркистон газетаси.-1996.-9 ноябрь.

[362] *Сулаймонов М.* Туб ўзгаришлар даври //Наманган ҳақиқати.-2000.-8 январь.

[363] *Каримов И.А.* Озод ва обод ватан эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз.-Асарлар. Ўзбекистон, 2000.-Т.8. - Б.182-186.

[364] *Жабборов Т.* Тадбиркорликни ривожлантириш - давр талаби //Наманган ҳақиқати.-2001.-21 июль.

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар самараси ўлароқ, 2003 йилгача Наманган вилоятида 134 та ширкат хўжалиги, 94,8 минг деҳқон хўжалиги, 3,5 минг фермер хўжалиги ташкил этилди. Жамоа ва хусусий хўжаликлар 667,1 минг қорамол (шундан 261,4 минги сигир), 899,3 минг қўй ва эчки, 5,8 минг отга эга бўлдилар[365].

Шу билан бирга вилоят қишлоқ хўжалигида мавжуд камчиликларни Ўзбекистон Президенти ўз вақтида вилоят фаоллари билан бўлган учрашувда алоҳида таъкидлаб ўтди. Жумладан, 2004 йилда мавжуд 5140 та фермер хўжалиги вилоят миқёсидаги жами қишлоқ хўжалик маҳсулотининг тахминан 10 фоизини етказиб бераётган эди. Мингбулоқ, Поп, Янгиқўрғон, Чуст ва Косонсой туманларида қарийб 33000 га ер майдонининг кучли шўрланишига йўл қўйилди. 2002 йил якунлари бўйича Мингбулоқ туманида пахта ҳосилдорлиги 16 центнерни, 2003 йили эса 12 центнерни ташкил этди. 2003 йилда Мингбулоқ, Поп ва Чуст туманларида фермерларни ҳайдов тракторлари билан таъминлаш даражаси 20 фоиздан ошмади. Президент пахта ва ғалла экишга мўлжалланган 660 гектар ердан мақсадга хилоф тарзда фойдаланилганлигини, 420 гектар ер одамларга ноқонуний равишда ажратиб берилганлигини, 390 гектар ҳисоботдан яширилганлигини, 150 гектарда қонунга зид равишда полиз ва сабзавот экинлари экилғанлиги, 60 гектар ер эса ўзбошимчалик билан эгаллаб олинганлигини таъкидлаб ўтди[366].

2004 йил 19 ҳолатда нефть маҳсулотларини, 45 ҳолатда эса минерал ўғитларни ноқонуний четга чиқариш билан боғлиқ қонун бузилишлари аниқланди. Шу вақт мобайнида Республика бўйича 368 та ана шундай ҳолат аниқланган бўлса, бунинг 226 таси Наманган вилоятига тўғри келди. 2003 йили вилоят иқтисодиётига жалб этилган инвестициялар ҳажми 2001 йилга нисбатан 2,5 баробар камайиб кетди[367].

---

[335] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.-6-том- Т.: 2003. - Б.252.

[336] *Каримов И.А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Асарлар. - Т.: Ўзбекистон, 2005.-Т.13. - Б.13-16.

[337] *Каримов И.А.* Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. Асарлар. - Т.: Ўзбекистон, 2005.-Т.13. - Б.18.

Президент нутқида келтирилган камчиликлар вилоят раҳбарияти зиммасига юқоридаги вазифаларни кечиктирмай ҳал қилиш масъулиятини юклади. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли 2007 йилга келиб вилоятда деҳқон хўжаликларининг сони 438741 тага етди. Шулардан юридик шахс мақомини олганлар 1367 тани ташкил этди. Фермер хўжаликларининг сони ушбу даврда 13105 тага етди[368] .

Шундай қилиб, мустақиллик йилларида вилоятда мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келиб, ривожлана бошлади. Ташкил этилган қўшма корхоналар ижтимоий муаммоларни ҳал этишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Йўл қўйилган камчиликлар республика раҳбарияти томонидан ўз вақтида кўрсатиб ўтилгач, вилоятда уларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар Наманган вилоятида кенг кўламдаги ўзгаришларга асос бўлди. Энг аввало бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланиб, мулкчиликнинг турли шакллари ривожлана бошлади. Хусусий тадбиркорликка, фермер хўжаликларининг тараққий этишига эътибор қаратилди. Иқтисодиётга хорижий инвестицияни жалб этиш ҳам муҳим аҳамият касб этди. Бу эса, ўз ўрнида ижтимоий муаммоларни ҳал қилиб борилиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

### *Миллий ва маънавий қадриятларнинг тикланиши. Илм-фан соҳасида эришилган ютуқлар*

Мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби маданият соҳасида ҳам улкан ўзгаришлар амалга оширилди. Истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ республика раҳбарияти маънавий покланиш, миллий-маданий қадриятларни тиклаш, янгича удум ва анъаналарни турмушга татбиқ этиш бўйича талайгина ишларни амалга оширди. Бир неча янги муассасалар, тарихий

---

[368] Наманган вилояти статистика бошқармаси. Наманган вилоятининг 2007 йилги ижтимоий-иқтисодий ҳолати ҳужжатлари тўплами. - Б.97-98.

ва маданий-маърифий даргоҳлар фаолият кўрсата бошлади. Жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга давлат сифатида намоён бўлишнинг маънавий-маданий, маърифий асосларини яратиш йўлида кўплаб қарор ва фармонлар чиқарилди, қонунлар қабул қилинди. Уларнинг ижроси йўлида Наманган вилоятида ҳам сезиларли ишлар қилинди.

1993 йил 23 май куни Наманган шаҳрининг Сардоба даҳасида вилоят ҳокимининг 1993 йил февраль ойидаги Фармойиши билан ўзбек халқининг маънавий меросини ўрганиш, уни тўплаш, келгуси авлодга етказиш мақсадида «Мерос» илмий-маърифий маркази очилди. Марказ кўргазма залларида вилоят ҳудудида яшаб ижод этган IX асрдан ҳозиргача кўпчиликка маълум бўлмаган шоир ва ёзувчилар, хаттотлар ва саҳҳофлардан иборат 43 нафар улуғ сиймолар асарларидан намуналар қўйилган[369]. Сайфиддин Ахсикатий, Мавлоно Поянда Охунд Ахсикатий, Бобораҳим Машраб, Муҳаммад Аминхўжа Косоний, Нодим Намангоний каби ўтмишда яшаб ижод этган ижодкорлар ҳақидаги, шунингдек, Чустий, Улуғзода, Й.Шойимназаров, У.Носир сингари ўнлаб наманганлик шоирлар-у, адиблар тўғрисидаги ноёб маълумотлар, уларнинг қўлёзма асарлари ушбу марказ томонидан тўпланди[370].

Шунингдек, Наманган шаҳрининг Ғирвонсой мавзесида ташкил этилган миллий боғда наманганлик шоир Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллигига бағишлаб ўрта аср шарқ меъморчилигига хос услубда Машраб уй-музейи қурилиб, 1992 йил 23 майда топширилди. Вилоят ҳокимлигининг қарорига асосан 1993 йилдан эътиборан ҳар йили май ойида ушбу маънавият масканида анъанавий «Машрабхонлик куни» ўтказиб келинмоқда. 1992 йилда Наманганлик атоқли шоир, ўз даврининг истеъдодли мударрисси, мутафаккири бўлган Сулаймон Улуғхўжа ўғли Нодим Намангонийнинг

[369] ЎзР МДА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 225-иш, 1-варақ.

[370] *Файзиев К.* Илмий-маърифий марказ //Наманган ҳақиқати.-1993.-25 май.

Наманган туманидаги «Зарбдор» жамоа хўжалиги ҳудудида уй-музейи ташкил қилинди[371] . Ушбу тадбир ҳам маънавий-миллий қадриятларни тиклаш борасидаги салмоқли ишлардан ҳисобланади.

Мазкур анъанавий тадбирларнинг инсонпарварлик жиҳати ҳам ғоят катта аҳамиятга эга бўлди. Чунончи, 1992-1996 йиллардаги «Машрабхонлик кунлари» ўтказилган тантаналарда 88 нафар турмуш қуришга имконияти йўқ йигит ва қизларнинг никоҳ тўйлари, 146 нафар боқувчисини йўқотган, кўп болали, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига хатна тўйлари ўтказилди. Уларнинг ҳар бирлари ҳисобига 500 сўмдан пул жамғармалари ажратилди[372] .

Ушбу йилларда совет тузуми даврида эътибордан четда қолган ёки атайин хароба ҳолига келтирилган тарихий обидаларнинг таъмири ва сақланишига ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Вилоят маданият ёдгорликларини сақлаш ва ундан фойдаланиш давлат инспекцияси рўйхати бўйича вилоятда жами 230 та кўчмас ёдгорликлар мавжуд. Кўплаб аҳоли пунктларида маданият марказлари ташкил топди. Жумладан, 1995 йилда Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлигининг 1993 йил 29 октябрдаги қарорига асосан Косонсой тумани Чиндовул қишлоғида «Чиндовул қишлоқ маданият маркази» ташкил топди. 1999 йил Чуст шаҳрида жойлашган Республика миқёсидаги Мавлоно Лутфуллоҳ меъморий ёдгорлиги, 2000 йилда Чортоқ тумани Балиққўл қишлоғидаги Султон Увайс Қараний мақбараси қайта тикланиб, қадимий қиёфа ва кўринишга келтирилди ҳамда зиёратгоҳга айлантирилди. Ваҳоланки, совет даврида вилоят ҳудудидаги тарихий-меъморий обидаларнинг кўпчилиги эътиборсизлик туфайли ёки турли хил баҳона-

---

[371] Наманган вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармасининг 1991-2007 йиллар учун маълумотлар тўпламидан. - Б.1-2.

[372] Вилоятда анъанавий Машрабхонлик кунини ўтказиш тўғрисида вилоят ҳокимининг қарори //Наманган ҳақиқати.-1996.-17 апрель.

лар билан ҳароба ҳолига келтирилган эди. 2000 йил сентябрь ойида вилоят маданият ёдгорликларини таъмирлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси маданият ёдгорликлари бош илмий ишлаб чиқариш бошқармаси қошида Чуст махсус таъмир ишлаб чиқариш бошқармаси тузилди. Ушбу бошқарма томонидан Косонсой шаҳридаги «Ғўзапоя» масжиди, қадимги ер ости ҳаммоми, Наманган шаҳридаги республика миқёсидаги меъморий ёдгорликларни таъмирлаш учун лойиҳа-сметалар тайёрланди ва таъмирлаш ишлари бошланди[373] .

Мустақиллик йилларида вилоятдаги шаҳарлар ва туманларнинг ижроқўмлари қошида топонимик комиссиялар тузилди ва улар маъмурий-ҳудудий бўлимлар номларини тартибга келтириш билан боғлиқ бўлган масалалар билан шуғулландилар.

Вилоят ҳокимлиги Чортоқ шаҳар, Поп ва Тўрақўрғон туманлари кенгашлари раёсатларининг таклифларини кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий тузилишига доир масалаларни ҳал қилиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 23- ва 25-моддаларига асосан бу жойлардаги бир қатор мактаблар ва кўчалар номини ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилди. Вилоят ҳокими қарорига кўра, Чортоқ шаҳри бўйича 5 та мактабга, Поп туманида 1 та мактаб, Тўрақўрғон тумани бўйича 4 та мактабга янги номлар берилди[374] .

Ушбу йилларда аҳолининг миллий ва диний қадриятларини тиклаш ишларига ҳам катта эътибор қаратилди. Ваҳоланки, совет тузуми даврида диний анъана-маросимларни бажарган, унга амал қилган кишилар таъқиб қилиниб, ҳатто вилоят сессияларида танқид қилинар эди[375] . Республикамиз Истиқлолни қўлга киритгач, бу борада туб ўзгаришлар ясалди. Масалан, мустақиллик давригача Ўзбекистондан ҳар йили атиги

[373] Наманган вилояти ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари... 3-4-бетлар.

[374] Янги номлар берилди //Наманган ҳақиқати.-1992 йил. 6-22 февраль.

[375] НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 361-иш, 100-варақ.

5-6 нафар киши Макка ва Мадинани зиёрат қилар эди. Мустақиллик туфайли, 1993 йилдан бошлаб Умра сафарига рухсат этилди. «Ўзбектуризм» миллий компанияси Наманган вилоят минтақавий бўлинмаси ташаббуси билан 1993 йили биринчи марта Саудия Арабистонига 7 кунлик умра сафари ташкил этилди. Энг аҳамиятли томони шундаки, сафарга борувчилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан давлат тасарруфида бориб келишди. Уларга вилоят ҳокимлиги томонидан ҳам қатор қулайликлар яратиб берилди. Илк бор Наманганда йўлга чиққан турли туманларнинг 49 нафар фуқароларининг айримларига ишлаётган ташкилотлари моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатишди[376]. Ҳатто нафақага чиқиб кетганларга ҳам собиқ иш жойларидан юқоридагидай мурувват кўрсатилди. Биргина 1996 йилда Наманган вилоятининг ўзидан 700 нафардан зиёд фуқаро ҳаж маросимларини адо этди[377]. Истиқлол шарофати билан вилоят ёшларининг диний билим олишлари учун кенг имкониятлар яратилди. 1991 йил 21 сентябрда Мулла Қирғиз мадрасаси тантанали равишда очилди. Шу йили мадрасага 60 нафар талаба қабул қилинди[378].

Бугунги кунда жойлардаги оқсоқоллар кенгашлари миллий Истиқлол мафкурасини шакллантириш, халқнинг бой, қадимий урф-одатлари, анъаналарини қайта тиклаш, умуминсоний қадриятларни ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Жумладан, маҳаллаларда ўтказилаётган «Истиқлолимиз - истиқболимиз», «Ватанни севмоқ иймондандир», «Маҳалла - тарбия маскани», «Одоб-ахлоқ оиладан бошланади», «Аёл ва маърифат» мавзуларидаги тадбирлар, миллий удум-анъаналар, тозалик, ободончилик ва халқ сало-

---

[376] *Хоназаров О.* Ой бориб, омон келинг //Наманган ҳақиқати.-1993.-2 март.

[377] *Каримов И.* Ҳалол яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш - бурчимиз //Туркистон.-1996.-9 ноябрь.

[378] *Убайдуллохон ҳожи.* Наманганда мадраса очилди //Наманган ҳақиқати.-1991.-24 сентябрь.

матлиги йўлидаги хайрли ташаббуслар ҳамда «Намунали хонадон», «Намунали кўча», «Намунали маҳалла» каби кўрик-танловлар ўзининг ижобий самараларини берди.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг ташаббуси билан «Оила, мактаб, маҳалла» дастурини ҳаётга тадбиқ этишга бағишланган республика семинар-йиғилиши 1995 йили май ойида вилоятда бўлиб ўтди. 1996 йилда Наманган шаҳридаги «Зарафшон» маҳалла фуқаролар йиғини шу маҳалла ҳудудидаги 41-ўрта мактабнинг ҳамкорлигида республика миқёсида ўтказилган кўрик-танловда юқори баҳоланиб, фахрли 1-ўринга сазовор бўлди.

Дастур асосида 1995 йили бошланган «Маҳалламиз болалари» телемусобақаси 1996 йилнинг 10 январида Учқўрғон шаҳрида бўлиб, унда шаҳарнинг Й.Охунбобоев номли ва «Қумқўрғон» маҳаллалари болалари куч синашдилар[379] .

Ушбу телемусобақани ўтказишдан мақсад болаларда ўз маҳаллалари тарихини билишга, турмуш қуришга тайёргарлиги, қариялар ва ёлғизларга ёрдам кўрсатиш, тўй, маърака ҳамда бошқа маросимларда ёшларнинг иштироки, шунингдек, фарзандларда ота-оналари юмушларига ёрдам бериш туйғуларини шакллантиришдан иборат бўлиб, кейинчалик бундай мусобақалар барча шаҳар, туманлардаги маҳаллаларда ўтказилди.

Мустақиллик йилларида халқ таълими соҳасига, унинг ҳар томонлама ривожига эътибор кучайтирилди. Бу ҳақда вилоят ҳокимининг бир неча қарор ва фармойишлари қабул қилинди. Мактаблар сони 1993 йилда 40 тага кўпайтирилди. Шу йилнинг ўзида болалар унун 4 та мактаб-лицей ташкил этилди. 1993 йилдан бошлаб, вилоятдаги 14 та мактабда араб ва инглиз тили фанлари чуқурлаштирилиб ўқитила бошланди. 210 та мактабда болаларни иқтидорига қараб табақалаштириб

---

[379] *Бозоров О.* Ўзини ўзи бошқариш органлари ишини такомиллаштирайлик //Наманган ҳақиқати.-1996.-5 апрель.

ўқитиш жорий этилди. Вилоят хокимлиги мавжуд учта олий ва 18 та ўрта махсус ўқув юртларининг комплекс тараққиёти ва ривожланишига жиддий эътибор берди[380].

1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги янги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қабул қилинди. Унга асосан Наманганда 1999 йилда битта академик лицей қурилди, 8 та касб-ҳунар коллежи ташкил этилди. 1999 йилга қадар «Умид» жамғармаси орқали 643 та ўғил-қиз хорижда таълим олиш имкониятига эга бўлди. Шулардан 42 нафари наманганлик ёшлар эди[381].

1990 йили вилоятдаги 565 та ўрта таълим мактабларида 361 минг ўқувчи таълим олган бўлса[382], 2006-2007 ўқув йилига келиб 680 та умумтаълим мактабларида 473,2 минг ўқувчи ёшлар билим олди[383].

Вилоят ўқувчилари республика миқёсида ўтказиладиган фан олимпиадаларида мунтазам қатнашдилар. 1994 йил вилоятдаги лицейлар сони 11 тага етди. Вилоят мактаб ўқувчиларидан 3 нафари Ўзбекистон-АҚШ таълим ва тил ўрганиш бўйича ҳамкорлик ташкилоти «АКСЕЛС» гуруҳи томонидан ўтказилган танловда ғолиб чиқиб, Америкада ўқиш ҳуқуқини қўлга киритди[384].

1977 йилда вилоятда 523 та умумий таълим мактаблари бўлиб, унда 290 мингдан зиёд ёш авлод таълим олди. Шу даврда 2 та олий ўқув юрти, 12 та ўрта махсус, 24 та касб-ҳунар таълими билим юртлари фаолият юритган бўлса[385], фақатгина 2000-2001 ўқув йилида вилоятда 671 умумий таълим мактаби, барча қулай-

---

[380] *Рапиғалиев Б.* Осойишталикни янада мустаҳкамлаб, бутун куч-эътиборни бунёдкорлик ишларига қаратайлик //Наманган ҳақиқати.-1993.-1 январь.

[381] *Каримов И.* Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз.-Асарлар. - Т.: Ўзбекистон, 2000.-Т.8. - Б.188-189.

[382] НВДА, 796-фонд, 1-рўйхат, 102-иш, 21-варақ.

[383] Наманган вилоятининг 2001-2007 йиллардаги ижтимоий-иқтисодий...Б.4.

[384] *Абдуллаев О.* Наманган вилояти...Б.136.

[385] НВДА, 275-фонд, 6-рўйхат, 2336-иш, 14-варақ.

ликларга эга бўлган 19 та лицей, 6 махсус мактаб-интернат, 2 та академик лицей, 43 касб-хунар коллежи фаолият кўрсатди. Вилоятдаги 3 та олий ўқув юртларида 2001 йилда 11 мингдан зиёд талаба таълим олди[386]. Улар замонавий ўқув қуроллари ва техник воситалар билан жиҳозланди.

Совет даврида ҳунар-техника билим юртларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга кам эътибор берилар эди. Масалан, 1987 йил Чуст туманидаги 32-ўрта ҳунар-техника билим юртининг бўлажак дурадгорлар тайёрловчи 2 та группасида 60 ўқувчи учун 2 та парма, 1 та ранда, 1 та катта тахта ранда, 2 та шокул бор эди холос. Ваҳоланки, меъёр бўйича бундай асбобларнинг ҳар бир туридан 30 тадан бўлиши керак эди. Чуст шаҳридаги 23-ўрта ҳунар-техника билим юртида оталиқ ташкилоти - Тошкент «Фотон» заводи филиалининг айби билан 92 бўлажак тикувчининг ҳунар ўрганиши учун 5 та тикув машинаси мавжуд эди холос. 60 нафар бўлажак радиотелеусталар учун эса устахона, зарур асбоб-ускуналар йўқ эди. Шунингдек, Тўрақўрғон туманидаги 30-ўрта ҳунар-техника билим юртида бўлажак 490 нафар тракторчи учун 44 та ўрнига 9 тагина трактор мавжуд эди[387]. Ушбу ҳол халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашда ўзига хос муаммоларни келтириб чиқарар эди. Мустақиллик йилларида вилоятда ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими таълим тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар асосида қайта ташкил этилди. Жумладан, 2000 йили Наманган шаҳрида Маданият коллежи ва Наманган санъат коллежи ташкил этилди[388]. Истиқлол йилларида бунёд этилган деярли барча коллежлар замонавий бино ва техника воситалари билан таъминланди.

1992 йилда Наманган вилояти ижтимоий-маданий ҳаётида жуда катта воқеа юз берди. Ўзбекистон Прези-

---

[386] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6 том. -Т., 2003. - Б. 253.

[387] НВДА, 275-фонд, 2-рўйхат, 513-иш, 38,39-варақлар.

[388] Наманган вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси... 4-бет.

денти Фармонига кўра, 1992 йил 15 мартда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари учун етук малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида Наманган Давлат педагогика институти Наманган Давлат университетига айлантирилди[389]. 2014 йилда университетдаги 5 та факультет, 23 та кафедрада 31 та бакалавр, 13 та магистратура йўналишларида 400 дан ортиқ профессор-ўқитувчилар 5032 та бакалавр ва 132 нафар магистрларга сабоқ бериб, илмий-педагогик фаолият билан шуғулланиб келмоқдалар.

Вилоятдаги олий ўқув юртларидан яна бири, Тошкент политехника институтининг Наманган филиали негизида 1991 йилда ташкил этилган Наманган муҳандислик-педагогика институти ҳисобланади[390]. Институт касб-ҳунар коллежлари учун муҳандис-педагоглар тайёрлаш бўйича таянч олий ўқув юрти ҳисобланади. Институт таркибида 5 та факультет, 25 та кафедра фаолият кўрсатади. Институтда бакалавриатнинг 31 та таълим йўналиши ва магистратуранинг 8 та мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланади. Бугунги кунда институтда 288 нафар профессор-ўқитувчилар фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирда институтнинг бакалавр йўналишида 3960 та, магистратура йўналишида эса 59 нафар талаба таълим олмоқда.

Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институти муҳандис ва иқтисодчи мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти бўлиб, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти Наманган филиали негизида 1992 йил ташкил этилди[391]. 2011 йил Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1533-сонли қароридан келиб чиқиб Наманган муҳандислик-технология институтига айлантирилди. Бугунги кунда институтда мавжуд бўлган 3 та факультет таркибида 15 та кафедра мавжуд бўлиб,

---

389 *Раҳимов Н.* Истиқлол ва фан тараққиёти //Наманган ҳақиқати.-1995.-15-апрель.

390 Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-том- Т.: 2003. - Б.256.

391 Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6-том- Т.: 2003. - Б.255.

улардан 8 таси мутахассислик кафедраларидир. Институтда 2019 нафар бакалавр, 68 нафар магистр, жами бўлиб 2087 нафар талаба таҳсил олмоқда. Проессор-ўқитувчилар таркиби 166 кишини ташкил этади[392] .

1992 йил февралдан бошлаб вилоят ҳокимининг вилоятдаги олий, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари талаба ва ўқувчилари учун жамоат автотранспортида йўлкира ҳақини амалдаги миқдорга нисбатан 50% камайтириб белгиланиши тўғрисидаги қарори ҳаётга тадбиқ этилди. Бу имтиёздан ўша йилнинг ўзида вилоят бўйича 37 мингга яқин талаба ва ўқувчилар фойдаланиб, буни таъминлаш учун вилоят 1992 йил бюджетидан 11 миллион сўмга яқин қўшимча маблағ сарфланди[393] .

Миллий ўзликни англаш, қадриятларни тиклашда маданий-оқартув муассасаларнинг жамиятдаги ўрнини инобатга олган ҳолда, республика ва вилоят раҳбарияти бу масалага жиддий эътибор қаратди. Масалан, 1992 йил 28 август куни Тўрақўрғон тумани марказида «Ширинлик» комбинатининг 600 ўринли зал, кутубхона ва меҳмонхонага эга бўлган маданият саройи қуриб битказилди. Лойиҳанинг умумий қиймати 455 млн. сўмни ташкил этди[394] .

Вилоят ташкил топган даврда салкам 100 та кутубхона мавжуд бўлган бўлса[395] , 2001 йилга келиб уларнинг сони 434 тага етган. Вилоятда 162 та клуб муассасаси шундан 10 таси маданият ва санъат саройлари, 7 та музей, 100 та Хотира ва қадрлаш уйлари, 11 та маданият ва истироҳат боғи, 18 та мусиқа ва санъат мактаби, 21 та халқ ҳаваскорлик жамоалари, Алишер Навоий номли мусиқали драма ва комедия театри «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси вилоят бўли-

---

392 Изоҳ: вилоятдаги олий ўқув юртлари тўғрисидаги сўнгги маълумотлар мазкур олий ўқув юртларининг ўқув-услубий, илмий ва бошқа бўлимларидан олинган маълумотлар асосида тайёрланди ва умумлаштирилди.

393 Талаба ёшларга янги қулайлик //Наманган ҳақиқати.-1992.-4 февраль.

394 Муносиб армуғон //Наманган ҳақиқати.-1992.-31 август.

395 НВДА, 796 -фонд, 1-рўйхат,102-иш, 22-варақ.

ми, «Ўзбекрақс»нинг вилоят бўлими, «Ниҳол» номли вилоят болалар қўғирчоқ театри, маданият ҳамда санъат коллежлари фаолият кўрсатмоқда[396].

1997 йил вилоятда «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси вилоят бўлими ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда миллий рақс ва хореография санъатини ривожлантириш тўғрисида»ги 1997 йил 8 январдаги Фармонига асосан вилоятда «Ўзбекрақс» миллий рақс бирлашмаси вилоят бўлими ташкил этилди.

1997 йил «Ўзбекистон Республикасидаги корхоналар тўғрисида»ги қонунга биноан, Наманган шаҳар ҳокимининг 1997 йил 25 июль қарори билан «Ўзбекдавлатцирк» бирлашмасининг вилоят бўлими ташкил топди. 1999 йил Наманган вилоят ҳокимининг 2 июль қарорига асосан «Ниҳол» номли вилоят болалар қўғирчоқ театри, шунингдек, 2000 йил 11 апрелдаги қарорига кўра «Маданият» жамғармаси, 2000 йил 22 ноябрдаги қарорига асосан эса Усмон Носир номли ёшлар театр-студияси ташкил топди[397].

Истиқлол йилларида кўплаб маданият ходимлари Ватаннинг юксак мукофотларига сазовор бўлдилар. Жумладан, 2001 йил 24 августдаги Ўзбекистон Президентининг Фармонига мувофиқ вилоят ўлкани ўрганиш музейи ходими Э.Қорабоев «Шуҳрат» медали билан тақдирланди[398].

1993 йил вилоятда 1081 жамоа ва тўгараклар мавжуд бўлиб, шулардан 871 таси бадиий ҳаваскорлик жамоалари эди. Уларда қатнашувчилар сони 15155 нафарни ташкил этди. Шундай дасталардан 14 нафари «Халқ ансамбли» унвонига эга эди. «Юлдуз» (Задарё), «Гўзал» (Поп), «Чортоқ» (Чортоқ), «Ҳилила ёр» (Янгиқўрғон), «Ниҳол», «Бўстон» (Наманган тумани), Наманган шаҳ-

[396] Наманган вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси... 1-2 бет.
[397] Наманган вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси...4-бет.
[398] Наманган вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси... 5-бет.

ридаги «Ёр-ёр» дасталари шулар жумласидандир[399].

Мустақиллик йилларида Алишер Навоий номли вилоят мусиқали драма театри маъмурияти томонидан кўплаб ижодий тадбирлар амалга оширилди. Чунончи, стационарда муттасил томошалар кўрсатиш мақсадида ҳафтанинг икки кунини ёш томошабинларга ажратилди. Бир куни ўсмирлар учун ва яна бир куни эса турли хил тадбирлар ва учрашувлар учун ажратилди. Театр жамоаси ижодий учрашувлар, вилоятнинг кўзга кўринган фаолларининг юбилейлари, корхона ва ташкилотларнинг кечаларини ўтказишда самарали меҳнат қилди. 1995 йилнинг 9 ойи давомида ижодий репертуар режаси асосида қуйидаги пьесалар саҳна юзини кўрди: Нажиб Фозилнинг «Қора елкапўшли кимса», Муҳаммад Али Эргашнинг «Қочоқ экстрасенс», Ҳабиб Садулла ва Раҳматулла Мусаевларнинг «Меҳр қуёши», М.Абдуғофуровнинг «Балои нафс», Лутфулло Маҳмуднинг «Алихонлик Ҳамлет» ва Узеир Хожибековнинг «Аршин мол-олон» асарлари саҳналаштирилди.

Вилоят ҳокимлигининг саъй-ҳаракатлари ва маданият ишлари вазирлигининг буйруғи билан театр таркибида давлат қўғирчоқ театри очилди. Ижодий жамоа Ҳ.Убайдулло асари асосидаги «Темирбойнинг саргузаштлари» спектакли билан ўз фаолиятини бошлади. Театрда 1995 йил мобайнида 225 марта спектакль кўрсатилди. Томошабинлар сони 60,2 мингтани ташкил этди. Томошадан тушган маблағ эса 139,2 минг сўмни ташкил қилди.

Вилоятда болалар мусиқа мактабларининг сони 1995 йилда 17 тани ташкил этиб, 3184 та ўқувчи ёшлар таълим олдилар[400].

2006 йилдан эътиборан, вилоятда миллий-мумтоз мусиқа куй-қўшиқларини ёшларга тарғиб қилиш мақсадида «Тасанно» жонли ижро беллашуви ташкил

[399] *Нуралиев Ў.* Маънавий бойлик - фаровонлик омили //Наманган ҳақиқати. - 1993.-2 март.

[400] Ўз МДА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 225-иш, 4-варақ.

этилди. Мазкур тадбир Алишер Навоий номли мусиқали драма ва комедия театри ҳамда вилоят телерадиокомпанияси ҳамкорлигида амалга ошириладиган бўлди[401] .

Кишилар онгида тарихий тафаккурнинг шакллантиришда музей ва хотира уйларининг ўрни беқиёслигини инобатга олган ҳолда, вилоят раҳбарияти томонидан бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, 1993 йил 28 августда Поп туманида археология музейи барпо қилинди. Шунингдек, 1995 йилда Тўрақўрғон шаҳрида Ибрат уй-музейи қурилди. Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги ҳайъатининг 1996 йил 3 майдаги қарорига асосан Мингбулоқ, Уйчи, Чортоқ туманларидаги ва Косонсой шаҳридаги музейларга «Халқ музейи» унвони берилди[402]. Бу ўринда Наманган вилояти ўлкани ўрганиш музейи алоҳида аҳамият касб этади. Музейда Тарих, Санъат, Табиат, Оммавий оқартув, Илмий услубият, Ҳозирги замон, Хазина ва Жанговар Шон-шуҳрат бўлимлари мавжуд[403]. Вилоят ўлкани ўрганиш музейи 2010 йили ўзининг 90 йиллик юбилейини нишонлади.

XX асрнинг 70-йилларида вилоят миқёсидаги «Наманган ҳақиқати» ва «Наманганская правда» ҳамда 10 та туман газеталари нашр этиб турилган бўлса[404] , бугунги кунда 50 дан ортиқ газета нашр этилмоқда. Мустақиллик шарофати билан Поп туманида яшаётган 20 мингга яқин тожик миллатига мансуб аҳолининг ҳам истаклари инобатга олиниб, 1992 йил сентябридан «Поп тонги» туман газетасида тожик саҳифаси ташкил этилди[405] . Шунингдек, вилоят радиоси орқали кам сонли миллатлар тилларида ҳам эшиттиришлар уюштирил-

---

401 Наманган вилояти ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси ...Б.38.

402 Наманган вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси... 1-2 бет.

403 Ўз МДА, М-7-фонд, 1-рўйхат, 546-иш, 2-варақ.

404 НВДА, 275-фонд, 6-рўйхат, 2336-иш, 16-варақ.

405 *Иномов Ш.* Попим саховатли юртим...Б.52.

моқда. Косонсой ва Чуст туманларида туман газеталарининг бир саҳифаси тожик тилида чиқарила бошланди. Вилоят ва юқоридаги туманлар радиоэшиттириш студиялари орқали ҳафтада икки мартадан тожик тилида эшиттиришлар берилди[406] .

Наманган вилоятида дастлабки радио эшиттиришлар 1932 йилда бошланган бўлиб, 1990 йилдан вилоятда водийда биринчи телестудия ташкил этилди ва телекўрсатувлар берила бошланди. 2000 йилда эса янги телемарказ қурилиб фойдаланишга топширилди. Телемарказ Германия «Сименс» фирмасининг замонавий теле-видео аппаратураси билан жиҳозланди[407] .

Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор қаратилганлиги ҳар бир спорт турига вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, вилоятдаги йирик корхона ва ташкилот раҳбарларини спорт турлари бўйича федерация президентлари этиб тасдиқланганлиги ўзининг самарасини бериб, вилоятда спорт иншоотларининг кўпайиши ва етук спортчилар етишиб чиқишига, вилоят спорти шарафини республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда муносиб ҳимоя қилиб келинишига замин яратди. Ҳар бир туман маркази ва қишлоқ жойларида спорт иншоотлари барпо этилган.

Мустақиллик шарофати натижасида ўтган йиллар мобайнида вилоятда жаҳон андозаларига жавоб берадиган спорт иншоотлари ишга туширилди. Масалан, 1996 йили «Дўстлик» теннис мажмуи, 1998 йили «Паҳлавон» спорт мажмуи, 1999 йили «Динамо» спорт мажмуи, 2003 йили «Ёшлар спорт мажмуаси» ва бошқалар[408] .

---

[406] *Файзуллаев Т.* Ўзбекистон янги йўлда...Б. 50

[407] Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 6 том- Т.: 2003. - Б.253.

[408] Наманган вилояти ҳокимлигининг маданият ва спорт ишлари бошқармаси...Б.1-17.

Биргина 2006 йил давомида вилоят спортчилари мавжуд спорт турлари бўйича 35 дан ортиқ халқаро турнирларда, 80 дан ортиқ республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда иштирок этиб, 200 та олтин, 262 та кумуш, 335 та бронза медалларни қўлга киритишиб, 11 нафар жаҳон чемпиони, 4 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 13 нафар спорт устаси, 220 та спорт усталигига номзод тайёрлашга эришилди[409].

Республика Президенти Ислом Каримов вилоятда жисмоний тарбия ва спортга катта эътибор берилаётганини ҳақли равишда таъкидлаб, шундай дейди: «Наманганлик спортчилар мамлакат ва жаҳон миқёсидаги турли мусобақаларда совринли ўринларни қўлга киритмоқдалар. Айниқса, бу ерда футболга қизиқиш кучли. Буни «Навбаҳор» футбол жамоаси 1990 йилдан буён мамлакат чемпионатида муттасил совриндорлар қаторидан жой олиб келаётганлигидан ҳам кўриш мумкин. Турли халқаро мусобақаларнинг ғолиблари бўлган боксчи Темур Сулаймонов, биатлончи Муҳаббат Кандакова, шахматчи Ольга Сон, теннисчи Севара Қодирова каби спортчилар нафақат вилоят, балки бутун мамлакатимиз фахридир»[410].

Велоспортчи Камуллин Франция давлатида ўтган халқаро турнирда фахрли 3-ўринни эгаллади. Юнон-рум курашчилари Р. Шаркаев, Р. Замалетдинов, чавандоз С. Шмелёвлар Ўзбекистон биринчиликларида фахрли ўринларни қўлга киритишди[411]. Мустақиллик йилларида жуда кўплаб халқаро миқёсидаги спорт тадбирлари ўтказилмоқда. Жумладан: 1998 йилда шахмат бўйича Осиё чемпионати ва жаҳон чемпионатига сара-

---

[409] Наманган вилояти ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармаси...Б.1-17

[410] *Каримов И.А.* Шу муқаддас юртга ёруғ кунлар келтириш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. // Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Асарлар. - Т.: Ўзбекистон, 2000. Т. 8. - Б. 194.

[411] Наманган вилояти ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармасининг 1991-2007 йиллар учун маълумотлар тўпламидан...Б.1.

лаш мусобақалари; футбол бўйича Осиё чемпионати ва кубоги саралаш мусобақалари; теннис бўйича анъанавий «Вилоят ҳокимлигининг соврини учун» 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида халқаро турнир «Буюк ипак йўли», «Сателит», «Фючерс» халқаро турнирлари; курашнинг ҳар икки усули бўйича «Вилоят ҳокимининг соврини учун» халқаро турнир; спортнинг велоспорт, дзю-до, бокс, каратэ, чим устида хоккей, қўл тўпи, акробатика, сув полоси, аёллар футболи каби турларидан ўтказилган халқаро миқёсидаги мусобақалар шулар жумласидандир.

Хорижий давлатларнинг юзлаб етакчи спортчилари иштирокида ўтказилган ушбу нуфузли мусобақаларда вилоят вакиллари йирик ғалабаларни қўлга киритишмоқда.

Стол тенниси бўйича чустлик Севара Қодирова 1999 йилда Швецияда ўтган ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатида ғолибликни қўлга киритиб, жаҳон чемпиони бўлди, Ольга Сон 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида шахмат бўйича Осиё чемпиони унвонини, биатлончи Муҳаббат Кандакова Европа очиқ чемпионатининг ғолиблигини, енгил атлетика бўйича Елена Квятковская, бокс бўйича Темур Сулаймонов, сув полосидан Сергей Максимовлар XIII Осиё ўйинларининг кумуш медалини, Сергей Шмелёв от спорти бўйича жаҳон чемпионати 3-босқичи кумуш медалини, эркин кураш бўйича Рустам Мамажонов Осиё кубогини, шахмат бўйича халқаро гройссмейстр Саидали Йўлдашев Хитой давлатида ўтган Осиё чемпионати ғолиблигини, каратэчи Бобур Юнусов Венгрияда ўтган жаҳон кубогида бронза медалини, спортнинг самбо, кураш, дзюдо турлари бўйича спорт устаси Араб Камолов ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатида кумуш медални, бокс бўйича Тўлашбой Дониёров халқаро мусобақалар ғолиблигини, ака-ука Бахтиёр ва Шуҳрат Бозоровлар кураш бўйича Ўзбекистон чемпионатининг

бир неча бор мутлоқ ғолиблигини ва халқаро турнирлар ғолиби унвонларини, ака-ука Жўра ва Муталли Мамажоновлар каратэ бўйича Америка ва Венгрияда ўтган халқаро турнирлар ғолиблигини қўлга киритишга муваффақ бўлишди.

2001 йилда вилоятнинг 9 та спорт жамоаси Ўзбекистон чемпионати Олий лигасида муваффақиятли иштирок этишди[412] .

2007 йилга келиб вилоятнинг 10 та спорт жамоаси Ўзбекистон чемпионатининг турли нуфузли мусобақаларида иштирок этди[413] . Вилоятнинг «Навбаҳор» футбол жамоаси Ўзбекистон чемпионати олий лигасида қатор йиллар фақат совринли ўринларни эгаллаб келди. Ушбу жамоа 1996 йилда Ўзбекистон чемпиони унвонини қўлга киритган бўлса, 1997 йилда Ўзбекистон кубоги - «Биллур соврин»га учинчи маротаба эришиб, уни абадий сақлаб қолиш ҳуқуқини қўлга киритди.

1991-2000 йилларда 5000 дан ортиқ вилоят спортчиси 600 га яқин Республика ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда иштирок этган. Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри, вилоятлар жамоалари иштирок этган Универсиада-2000 мусобақасида вилоятимиз терма жамоаси аъзолари фахрли 1-ўринни эгаллашиб, Ўзбекистон тарихида илк бор ташкил этилган ушбу Универсиаданинг ғолиби деган унвонга сазовор бўлишди. Ушбу мусобақаларда спортчилардан 5 нафари Президент совғаси сифатида ажратилган «Тико» енгил автомашиналари билан тақдирланишди. Шунингдек, енгил атлетикачилардан Екатерина Кремлёва, Елена Квятовскаялар Сиднейда бўлиб ўтган «Олимпиада-2000» мусобақасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафида муваффақиятли иштирок этиб қайтишди. Эришилган натижа ва ютуқларга, вилоятда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга улкан ҳисса қўш-

---

412 Наманган вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари... - Б. 2.

413 *Акмалов М.* Вилоятимиз спорти // Наманган ҳақиқати.-2007. -13 июл.

ган вилоятнинг кўплаб спортчилари, раҳбар ва устозлари мустақил давлатимизнинг юксак унвон ва орден медалларига сазовор бўлишди. Тошкент шаҳрида 2001 йилнинг 13-14 май кунлари «Фарзандлари соглом юрт қудратли бўлур» шиори остида ўтган «Олимпиада умидлари-2001» Республика финал мусобақаларида Наманган вилоят терма жамоаси Тошкент шаҳридан кейин фахрли II ўринни олишга сазовор бўлишди. Улар мусобақада жами 18 та олтин, 10 та кумуш, 34 та бронза медалларини қўлга киритишга муваффақ бўлишди. Туркиянинг Истанбул шаҳрида Аҳмет Жўмерт соврини учун ўтказилган «А» классидаги халқаро турнирда дунёдаги 31 та мамлакатдан келган ҳаваскор боксчилар ичида наманганлик Тўлашбой Дониёров ўз вазни бўйича I ўринни эгаллаб, «Энг чиройли техник услубли» боксчи номини олишга муяссар бўлди.

2002 йил таэквондо бўйича Астана шаҳрида ўтказилган Осиё биринчилигида Нодир Набиев I ўринни қўлга киритди. Бокс бўйича Россиянинг Волгоград шаҳрида ўтказилган Халқаро турнирда Илҳом Раҳимов II ўринни, июль ойида Руминияда, 2004 йил Кореяда бўлиб ўтган жаҳон биринчиликларида жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди. 2006 йил 3-15 декабрь кунлари Қатар давлатининг пойтахти Доҳа шаҳрида ўтказилган XV Осиё ўйинлари мусобақаларида вилоятимиздан 6 нафар спортчи Ўзбекистон терма жамоалари таркибида иштирок этдилар.

2010 йилнинг июль ойида Германия давлатида ўтказилган халқаро марафон мусобақасида иштирок этган 61 ёшли спортчимиз Людмила Музаффарова фахрли 1-ўринни қўлга киритди. Шунингдек, Сингапур давлатида қизлар ўртасида сув полоси спорт тури бўйича ўтказилган Осиё кубоги мусобақасида вилоятимиз жамоаси 1-ўринни қўлга киритди[414].

[414] Наманган вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармасининг 2010 йил якунлари бўйича тайёрланган ҳисоботидан.

2006 йил давомида вилоятдаги мавжуд спорт турлари бўйича спортчилар 35 дан ортиқ халқаро турнирларда, 80 дан ортиқ республика миқёсида ўтказилган мусобақаларда иштирок этиб, 200 та олтин, 262 та кумуш, 335 та бронза медалларини қўлга киритиб, 11 нафар жаҳон чемпиони, 4 нафар халқаро тоифадаги спорт устаси, 13 нафар спорт устаси, 220 нафар спорт усталигига номзод, 310 нафар I разряд, 430 нафардан ортиқ оммавий разрядчилар тайёрлашга эришилди.[415]

2010 йил мобайнида вилоятда жами 258 дан ортиқ оммавий спорт тадбирлари ўтказилган бўлиб, ушбу тадбирларда 457243 нафар спортчилар иштирок этишди. Шундан 181709 нафарини қизлар ташкил этди. Вояга етмаганлар ўртасида вилоят бўйича 186 та спорт мусобақалари ўтказилган бўлса, бу мусобақаларда 129113 нафар спортчилар иштирок этишди. Йил мобайнида жами 834 та медал қўлга киритилган бўлиб, шундан 239 таси олтин, 255 таси кумуш, 340 таси бронзани ташкил этади[416] .

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, мустақиллик йилларида вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётида салмоқли ўзгаришлар содир бўлди. Бу, аввалambор, аҳолининг моддий шарт-шароитларини яхшилаш борасида яққол кўзга ташланди. Вилоятда турли миллат вакиллари истиқомат қилади. Уларнинг конституциявий ҳуқуқларини таъмин этиш мақсадида мазкур миллат вакилларининг миллий-маданий марказлари фаолият юритмоқда. Истиқлол даврида кўплаб янги маъмурий иншоотлар фойдаланишга топширилди. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари иш бошлади. Бозор иқтисодиёти шароитида кам таъминланган ва муҳтож оилаларга вилоят ҳокимияти ва ташкилотлар томонидан моддий ёрдам тариқасида кўплаб хайрия

---

[415] Наманган вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари... - Б. 16

[416] Наманган вилоят ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармасининг 2010 йил якунлари бўйича тайёрланган ҳисоботидан.

тадбирлари уюштирилди. Шунингдек, хорижий фирмалар билан ҳамкорликда кўплаб қўшма корхоналар ишга туширилди.

Ютуқлар билан бир қаторда айрим соҳаларда камчиликлар ҳам кўзга ташланди. Масалан, айрим корхоналарда ишлаб чиқариш суръатларининг пасайишига йўл қўйилди. Наманган вилоятида саноатнинг машинасозлик, электротехника, кимё, пахта тозалаш, озиқовқат каби тармоқлари ишлаб чиқаришда етакчилик қилади.

Мустақиллик йилларида аҳолини тоза ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш масаласига асосий эътибор қаратилиб, энг чекка қишлоқларга ҳам газ тармоқлари ўтказилди. Наманган шаҳри аҳолиси учун Учқўргон - Наманган сув узатиш иншооти қуриб фойдаланишга топширилди. Вилоятда деҳқон (фермер) хўжаликлари маҳсулотлар етказиб бериш борасида талайгина ишларни амалга оширдилар. Сўнгги пайтларда вилоят иқтисодиёти учун аҳамиятли бўлган «Попфен», «Наманган ичимлиги», «Ал-жаҳон», «Наманган текстиль», «Силк Роуд», «Косонсой Текмен» каби қўшма корхоналар қуриб ишга туширилди. Бунинг натижасида эса вилоятда янги иш ўринлари яратилиб, кўплаб кишилар иш билан таъминланди.

Мустақиллик йилларида вилоятда маданий-маърифий ишлар сезиларли даражада ривожланди. «Мерос» илмий-маърифий марказининг ташкил этилиши бу борада амалий ишлардан ҳисобланади. Истиқлол йилларида Мулла Қирғиз мадрасаси қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Муборак Ҳаж ва Умра зиёрати учун ҳукумат томонидан шароитлар яратиб берилди.

Вилоят маҳаллаларида мустақиллик йилларида маданий-маърифий соҳаларда кўплаб тадбирлар ташкил этилди. Ушбу тадбирлар миллий ўзликни англашда, қадриятларнинг тикланишида катта аҳамият касб этмоқда. Шу давр ичида вилоятда спорт-соғломлаштириш ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

# ХУЛОСА

Мустақиллик йилларида тарих фани соҳасида ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»-ги қарори[417] тарих фанининг ягона концепциясини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг 1998 йил 26 июнда бир гуруҳ тарихчи олимлар, журналистлар, ижодий соҳа ходимлари билан бўлган учрашувда билдирган фикрлари, 2000 йил 8 июнда эса «Fidokor» газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида ижтимоий жараёнларнинг долзарб масалалари қатори юрт тарихини ўрганишнинг концептуал, янгича талқинлари илгари сурилдики, улар тарих фанининг долзарб масалаларини белгилаб беришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Натижада кейинги йилларда тарихчи олимлар саъйҳаракати билан кўплаб вилоят, туман ва ҳудудлар тарихи ҳақидаги тадқиқотлар юзага келди. Айниқса, Республика тарихини айрим ҳудуд, шаҳар ва вилоятлар мисолида ўрганиш, ўтмишни янада мукаммал тарзда ёритиш учун имконият яратди. Чунки, Истиқлол йилларига қадар вилоят тарихини холисона тадқиқ этишнинг имконияти деярли йўқ эди. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин вилоят тарихини ҳаққоний тарзда ўрганиш учун шарт-шароитлар вужудга келди.

Вилоятлар, хусусан, Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихини қиёсий таҳлил қилган ҳолда ўрганиш шу соҳа мутахассисларининг долзарб вазифаларидан биридир.

---

[417] Ўзбекистон овози.-1998.-28 июль.

Шу боис, мустақиллик йилларида вилоятнинг айрим туманлари тарихини ўрганиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, туманлар тарихига бағишланган асарларнинг бирортасида ушбу мавзуни махсус ўрганиш мақсад қилиб қўйилган эмас.

1917 йилнинг февраль инқилоби таъсирида Туркистонда, хусусан, Наманганда ҳам сиёсий уйғониш янги поғонага кўтарилди, ўлка мустақиллиги учун курашувчи кўплаб жамият ва ташкилотлар тузилди.

Большевиклар тузумининг зўрлик билан ўрнатилишига қарши қуролли қаршилик ҳаракатида аҳолининг турли табақалари иштирок этди. XX асрнинг 30-йиллари бошларида қишлоқ хўжалигида мажбурий жамоалаштиришга қарши халқ оммасининг кўплаб оммавий норозилик чиқишлари бўлиб ўтди. Айрим туманларда жамоа хўжаликлари ташкил этиш анча қийинчиликлар билан амалга оширилди. Жамоалаштиришга қарши чиққанларни қамаш, сургун қилиш, уларга «қулоқ» тамғасини ёпиштириш авж олди.

XX асрнинг 30-йилларидаги оммавий қатағонлар наманганлик зиёлиларни ҳам четлаб ўтмади. Наманганлик зиёлилардан Ибрат, У.Носир, М.Суфизода, Р.Мўмин, С.Холдорова, И.Хидиралиев, М.Эрматов, Н.Қориев ва бошқалар қатағонлик домига тортилдилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида барча ўзбекистонликлар қатори наманганликлар ҳам бор имкониятларини фашизм устидан қозонилажак ғалабага сафарбар этдилар. Ушбу йилларда жамоа хўжаликларида фронт учун қўшимча тарзда «мудофаа гектари» экиш кенг тус олди. Мазкур ерларда етиштирилган ҳосил тўлалигича фронтга жўнатилди.

Ҳаракатдаги армияни қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш мақсадида наманганликлар томонидан улкан миқдордаги маблағ йиғиш ишлари амалга оширилди. Кўплаб фуқаролар ушбу йилларда ўз шахсий жамғармаларини ҳам мудофаа фондига ўтказди-

лар. Фашист босқинчиларидан озод этилган ҳудудлардаги жамоа хўжаликларига ёрдам сифатида «мудофаа гектарлари» экдилар ва моддий ашёлар юбордилар. Жанг майдонларида кўплаб наманганликлар жасорат намуналарини кўрсатдилар.

XX аср 60-йиллари иккинчи ярмидан 70-йилларининг ўрталарига қадар вилоят қишлоқ хўжалигида юксалиш ҳолатлари кўзга ташланади. 70-йилларда вилоятда сув хўжалиги қурилиши ишларига ва пахта экин майдонларини кенгайтиришга катта эътибор берилди. 70-йиллар бошларидан эътиборан хўжаликнинг айрим соҳаларида турғунлик ҳолатлари кўзга ташлана бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг 1960 йил 25 январдаги фармонига кўра, Наманган вилояти тугатилди, 1967 йил 18 декабрдаги фармонига биноан республика таркибида Наманган вилояти қайта тикланди. Бу эса вилоятнинг ушбу давр оралиғидаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётига салбий таъсир кўрсатди.

Вилоятнинг аҳоли салмоғида болаларнинг кўплиги унинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. 1975 йил вилоятда 14 ёшгача бўлган болалар жами аҳолининг 44% ини ташкил этар эди. Бу кўрсаткич собиқ Иттифоқда 29%, Ўзбекистонда эса 40% ни ташкил этди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда ҳам коммунизм мафкурачилари томонидан совет жамиятининг мафкуравий қолипига мос тушмаган ҳар қандай фикр ва ғоялар инкор этилди. Совет тузуми даврида халқнинг миллий бойлиги ҳисобланмиш тарихий ёдгорликларга нисбатан беписандлик кайфияти ҳукмронлик қилди.

XX аср 40-йиллари охири 50-йиллари бошларида совет жамиятида сиёсий қатағонликларнинг янги палласи бошланди. Ушбу қатағонларга кўплаб наманганлик зиёлилар ҳам тортилдилар. Миллий ва диний қадриятлар таъқиб этилди. Атеистик ташвиқот ишла-

ри вилоят сессияларида долзарб масала сифатида муҳокама этилди.

70-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб, 80-йилларнинг ўрталаригача бўлган давр мобайнида расмиятчилик, кўзбўямачилик, қўшиб ёзишлар оқибатида натижалар сохталаштирилди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб, совет жамиятида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида танглик ҳолати кучайиб борди. Бу жараён Наманган вилояти ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳам ўз аксини топди.

XX асрнинг 80-йилларида «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» уйдирмалари асосида Наманганда ҳам кўплаб кишилар бадном этилди. Президент И.А.Каримовнинг ташаббуси билан тузилган махсус комиссия Истиқлолнинг дастлабки кунларида ўз текширувларидан сўнг 2940 кишини реабилитация қилди. Шундан 23 киши Наманган вилоятидан эди.

«Қайта қуриш» йилларида Наманган вилоятида ҳам аҳолининг меҳнатга бандлик ҳолати ҳамда мавжуд иш ўринлари билан боғлиқ муаммолар мавжуд эди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ҳам туб ўзгаришлар даври бошланди. Кўп укладли иқтисодиёт, мулкчиликнинг янги шакллари вужудга келди. Халқ хўжалигида нодавлат секторнинг ҳиссаси ошиб борди. 1993 йилда Наманган ҳудудида 25 дан зиёд қўшма корхона ва 20 та ташқи иқтисодий алоқа қатнашчиси бўлган йирик корхоналар фаолият юритди. 1996 йил вилоятда ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг 94% идан кўпроғи нодавлат сектор ҳиссасига тўғри келди. Наманган вилоятида 1995 йил деҳқон (фермер) хўжаликлари сони 1882 тани ташкил этган бўлса, 2004 йилда 5140 тага етди.

Мустабид тузумдан мерос сифатида қолган ва йиллар давомида тўпланган ҳамда ўз ечимини топа олмаган ижтимоий муаммолар Наманган вилояти ҳудудида мустақилликнинг қўлга киритилиши ва мустаҳкамла-

нишида ўзига хос кўринишларда намоён бўлди. Ишсизликнинг юқори даражадалиги, мавжуд иш ўринларининг етишмаслиги каби жиҳатлар мустақилликнинг дастлабки кезларида вилоят раҳбарияти олдига кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларни қўйди.

Вилоятда Истиқлолнинг дастлабки ўн йиллигида жиноий ишлар сони анчагина камайганлиги кузатилади. Бу ўз ўрнида ушбу ҳолат билан боғлиқ ижтимоий муаммоларнинг ҳал этиб борилганлигидан далолат беради.

Мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби маданият соҳасида ҳам улкан янгилик ва ўзгаришлар амалга оширилди. Ушбу йилларда аҳолининг миллий ва диний қадриятларини тиклаш ишларига ҳам катта эътибор берилди.

Вилоят маҳаллаларида ўтказилаётган «Истиқлолимиз - истиқболимиз», «Маҳалла - тарбия маскани», «Одоб-ахлоқ оиладан бошланади» мавзуларидаги тадбирлар, миллий удум-анъаналар, тозалик, ободончилик ва халқ саломатлиги йўлидаги хайрли ташаббуслар, «Намунали хонадон», «Намунали маҳалла» каби кўриклар ўзининг ижобий самараларини берди.

Наманган вилояти ҳокимлиги томонидан жисмоний тарбия ва спортга алоҳида эътибор қаратилди. Вилоятда спорт иншоотларининг сони кўпайди, етук спортчилар етишиб чиқди.

Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йиллари тарихини қиёсий таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларни илгари суриш имконияти вужудга келди:

1. Туркистоннинг барча ҳудудларида бўлгани каби Наманган вилоятида ҳам совет тузуми маҳаллий аҳолининг хоҳиш-иродасига зид равишда қурол кучи ёрдамида, зўрлик билан ўрнатилди. Шу сабабга кўра ватанпарвар кучлар узоқ йиллар давомида юрт озодлиги учун ошкора ва яширин кураш олиб бордилар.

2. Мажбурий жамоалаштириш, қулоқлаштириш ва қатагон йилларида вилоят ҳудудида амал қилиб келган азалий хўжалик анъаналари бузилди, хусусий мулк ва

иқтисодий тадбиркорликнинг ҳар қандай кўриниши таъқиб остига олинди. Кўплаб наманганлик ватанпарварлар бадном этилди, узоқ ўлкаларга сургун қилинди. Мустақиллик йилларида эса вилоятда кенг кўламдаги ижтимоий-иқтисодий тадбирлар амалга оширила бошланди. Хусусий мулкчилик ва тадбиркорликка кенг йўл берилди. Агар XX асрнинг 30-йилларида хусусий мулкчилик таъқиб қилиниб, ҳатто 1-2 таноб ери бўлган кишилардан ер-мулклари тортиб олиниб, ўзлари қулоқ қилинган бўлса, мустақиллик йилларида бунинг акси ўлароқ, мулк шаклларининг хилма хиллиги вужудга келди. Вилоятда фаолият юритаётган фермер хўжаликларига давлат томонидан ғамхўрлик кўрсатилиб, уруғлик ва техника воситалари билан ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди.

Вилоятнинг халқаро иқтисодий алоқаларда иштироки учун кенг имкониятлар очилди, қўшма корхоналар ташкил этилди.

Аҳоли ижтимоий ҳимояси устувор аҳамиятга эга бўлди, ишсизликни бартараф этиш учун янги иш ўринлари ташкил этилди.

3. Иккинчи жаҳон уруши йилларида наманганликлар фронтда ва мамлакат ичкарисида ғалабани таъминлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Урушдан кейинги йилларда вилоят хўжалик ҳаётида асосий эътибор пахтачиликни ривожлантиришга қаратилган, маъмурий-буйруқбозлик тизими хўжалик соҳаларининг издан чиқишига, бажариб бўлмайдиган режалар ортидан қувиш, кишиларда боқимандалик кайфиятининг шаклланишига сабаб бўлган бўлса, мустақиллик йилларига келиб, пахта экин майдонлари анча қисқартирилди. Унинг ўрнида тоғолди ҳудудларида боғдорчилик ва сабзавот-полиз экинларига ихтисослашган хўжаликлар ташкил этишга, шу билан бирга бошоқли дон экинларини кўплаб етиштиришга асосий эътибор қаратилди. Миллий-маданий қадриятлар ҳукмрон мафкура манфаатларига бўйсундирилди. Миллий руҳда яратилган асарлар ва уларнинг ижодкорлари ғоявий ишончсиз кишилар сифатида танқид ва

таъқиб остига олинди. Истиқлол йилларида миллий, диний қадриятларни тиклаш борасида хайрли тадбирлар амалга оширилди.

4. Мустақиллик йилларида маҳаллий бошқарув тизимида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди. Агар совет даврида маҳаллий бошқарувда партиявий яккаҳокимлик таъсирида вилоят партия қўмитаси, халқ депутатлари вилоят кенгаши, унинг алоҳида ижроия қўмитаси, 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб эса, вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби ва халқ депутатлари кенгаши раиси лавозимларининг бир кишида жамланиши маҳаллий бошқарувда ўзибўларчилик ва бошбошдоқликни юзага келтирган бўлса, мустақиллик йилларида булардан тубдан фарқли ўлароқ, ҳокимлик институтини жорий этилиши, ҳар бир ҳududнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий ривожланиши учун раҳбарлик масъулиятини ошириш имкониятини берди. Энг муҳими, маҳаллий бошқарувда маъмурий буйруқбозлик усулидан воз кечилишига олиб келди.

5. Совет жамиятининг сўнгги йилларида вилоятда ўз ечимини кутаётган ижтимоий муаммолар биринчи ўринда ишсизликнинг ўсганлиги, жиноятлар сонининг ошганлиги кузатилди. Истиқлол йилларига келиб эса, ижтимоий муаммоларни бартараф этиш, янги иш ўринлари барпо этиш борасида самарали ишлар амалга оширилди.

Тадқиқот натижаларига асосланиб айтиш мумкинки, юртимизда совет мустамлака тизимининг ўрнатилишига қарши курашда, Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашизм устидан қозонилган улкан ғалабада, мустақилликнинг қўлга киритилиши ва мустаҳкамланишида наманганликларнинг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Бу каби тарихий воқеа ва жараёнларни холисона ўрганиб, оммага етказиш, шу орқали ёш авлодни ватанпарварлик, фидойилик, сабр-бардошлилик, аждодлар ёдига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига ўз ҳиссаларини қўшиш тарихчилар зиммасига юклатилган муҳим вазифалардан биридир.

# ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

## *I. Илмий-назарий ва методологик асос бўлган адабиётлар*

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 1998 йил 27 июль қарори //Ўзбекистон тарихи.-1999.-№1.-Б.15-17.

2. Каримов И. Бизни капитализмни ҳатлаб ўтишга ўргатишган //«Наманган ҳақиқати».-1991.-13 март.

3. Каримов И.А. Ижтимоий-сиёсий вазият ва республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида //«Наманган ҳақиқати». -1991 йил 17 сентябрь.

4. Каримов И.А. Ҳалол яшаш ва ҳалол меҳнат қилиш - бурчимиз // «Туркистон».-1996. 9 ноябрь.

5. Каримов И. Янгича фикрлаш ва ишлаш - давр талаби. Асарлар.-Т.: «Ўзбекистон», 1997.-Т.5.-384 б.

6. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ.-Т.: «Шарқ», 1998.-32б.

7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Асарлар.-Т.: «Ўзбекистон»,1999.-Т.7.-416 б.

8. Каримов И.А. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда сўзлаган нутқи //«Халқ сўзи».-2000. 13 май.

9. Каримов И.А. Озод ва обод ватан эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз. Асарлар.-Т.: «Ўзбекистон», 2000.-Т.8.-528 б.

10. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди.-Асарлар.-Т.: «Ўзбекистон», 2005.-Т.13.-448 б.

## *II. Архив ҳужжатлари, статистик нашрлар*

### 1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви:

- М-7-фонд, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги;
- Р-17-фонд, ТАССР ишчи, деҳқон ва аскар депутатларининг Марказий Ижроия Комитети;
- Р-25-фонд, ТАССР Халқ Комиссарлари Совети;
- Р-34-фонд, ТАССР Маориф Халқ Комиссарлиги;
- Р-40-фонд, ТАССР Соглиқни сақлаш Халқ Комиссарлиги;
- Р-86-фонд, ЎзССР ишчи, деҳқон ва қизил аскар депутатларининг Марказий Ижроия Комитети;
- Р-90-фонд, Ўзбекистон ССР Ер Ишлари Халқ Комиссарлиги;
- Р-94-фонд, Ўзбекистон ССР Маориф Халқ Комиссарлиги;
- Р-95-фонд, Ўзбекистон ССР ишчи-деҳқон инспекцияси Халқ Комиссарлиги;
- Р-837-фонд, ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети;
- Р-2487-фонд, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги.

### 2. Наманган вилоят давлат архиви (НВДА)

- 13-фонд, Наманган шаҳар ижроия қўмитаси;
- 62- фонд, Наманган туман пахтачилик қўмитаси;
- 265- фонд, Низомбоев Иномжоннинг шахсий;
- 267- фонд, Шомирбоев Мирсаиднинг шахсий;
- 275- фонд, Наманган вилоят ижроия қўмитаси;
- 796- фонд, Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг тарихи бўйича маълумотлар жамланмаси;
- Наманган вилоят давлат архивининг Чуст туман филиали (ЧДА):
- 222- фонд, Наманган вилоят давлат архивининг Чуст филиали;
- 333- фонд,Чуст шаҳар ижроия қўмитаси;

- 339- фонд, Наманган вилоят Чуст туман кенгаши ижроия қўмитаси;

**3. Фарғона вилоят давлат архиви (ФВДА)**

- 121-фонд, Фарғона област Ижроия Комитети;
- 435-фонд, Фарғона област Инқилобий қўмитаси.

**4. Наманган вилояти ҳокимлиги маданият ва спорт ишлари бошқармасининг 1991-2010 йиллар маълумотлари.;**

**5. Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари. Вилоят статистика бошқармаси умумлаштириш бўлими 1991-2013 йиллар маълумотлари.**

## *III. Адабиётлар*

1. Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти-жадидлар миллий-демократик давлатчилик ғояларининг амалдаги ифодаси. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (Даврий тўплам №1).-Т.: Университет, 1999.-Б.158-159.

2. Абдуллаев О. Наманган вилояти (табиати аҳолиси, хўжалиги).-Наманган: Наманган вилояти ҳокимиятиноширлик бўлими, 1995.-Б.150.

3. Абдуллаев О. Фарғона водийси: ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари.-Наманган, 2000.-292 б.

4. Агзамходжаев С. История Туркестанской Автономии.-Т.: Тошкент Ислом университети, 2006.-268 с.

5. Акрамов З.М. Наманганская область (историко-географический очерк).-Т.: Из-во АН Уз ССР, 1955.-176 б.

6. Асанов Г.Р. Сельское расселение Наманганской области.-Т.: Фан, 1975.-124 с.

7. Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р.Ҳ. Узбекистан многонациональный историко-демографический аспект.-Т.:-1998.-159 б.

8. Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти.-Т.:Маънавият, 2000.-168б.

9. Жамият тараққиёти ва ижтимоий фанлар

//Наманган давлат университетида 1995 йил 27-28 апрелда бўлиб ўтган илмий конференция материаллари тўплами.-Наманган: 1996.-152 б.

10. Зиёева Д. Туркистон миллий озодлик ҳаракати.-Т.: Адабиёт ва санъат, 2000.-176 б.

11. Инамов. Ш. Попим - саховатли юртим.-Наманган: Наманган вилоятиноширлик бўлими, 1996.-96 б.

12. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар.-Т.:Шарқ, 2001.-416 б.

13. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана /Составители: О.Ата-Мирзаев, В.Гентшке, Р.Муртазаева, А.Салиев.-Т.: Университет, 2002.-128 с.

14. Каримов Н. Усмон Носир.-Т.:-1993.-208 б.

15. Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида.-Т.: Ўзбекистон, 2001.-368 б.

16. Мирзалиев Э.Ю., Бозорова М.Т.- Наманганнинг XIX аср охири XX аср бошидаги социал-иқтисодий ва маданий ривожланиши.-Наманган: 1998.-56 б.

17. Мирзалиев Э.Ю., Баҳриддинов О. Тарих - маънавият кўзгуси. -Наманган.-2006.-108 б.

18. Нажмиддин Файзиддин ўғли, Муҳаммад Ҳаким, Жўрахон Муҳаммад Ҳофиз ўгли. Чуст тарихи.-Чуст: Наманган вилояти ноширлик бўлими, 1995.-180 б.

19. Расулов А. Туркистон ва Волгабўйи, Уралолди халқлари ўртасидаги муносабатлар.-Т.: Университет, 2005.-200 б.

20. Раҳимова М.В. Косонсой тарихидан лавҳалар. - Наманган: Наманган вилоят ноширлик бўлими, 1996.- 40 б.

21. Рўзибоев Т., Ҳожимирзаев М. Наманган области: Справочник.-Т.: Ўзбекистон, 1981.- 176 б.

22. Санақулов Х. Чуст. Этнографик очерк.-Т.: 1991.-52 б.

23. Солиев А. Избоскан тарихи (1917-1991 йиллар).-Т.: Ўзбекистон, 1993.-112 б.

24. Тарих ва тақдир: Фарғона водийси тарихини тадқиқ этиш муаммолари //Республика илмий-амалий анжумани материаллари.-Наманган: 2000.-120 б.

25. Тарихнинг ҳасратли саҳифалари. (Н.Каримов таҳрири остида).-Т.: Шарқ, 2006.-335 б.

26. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка, 1929-1955 гг: Документы и материалы. Т.I-III. /Сост: Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов; Под.ред. Д.А.Алимовой.- Т.: Шарқ, 2006.

27. Усмонов И. Қатагон қурбонлари.-Т.: Ўқитувчи, 1992.-223 б.

28. Усмонов Қ., Содиқов М. Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар).-Т.: Шарқ, 2002.-256 б.

29. Файзуллаев Т. Ўзбекистон янги йўлда.-Тошкент: Ўзбекистон, 1993.-88 б.

30. Хроника военных лет. Документы, цифры и факты.-Наманган, 1985.-24 с.

31. Чортоқ тумани тарихи.-Т: Университет, 1995.-224 б.

32. Шамсутдинов Р. Қишлоқ фожеаси: Жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун (Ўрта Осиё республикалари мисолида).-Тошкент: Шарқ, 2003.-544 б.

33. Шамсутдинов. Р. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожиали оқибатлари.-Т.: Шарқ, 2001.-368 б.

34. Шамсутдинов Р., Каримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. III китоб.-Андижон: Andijon nashriyot matbaa, 2004.-652 б.

35. Шамсутдинов Р., Мамажонов А. Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати.-Т.:Шарқ, 2005.-335 б.

36. Ўзбекистонда урбанизация жараёнлари: тарих ва ҳозирги замон. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари . I.-Т.: ЎзМУ, 2007. - 316 б.

37. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси.-VI том.- Т.: 2003.-704 б.

38. Ўзбекистон ҳудудлари мустақиллик йилларида / Тузувчилар: О.О.Олимжонов ва А.У.Баҳромов ва бошқ.-Т.: Шарқ, 1996.-208 б.

39. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон Совет мустамлакачилиги даврида /Тузув-

чилар: М.Жўраев, Р.Нуруллин, С.Камолов ва бошқ.-Т.: Шарқ, 2000.-688 б.

40. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Учинчи китоб. Мустақил Ўзбекистон тарихи /Тузувчилар: Н.Жўраев, Т.Файзуллаев.-Т.: Шарқ, 2000.-560 б.

41. Қиличев Ф. Зулматдан садолар.-Т.: Адолат, 1994.-160 б.

42. Қирғизов Ю., Акрамов Т. Бир ўлкаки...-Наманган: Наманган вилояти ноширлик бўлими, 1996.-222 б.

43. Қосимов Й. Қора кўзойнак билан ёзилган тарих. -Наманган, 1993.-104 б.

44. Қосимов Й., Ҳакимов Т. Ўзбекистонда миллий-демократик ҳаракат ва жадидизм (1917 йил).-Наманган: 1993.-70 б.

45. Қосимов Й. Наманган тарихидан лавҳалар.-Т.: Фан, 1990.-56 б.

46. Ҳайдаров Ҳ. Жиззах вилояти тарихи.-Т.: Меҳнат, 1996-234 б.

47. Ҳайитов Ш., Бадриддинов С. Ватан дея ватансиз қолганлар қисмати.-Бухоро, 2005.-160 б.

48. Ҳотамов А., Халилов Ш. Йиллар садоси: Кармана тарихидан лавҳалар.-Т.: Адолат, 1995.-71 б.

## *IV. Мақолалар.*

1. Автономия Туркестана и Ю.В. союз // Свободный Туркестан. - 1918. - 15(2) февраль.

2. Агзамходжаев С.С. Из истории борьбы за автономию Туркестана. Туркистон мустақиллиги ва бирлиги учун кураш саҳифаларидан.-Т.: Фан, 1996.-Б.32.

3. «Аснам Текстил» иш бошлади // «Наманган ҳақиқати».-1993.-22 ноябрь.

4. Бозоров О. Ўзини ўзи бошқариш органлари ишини такомиллаштирайлик // «Наманган ҳақиқати».-1996.-5 апрель.

5. Бозоров О. Ислоҳотларни янада чуқурлаштирайлик // «Наманган ҳақиқати».-1996.-14 февраль.

6. Борьба с голодом //Красная Фергана.-1921.-17 июнь.

7. Вилоят ҳокимлигида қабул // «Наманган ҳақиқати».-2001.-16 май.

8. Вилоят ҳокимлигининг қарори // «Наманган ҳақиқати».-1995.-18 январь.

9. Вилоятда анъанавий Машрабхонлик кунини ўтказиш тўғрисида вилоят ҳокимининг қарори // «Наманган ҳақиқати».-1996.-17 апрель.

10. Воҳидова Комила. Исхоқхон Ибрат //Фан ва турмуш.-1995.-№4.-Б.26-27.

11. Ёшлар ўртасида тарбиявий ишларни такомиллаштирайлик // «Наманган ҳақиқати».-1991.-15 январь.

12. Жабборов Т. Иқтисодий ўсишни таъминлаш изчил давом этсин // «Наманган ҳақиқати».-2001.-28 февраль.

13. Жабборов Т. Тадбиркорликни ривожлантириш - давр талаби //«Наманган ҳақиқати».-2001.-21 июль.

14. Жуманазаров О. Умрнинг уч лаҳзаси // «Наманган ҳақиқати».-1991. -6 март.

15. Известия.-1919.-27 июнь.

16. Йил сарҳисоб қилинганда // «Наманган ҳақиқати».-1992.-13 февраль.

17. Каримов И. Йўллар янада равон бўлади // «Наманган ҳақиқати».-2001.-28 март.

18. Мадатов А. Халқи соғ-омон юртнинг заволи йўқ // «Наманган ҳақиқати».-1991.-27 март.

19. Мамажонов Н. Акс садо //Шарқ юлдузи.-1989.-№9.-Б.165.

20. Муносиб армуғон // «Наманган ҳақиқати».-1992.-31 август.

21. Муродов М. Қўшиб ёзишнинг илдизлари //Шарқ юлдузи.-1989.- №9.-Б.163-165.

22. Нажмиддинов Қ. Салоҳиятнинг янги қирралари // «Наманган ҳақиқати».-2000.-8 январь.

23. Назаров Б. Ғазалнавис шоир //Чуст ҳақиқати.-1993.-20 февраль.

24. Наманган вилояти ҳокимининг қарори // «Наманган ҳақиқати». - 1992. - 8 февраль.

25. Намангандан //Улуғ Туркистон.-1917.-13 декабрь.

26. Не ослабляйте помощь Фергане //Туркестанская правда.-1923.-9 февраль.

27. Норқулов Н. Мухториятнинг тугатилиши //Фан ва Турмуш.-1990.-8.-Б.9.

28. Носиров О. Номи ўчмайди // «Наманган ҳақиқати».-2000.- 8 январь.

29. Нуралиев Ў. Маънавий бойлик-фаровонлик омили //«Наманган ҳақиқати».-1993.-2 март.

30. Обидов А. Энг ёрқин хотира //«Наманган ҳақиқати».-1993.-6 июль.

31. Приказ //Известия Наманганского совета рабочих-солдатских, крестянских и дехканских депутатов.-1919.-27 июнь.

32. Профессиональная жизнь //Красная Фергана.-1921.-17 июнь.

33. Рабочий путь.-1920.-14 апрель.

34. Ражабов Қ. Жадидлар Истиқлолчилик ҳаракатининг ғоявий раҳнамолари //Ўзбекистон тарихи. Янги нигоҳ: Жадидлар ҳаракатидан миллий мустақилликка қадар.-Т.:Элдинур, 1998.-Б.14.

35. Рапиғалиев Б. Ислоҳотлар самарадорлигини таъминлайлик //«Наманган ҳақиқати».-1995.-5январь.

36. Рапигалиев Б. Осойишталикни янада мустаҳкамлаб, бутун куч-эътиборни бунёдкорлик ишларига қаратайлик // «Наманган ҳақиқати».-1993.-1 январь.

37. Рапиғалиев Б. Туб ислоҳотларни жадаллаштирайлик, самарадорлигини оширайлик! //«Наманган ҳақиқати».-1995.-27 декабрь.

38. Рапиғалиев Б. Ҳамиша елкадошмиз //Наманган ҳақиқати. - 1993. - 21 октябрь.

39. Рапиғалиев Б. Ҳамма бўғинларда кадрлар маъсулиятини оширайлик //«Наманган ҳақиқати».-1995.-8 декабрь.

40. Раҳимов Н. Истиқлол ва фан тараққиёти // «Наманган ҳақиқати».-1995.-15-апрель.

41. Раҳмонов А. Чортоқ //Фан ва Турмуш.-1962.-№10.-Б.26-27.

42. Рашидова Н. Усмон Носирни излаб //Шарқ юлдузи.-1987.-№12.- Б.168-169.

43. Сулаймонов М. Туб ўзгаришлар даври //«Наманган ҳақиқати». - 2000. - 8 январь.

44. Султонова М. Ижтимоий ҳимоя эътиборда //Чуст ҳақиқати. - 2000. - 6 январь.

45. Талаба ёшларга янги қулайлик //«Наманган ҳақиқати».-1992.-4 февраль.

46. Убайдуллохон ҳожи. Наманганда мадраса очилди //«Наманган ҳақиқати».-1991.-24 сентябрь.

47. Файзиев К. Илмий-маърифий марказ // «Наманган ҳақиқати». - 1993. - 25 май.

48. Халилбеков А. Суронли йиллар, армонли диллар //«Наманган ҳақиқати».-2000.-20 сентябрь., 4, 7, 14 октябрь.

49. Хоназаров О. Ой бориб, омон келинг //«Наманган ҳақиқати». - 1993. - 2 март.

50. Эрктурк М.Х. Саййид Носирхон тўра //Турон тарихи.-1994.-№3.-Б.21.

51. Юнусова Х. Совет қатағон сиёсатининг сўнгги босқичи тарихидан //Ўзбекистон тарихи.-2003.- №3.-Б.43.

52. Юртимиз ва юртдошларимиз //«Наманган ҳақиқати».-1991.-3 январь.

53. Янги алоқа станцияси иш бошлади //Наманган ҳақиқати. - 1995. - 25 ноябрь.

54. Янги марралар сари /«Наманган ҳақиқати».-1991.-20 март.

55. Янги номлар берилди //«Наманган ҳақиқати».-1992.-6-22 февраль.

56. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиумининг фармони //«Наманган ҳақиқати».- 1960.-27 январь.

57. Ўзбекистон Республикаси Олий Совети Президиуминининг фармони //Совет Ўзбекистони.- 1967.-19 декабрь.

58. Қориев С. Қалдирғоч драматург. Болалар оталар ҳақида //«Наманган ҳақиқати».- -1991.-7 ноябрь.

59. Қориев С. Театр ва маҳаллий драматурглар // «Наманган ҳақиқати».-1991.-30 ноябрь.

60. Қувончли ўзгаришлар // «Наманган ҳақиқати».-2001.-10 февраль.

61. Ғуломов Я., Аҳроров И. Ахсикент обидалари изидан //Фан ва Турмуш.-1964.-№8.-Б.17-19.

62. Ҳайдаров М. Туркистон иқтисодиётида «ҳарбий коммунизм» сиёсати //Ўзбекистон тарихи.-2003.-№3.-Б.31,32,33.

63. Ҳакимов Б. Жипслик ва ҳамжиҳатлик давр талаби //«Наманган ҳақиқати».-1991.-10 сентябрь.

64. Ҳакимов Б. Юксалиш довонлари //«Наманган ҳақиқати».-1991.-2 апрель.

## *V. Диссертация ва авторефератлар.*

1. Агзамходжаев С.С. Туркистон Мухторияти: борьба за свободу и независимость (1917-1918гг.): Дис. ... док. ист. наук.-Т., 1996.-369 с.

2. Алиева Ф.С. Социально-экономическое развитие села Зарафшанской долины в 60-70-е годы, узловые проблемы и особенности: Автореф. дис. ... канд. ист. наук.-Самарканд, 1994.-27 с.

3. Вохидова К.А. Исхакхан Жунайдуллаходжа Ибрат и его научно-историческое наследие. Автореф. дис. ... канд. ист. наук.-Ташкент, 2002. -28 с.

4. Козаков Т.К. Общественно-политическое положение в Ферганской долине и джадидское движение в начале XX века. Автореф. дис. ... канд. ист. наук.-Т., 2001.-28 с.

5. Мирзааҳмедов Ҳ. Саноатда қўшма корхоналарни ҳудудий ташкил этиш ва ривожлантириш хусусиятлари (Наманган вилояти мисолида): Геог. фан. ном. дис. ... автореферати.-Тошкент, 2003.-26 б.

6. Раджабов К. К. Истиклолчилик харакати в Ферганской долине: Сущность и основные этапы развития (1918- 1924 г.г.).: Автореф. дис. ... канд. ист. наук.-Т., 1995.-32 с.

7. Ражабов К. Вооруженное движение в Туркестанском крае против советского режима (1918-1924 гг.).: Автореф. дис. ... док. ист. наук.-Ташкент, 2005.-66 б.

8. Рахматуллаев Ш.М. Социально-экономические преобразования в городах Ферганской долины в условиях независимости (1991-1996 гг.). Автореф. дис. ... канд. ист. наук.-Т., 2000.-34 с.

9. Турсунов Ж.Н. История экономического и социального развития городов Узбекистана (на примере городов Байсун, Шаргун и Шурчи) Автореф. дис. ... канд. ист. наук.-Самарканд, 1995.-26 с.

# ИЛОВАЛАР

*1-илова*

**«Улуғ Туркистон» газетасининг 1917 йил 13 декабрь сонидан лавҳа[418]**

نمنگاندن.

١ نچی دیکابردە تورکستان مختاریتی
اعلان ایتلو مناسبتی ایله نمنکاندە اوباز
خلقلری ایله برلکدە زور نمایش یاصالغان
نمایشکه یوز مك قدر کشی اشتراك ایتکان.
کشی‌نك کوبلکندن کوچەلر بوولوب قالغان.
نمایشچیلرنك بایراقلرینه «یاشاسون مختاریتی
تورکستان و آنك حکومتی!» سوزلری
یازلغان. خلق تورکستان مختاریتینه هم آنك
موقت حکومتینه صادق بولور اوچون قرآن
برله آنط ایتکان. ترتیب مثال بولورلق
درجەدە یاخشی بولغان. کوب کشی
قوانچلرندن یغلاغانلر.

[418] Наманганидан // Улуғ Туркистон.-1917.-13 декабрь.

*2-илова*

**1944-1945 йилларда Наманган вилоятидаги мактаблар тўғрисида маълумотлар[419]**

| Туман | Бошланғич мактаб | | | Тўлиқсиз ўрта мактаб | | | Ўрта мактаб | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Мактаб сони | I-V-синф ўқувчилари сони | | Мактаб сони | V-VII-синф ўқувчилари сони | | Мактаб сони | VIII-X-синф ўқувчилари сони | |
| | | Режада | Амалда | | Режада | Амалда | | Режада | Амалда |
| Наманган ш. | 8 | 7998 | 6381 | 18 | 5057 | 3781 | 12 | 1121 | 741 |
| Чуст ш. | 4 | 1752 | 1718 | - | 933 | 625 | 4 | 295 | 176 |
| Косонсой т. | 15 | 5879 | 4674 | 8 | 2625 | - | 6 | 468 | - |
| Наманган т. | 18 | 6725 | 6260 | 11 | 3588 | - | 9 | 779 | - |
| Норин т. | 5 | 3948 | 3288 | 11 | 2568 | - | 8 | 479 | - |
| Поп т. | 4 | 5300 | 3895 | 15 | 2813 | - | 7 | 572 | - |
| Тўрақўрғон т. | 20 | 6079 | 5018 | 10 | 3109 | - | 5 | 367 | - |
| Учқўрғон т. | 16 | 3968 | 2813 | 7 | 1859 | - | 4 | 294 | - |
| Уйчи т. | 8 | 5409 | 4417 | 11 | 2352 | - | 6 | 396 | - |
| Чуст т. | 9 | 4073 | 3381 | 14 | 2858 | - | 5 | 557 | - |
| Янгиқўрғон т. | 29 | 8186 | 7341 | 19 | 2833 | - | 7 | 559 | - |
| Жами | 127 | 59287 | 48184 | 124 | 31595 | | 73 | 5887 | - |

[419] НВДА, 275-фонд, 1-рўйхат, 13-иш, 178-варақ.

***3-илова***

**1946-1951 йилларда Наманган вилоятидаги мактаблар сони[420]**

| Йиллар | Бошланғич | 7 йиллик | Ўрта | Ҳаммаси |
|---|---|---|---|---|
| 1946-1947 | 125 та | 154 та | 41 | 320 |
| 1947-1948 | 116 та | 169 та | 39 | 324 |
| 1948-1949 | 120 та | 169 та | 39 | 328 |
| 1949-1950 | 112 та | 175 та | 45 | 332 |
| 1950-1951 | 123 та | 177 та | 57 | 357 |

***4-илова***

**Вилоят соғлиқни сақлаш тармоғининг кўрсаткичлари[421]**

| | 1991 йил | 2000 йил | 2006 йил |
|---|---|---|---|
| Врачлар сони (киши) | 4481 | 5492 | 4919 |
| Ўртача 10 минг киши ҳисобига | 27,9 | 35,7 | 23,1 |
| Ўрта медицина ходимлари, (минг киши) | 16 | 19,9 | 21,4 |
| Дорихоналар сони | 161 | 254 | 254 |
| Шу жумладан бюджетдан ташқари | | 224 | 224 |
| Соғлиқни сақлаш Вазирлигига қарашли санаторийлар сони | 6 | 7 | 7 |
| Улардаги ўринлар | 2080 | 2140 | 1475 |
| Поликлиникалар (қишлоқ врачлик пунктлари билан) (сони) | 211 | 288 | 358 |

[420] ЎзР МДА, Р-94-фонд, 5-рўйхат, 5487-иш, 10-варақ.

[421] Наманган вилоятининг 1991-2007 йиллар ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари. Изоҳ: Мазкур маълумотлар қўлёзма (компьютерда терилган нусха) шаклида олинган бўлиб, (муҳр ва имзо билан тасдиқланган) тадқиқотчининг шахсий архивида сақланмоқда. - Б.39.

5-илова

## Наманган вилоятининг маъмурий-ҳудудий бўлиниши[422]

*1.01.2009 йил ҳолатига*

| № | Шаҳар ва туманлар номи | Ўртача йиллик аҳоли сони, минг киши | шу жумладан: шаҳар | шу жумладан: қишлоқ | Хўжаликлар (оилалар) сони, минг та | шу жумладан: шаҳар | шу жумладан: қишлоқ | Ҳудуд майдони, минг кв.км. | Аҳоли зичлиги, 1 км²/киши | Маъмурий-ҳудудий бирликлар сони: вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар | туманлар | шаҳар туманлари | туманга бўйсунувчи шаҳарлар | шаҳар посёлкалари | қишлоқ фуқаролик йиғинлари | қишлоқ аҳоли пунктлари | ш.ж.: аҳоли яшамайдиган | маҳаллалар сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Вилоят бўйича | 2218,2 | 1434 | 783,9 | 438,7 | 123,7 | 315,0 | 7,44 | 298,1 | 1 | 11 | | 7 | 120 | 99 | 483 | | 745 |
| 1 | Наманган ш | 433,4 | 433,4 | | 74,8 | 74,846 | - | 0,083 | 5221,7 | 1 | | | | | | | | 80 |
| 2 | Мингбулоқ | 97,2 | 35 | 62,2 | 19,9 | - | - | 0,741 | 131,2 | | 1 | | | 7 | 7 | 50 | | 41 |
| 3 | Косонсой | 157,3 | 101 | 56,3 | 30,1 | 10,2 | 19,902 | 0,518 | 303,7 | | 1 | | 1 | 10 | 7 | 42 | | 63 |
| 4 | Наманган | 180,3 | 69,9 | 110,4 | 38,0 | - | - | 0,249 | 724,1 | | 1 | | | 10 | 12 | 42 | | 67 |
| 5 | Норин | 128,7 | 67,8 | 60,9 | 29,4 | 12 | 17,36 | 0,207 | 621,7 | | 1 | | 1 | 8 | 8 | 35 | | 51 |
| 6 | Поп | 173,4 | 105,1 | 68,3 | 35,6 | 13,2 | 22,36 | 2,91 | 59,6 | | 1 | | 1 | 15 | 10 | 47 | | 76 |
| 7 | Туракўрғон | 176,8 | 98,2 | 78,6 | 37,1 | - | - | 0,278 | 636,0 | | 1 | | 1 | 13 | 8 | 26 | | 72 |
| 8 | Уйчи | 185,2 | 83,2 | 102 | 36,6 | - | - | 0,31 | 597,4 | | 1 | | | 13 | 8 | 46 | | 57 |
| 9 | Учқўрғон | 140,8 | 56,5 | 84,3 | 30,7 | - | - | 0,3 | 469,3 | | 1 | | 1 | 4 | 8 | 43 | | 61 |
| 10 | Чортоқ | 158 | 103,5 | 54,5 | 29,7 | - | - | 0,378 | 418,0 | | 1 | | 1 | 10 | 9 | 19 | | 53 |
| 11 | Чуст | 214,5 | 147,1 | 67,4 | 42,2 | 13,5 | 28,709 | 0,937 | 228,9 | | 1 | | 1 | 11 | 11 | 24 | | 64 |
| 12 | Янгиқўрғон | 172,6 | 133,6 | 39 | 34,7 | - | - | 0,529 | 326,3 | | 1 | | | 19 | 11 | 29 | | 60 |

[422] Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

*6-илова*

## Наманган вилоятининг таълим ва тиббиёт соҳасидаги 2014 йил 1 январь ҳолатига доир кўрсаткичлари[423]

| Шаҳар туманлар номи | Мактабгача таълим муассасалари | | Умумтаълим мактаблари | | Академик лицейлар | | Коллежлар | | Олий ўқув юртлари | | Тиббиёт муассасалари сони | Қишлоқ врачлик пункт-лари сони |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Сони | Улардаги тарбияланувчилар | Сони | Улардаги ўқувчилар | Сони | Улардаги ўқувчилар | Сони | Улардаги ўқувчилар | Сони | Улардаги талабалари | | |
| Вилоят бўйича | 473 | 44622 | 690 | 359766 | 10 | 8665 | 108 | 126825 | 3 | 10784 | 55 | 244 |
| Наманган ш | 54 | 5951 | 77 | 74018 | 4 | 5191 | 17 | 29807 | 3 | 10784 | 27 | - |
| Мингбулоқ | 36 | 3206 | 51 | 17109 | | | 6 | 5480 | | | 1 | 17 |
| Косонсой | 29 | 2859 | 55 | 27856 | 1 | 589 | 9 | 9866 | | | 2 | 22 |
| Наманган | 33 | 4388 | 43 | 28446 | | | 9 | 10717 | | | 2 | 24 |
| Норин | 45 | 3430 | 45 | 18510 | 1 | 454 | 7 | 6805 | | | 3 | 19 |
| Поп | 40 | 3869 | 71 | 27395 | | | 9 | 9115 | | | 4 | 28 |
| Тўрақўрғон | 39 | 3308 | 62 | 27618 | 1 | 629 | 8 | 9194 | | | 2 | 23 |
| Уйчи | 41 | 3424 | 48 | 28747 | | | 8 | 8482 | | | 3 | 20 |
| Учқўрғон | 43 | 4291 | 47 | 21929 | 1 | 400 | 7 | 6552 | | | 3 | 16 |
| Чортоқ | 28 | 2555 | 55 | 24247 | 1 | 683 | 9 | 9768 | | | 2 | 24 |
| Чуст | 46 | 4087 | 72 | 33977 | 1 | 719 | 10 | 11718 | | | 3 | 24 |
| Янгиқўрғон | 39 | 3254 | 64 | 29914 | | | 9 | 9321 | | | 3 | 27 |

423 Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

**7-илова**

## 2013 йилдаги аҳолининг табиий ҳаракати[424]

| Шаҳар ва туманлар | 2013 йил 1 январь ҳолатига аҳоли сони (минг киши) | Туғилганлар (киши) | Вафот этганлар (киши) | Келганлар (киши) | Кетганлар (киши) | Ўсиш йил бошидан (минг киши) +; - | 2014 йил 1 январь ҳолатига аҳоли сони (минг киши) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Вилоят бўйича | 2458,7 | 56733 | 11374 | 4933 | 5064 | 45,3 | 2504,0 |
| | | | | | | | |
| *Наманган ш* | *468,0* | 11496 | 2258 | 390 | 1934 | 7,7 | 475,7 |
| Мингбулок | 109,9 | 2402 | 449 | 294 | 280 | 2,0 | 111,9 |
| Косонсой | 180,9 | 4446 | 715 | 188 | 178 | 3,8 | 184,7 |
| Наманган | 207,8 | 4819 | 917 | 657 | 315 | 4,2 | 212,0 |
| Норин | 144,6 | 3332 | 723 | 190 | 291 | 2,5 | 147,1 |
| Поп | 193,1 | 4344 | 900 | 606 | 396 | 3,6 | 196,7 |
| Тўрақўрғон | 194,7 | 4464 | 869 | 531 | 285 | 3,9 | 198,6 |
| Уйчи | 202,9 | 4879 | 989 | 602 | 312 | 4,2 | 207,1 |
| Учқўрғон | 151,4 | 3412 | 809 | 211 | 307 | 2,6 | 154,0 |
| Чортоқ | 175,7 | 4054 | 787 | 205 | 216 | 3,2 | 178,9 |
| Чуст | 233,5 | 4912 | 1055 | 630 | 367 | 4,1 | 237,6 |
| Янгиқўрғон | 196,2 | 4173 | 903 | 429 | 183 | 3,5 | 199,7 |

[424] Наманган вилояти статистика бошқармаси маълумотлари.

# МУНДАРИЖА

МУҚАДДИМА....3
МАВЗУ ТАРИХШУНОСЛИГИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ....9
НАМАНГАНДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎРНАТИЛИШИ....20
Наманган уездида совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши қуролли ҳаракат....20
Советлар томонидан жорий этилган бошқарув тизими: «ислоҳот» ва оқибатлар....34
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ВА ТУРҒУНЛИК ЙИЛЛАРИДА....41
Уруш ва ундан кейинги йиллардаги иқтисодий ва ижтимоий ҳолат....51
Миллий қадриятларнинг ҳукмрон мафкура манфаатларига бўйсундирилиши ва таълим тизимидаги муаммолар....74
Совет ҳокимиятининг таназзули ва демократик ўзгаришлар сари йўл тутилиши....87
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА МАДАНИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР....104
Ижтимоий муаммолар ечимидаги саъй-ҳаракатлар ва уларнинг натижалари....104
Иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши ва унинг натижалари....119
Миллий ва маънавий қадриятларнинг тикланиши. Илм-фан соҳасида эришилган ютуқлар....131
ХУЛОСА....151
ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ....158
ИЛОВАЛАР....169

*Илмий-оммабоп нашр*

**Заҳриддинбобир ҲАЙДАРОВ**

# НАМАНГАН ВИЛОЯТИ: ЎТМИШ ВА БУГУН

**(1917-2013 йиллар)**


*Муҳаррирлар:* **Э. НУРМАТОВ.**
**Д. ЖУМАБОЕВ.**
*Тех. муҳаррир:* **Н. ТОШХОЖАЕВ.**
*Ком. дизайнер:* **И. ТОШХОЖАЕВ.**
*Мусаҳҳиҳ:* **Ш. НОМОЗБОЕВ**

Теришга 10.08.2014 й. берилди. Босишга 23.11.2014 й.
рухсат этилди. Шрифт гарнитураси RAd_Journ.
Оқ қоғозга офсет усулида босилди.
Бичими 60х84. 1/16. Шартли босма табоғи 11,25.
Нашриёт ҳисоб табоғи 11,0. Адади 300 нусха.
Буюртма № 358 Баҳоси келишилган нархда.

«Наманган» нашриёти. Наманган шаҳри,
Навоий кўчаси, 36. Матбуот уйи. 3-қават.

**Нашриёт лицензия рақами AI-156**
**2009 йил 14 августда берилган**

**«Чуст босмахонаси» МЧЖ,**
**Чуст шаҳри, Сўфизода кўчаси, 8-уй.**



**Ҳайдаров Заҳриддинбобир Умарович**
**тарих фанлари номзоди**

1969 йил 24 февралда Наманган вилояти Чуст туманидаги Олмос қишлоғида туғилган.

1995 йилда Наманган давлат университети тарих факультетини тамомлаган. 1998-2001 йилларда мазкур университетнинг аспирантурасида таҳсил олган. 2007 йилда "Наманган вилоятининг совет даври ва мустақиллик йилларидаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий тарихи: қиёсий таҳлил" мавзусидаги диссертациясини ҳимоя қилган. Халқаро ва Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда маърузалари билан қатнашиб, журнал ва тўпламларда куплаб мақолалар чоп эттирган.

ISBN 978-9943-977-02-0